

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

أحكام القرآن

ФИҚҲ ИЛМИДА “АҲКОМ АЛ-ҚУРЪОН” ТАФСИРИНИНГ
АҲАМИЯТИ

Ахмедов Бурхон

ТОШКЕНТ-2025

УЎК
КБК
С

Бурхон Ахмедов

Фикҳ илмида “Аҳком ал-Қуръон” тафсирининг аҳамияти [Текст]: / Б.Ахмедов. – Тошкент: «Ўзбекистон халқаро ислом академияси» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2025. – 142 б.

Тақризчи:

З.Исломов

филология фанлари доктори, профессор

Ушбу монографияда милодий 10-асрда яшаб ижод қилган муфассир, фақиҳ Абу Бакр Жассос қаламига мансуб “Аҳком ал-Қуръон” тафсирининг фикҳ илмида тутган ўрни очиб берилган. Унда Яқин Шарқнинг X-XI асрлардаги ижтимоий, сиёсий ва илмий муҳити, Абу Бакр Жассоснинг илмий фаолияти, “Аҳком ал-Қуръон” асарининг тафсир илми ривожигаги ўрни ҳамда унинг ҳозирги даврдаги аҳамиятига доир масалалар таҳлил қилинган. Шунингдек, асарда ҳанафий мазҳаби қоидаларининг талқин этилиши, унинг замонавий фикҳий масалалар ечимини топишдаги аҳамияти ёритиб берилган.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Кенгашининг _____ йил _____ даги _____ сонли баённомаси билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг _____ даги _____ сонли хулосаси асосида тайёрланди.

КИРИШ

XXI асрга келиб жаҳондаги турли куч марказлари ўртасида кескин ғоявий курашлар юз бераётган даврда ислом динининг инсонпарварлик ва тинчликпарварлик моҳиятини, инсоният тараққиётига қўшган ҳиссасини кўрсатиб бериш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Шунга кўра, «Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Чунки ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади»¹. Кейинги йилларда жаҳон шарқшунослигида ислом илмлари – тафсир (التفسير), ҳадис (الحديث), фикҳ (الفقه), ақоид (العقائد) ва тасаввуф (التصوف)ни ўрганишга бўлган қизиқишнинг ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Дунё фондларида Шарқ аллома ва мутафаккирларининг катта ҳажмдаги ноёб қўлёзма манбалари сақланмоқда. Мазкур асарлар Мовароуннаҳрнинг тарихий, ижтимоий-сиёсий, маданий муҳитига оид маънавий маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради. Улардан ислом динининг асл мазмунини ёритишда, тарихий-маданий қадрият ва ўтмишимизнинг ажралмас қисми сифатида тадқиқ этилишида бирламчи манба сифатида фойдаланиб, кўплаб илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Фондларда сақланаётган ислом тарихи ва манбашунослигига оид китоблар, хусусан, фикҳ илми тарихи ва унинг тадрижий ривожланиши, муфассирлар фаолияти ҳамда ҳанафий мазҳабига оид тафсирларни ўрганиш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида маънавият соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, диний ва миллий қадриятларни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ислом ҳамкорлик ташкилоти томонидан Бухоро шаҳрининг 2020 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // Маърифат, 2017, 20 сентябрь.

вилоятларда ҳадис, фикҳ, калом илми, тафсир ва тасаввуф мактаблари ҳамда Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ташкил этилиши ислом илмлари соҳасида янада чуқур изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда. Минг йиллар давомида ўзбек халқининг яшаш тарзи, урф-одат ва анъаналарига сингиб кетган ислом дини ҳамда у билан боғлиқ илмий меросни ўрганиш, кейинги авлодларга етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири сифатида белгиланди. «Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир»². Шу нуқтаи назардан, буюк мутафаккирларнинг асарларини, уларнинг бутунжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада юртимиз тарихига доир бирламчи қўлёзма манбаларни атрофлича тадқиқ этиш орқали миллий менталитет ҳамда ислом дини қадриятлари асосида шаклланган юксак ҳуқуқий маданият, ахлоқий-ижтимоий нормаларга оид махсус назарий ва комплекс тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Абу Бакр Жассос ҳанафий мазҳабининг етук олими бўлгани боис унинг барча асарлари мазкур мазҳаб қонун-қоидаларини баён қилишга бағишланган. Жумладан, “Аҳком ал-Қуръон” асарида ҳам ҳанафийликка оид фикҳий қоидалар, ақидавий қарашлар ва ғоялар муҳим ўрин тутган. Мазкур асар ўзидан кейинги шу мавзуда ёзилган адабиётлар учун муҳим манба вазифасини ўтаган. Шу боис Абу Бакр Жассоснинг ушбу асари доим тадқиқотчиларни эътибори марказида бўлган.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислам ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // Халқ сўзи, 2016, 19 октябрь.

Араб дунёсида Абу Бакр Жассоснинг мазкур шоҳ асари бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Қуръон ва Қуръон илмлари йўналишида фаолият юритган профессор Али ибн Сулаймон ал-Абид, Умар Муҳаммад Умар Бодовуд, Абдулбосит Иброҳим Балбул ва Доктор Сафват Мустафо Халилович ҳамда Доктор Исматуллоҳ Иноятуллоҳ каби тадқиқотчилар “Аҳком ал-Қуръон” асарини тадқиқ қилганлар³. Хусусан, Доктор Сафват бу борада кенгроқ изланиш олиб борган.

Урду тилида ҳам “Аҳком ал-Қуръон” асари бўйича тадқиқот ва таржималар амалга оширилган. Жумладан, Мавлоно Абдулқайюм томонидан амалга оширилган мазкур асарнинг олти жилдли таржимаси машҳурдир⁴.

Ўзбекистонда ханузгача Абу Бакр Жассос ва унинг илмий ижоди борасида тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Айниқса, алломанинг шоҳ асари бўлмиш “Аҳком ал-Қуръон” асари ўзбек китобхонлари ва тадқиқотчиларга ҳозирга қадар номаълумлигича қолмоқда. Бу эса мавзунинг долзарблигини янада кенгроқ очиб беради.

Фарблик олимлардан А.Кевин Рейнхарт, Адел Умар Шариф, Муҳаммад Бадулҳалим ва Кейт Даниелс Абу Бакр Жассос ҳаёти ва унинг асарлари ҳақида ўз тадқиқотларида қисман тўхталиб ўтганлар⁵. Муҳаммад Акрам эса Абу Бакр Жассоснинг “Усул” асари бўйича инглиз тилида PhD тайёрлаган⁶.

³Доктор Али ибн Сулаймон ал-Абид. Тафасир аят ал-аҳкам ва манаҳижуха. – Ар-Риёз: Дар ат-тадмурия, 2010. – 865 б; Умар Муҳаммад Умар Бодовуд. Дирасат ал-аҳадис ва ал-осор ал-ворида фи Аҳком ал-Қуръон. Ж.1-2. – Ар-Риёз: Жамиъа Умм ал-қуро, 1993. – 625 б; Доктор Сафват Мустафо Халилович. Ал-Имам Абу Бакр Жассос Жассос ва манҳажуҳу фи ат-тафсир. – Қоҳира: Дар ас-салом, 2008. – 640 б; Доктор Исматуллоҳ Иноятуллоҳ. // Ал-Имам Абу Бакр Жассос: ҳаятуху ва осоруху ал-илмия // “Ад-дирасат ал-исламия” журнали. 2-сон. Ж.46. 2011 йил.

⁴Мавлоно Абдулқайюм. Аҳкам ал-Қуръан. Ж.1-6. – Исломобод: Идораи таҳқиқоти исломий пресс, 1999.

⁵Kevin A.Reinhart. Befor revelation. The Boundaries of Muslim Moral Thought. – Albany: State Univesity of New York Press, 1995. – P. 242; Muhammad Abdul Halim, Adel Omar Sherif, Kate Daniels. Criminal Justice Islam.Judicial Procedure in the Shari’a. – London: I.B.TAURIS, 2008. – P. 182.

⁶Mohammad Akram. The priniples of abrogation with special reference to the Usul of Al-Jassas.University St. Andrews, 1987. – P. 485.

I БОБ. АБУ БАКР ЖАССОС ВА X-XI АСРЛАРДА ИЖТИМОИЙ, СИЁСИЙ ВА ИЛМИЙ МУҲИТ

§ 1.1. X-XI асрларда Яқин Шарқдаги ижтимоий, сиёсий ва илмий вазият

Абу Бакр Жассос яшаган ҳижрий IV/ X милодий аср ислом тамаддуни ривожига ва юксалишида ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар таъсири катта эканини кўриш мумкин. Абу Бакр Жассос яшаган мазкур даврдаги илмий-маърифий муҳит ва бу муҳитнинг олим ижодига таъсирини илмий иш даражасида ўрганиш ва муайян илмий-назарий хулосалар чиқаришни тақозо этади.

Аббосийлар ҳукмронлигининг иккинчи асрида Ислом дунёси янада кенгайиб, Шарқда Ҳиндистон ва Форс денгизигача, Ғарбда Судан ва Африканинг олис ўлкаларигача, Шимолда Византия ва унга туташ Арманистон, Хазар, Булғор, Турк ерлари ва Хитойгача, жанубда эса Форс денгизига қадар чўзилиб боргани тарихий манбаларда келтирилган⁷.

Лекин бу кенгайиш узоқ давом этмаганлигига, аббосийларнинг амалдаги ҳукмронлигидан 330-430/942-1039 йиллар оралиғида халифалик пойтахти Бағдоддан тўлиқ мустақил бўлган Мисрдаги фотимий-исмоилийлар каби бир қанча амирликлар ажралиб чиққанига тарихий манбалар гувоҳлик беради. Бу амирликлар амалда мустақил бўлишига қарамай, Бувайҳий-шиалар давлати каби расман Бағдодга бўйсунардилар. Натижада, аббосийлар фақат Бағдод устидангина ўз ҳукмронлигини зўрға сақлаб қолдилар. Баъзида бу ҳокимиятни ҳам 334/945 йилда бувайҳийларга бой бериб қўйганлари каби йўқотардилар.

Аббосийлар халифалиги даврида халқ қуйидаги миллатлардан ташкил топган эди: араблар, форслар, турклар, дайламлар ва курдлар. Улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар мазҳабий мутаассиблик руҳида кечгани сабабли улар ўртасидаги ўзаро урушлар юқорида айтиб ўтилганидек, турклар

⁷ Қаранг: Адам Метз. Таржимон (араб тилига): Муҳаммад Абдулҳодий Абу Райда. IV ҳижрий асрда Ислом маданияти ёки Ислом уйғониш даври. — Байрут: 1967. — Б. 22.

ёки бошқалар, форслар билан дайламликлар ўртасидаги келишмовчиликлар мавжуд эди. Аҳоли аксар қисмининг яшаш даражаси бой турмуш тарзидан кўра фақирликка яқинлиги мамлакатдаги ички урушларга асосий сабаб бўлиб, бу 364/975 йилда озиқ-овқат маҳсулоти нархларининг кескин ошиб кетишига олиб келди. Ҳатто тарихчиларнинг қайд этишича, одамлар ўлимтик гўштларини ейишга ҳам мажбур бўлганлар.

Ибн Асир 401/1011 йил ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Бу йилда Хуросонда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кескин ошиб кетди. Очликдан одамлар “Нон! Нон!”, - деб бақирар ва жон берардилар”⁸.

Ибнул Имод Ҳанбалий 411/1020 йилни шундай эслайди: “ Бу йили Ироқда қимматчилик шу даражага етдики, одамлар ит ва эшак гўштларини ейишдан тап тортмадилар”⁹. Бунинг устига 341/952 ва 348/959 йилдаги каби, 362/973 ва 371/982 йилдаги Карх ёнғини сингари катта ёнғинлар, товламачиларнинг кўпайиб, мол-мулкларни талаши, зилзилалар ва табиий офатлар ҳам халқнинг аҳволини янада оғирлаштирган эди.

Халифа, амирлар ва вазирлар эса бу даврда тўкин-сочинлик, дабдаба ва зебу зийнатда яшар, халифанинг саройлари ва унга туташ иморатлар улканлигидан ўзига хос маҳобат касб этарди. Йирик мансабдорларнинг ҳовлилари ҳам сарой тусини олган эди. Бу вақтда сарой иморатлари маҳорат билан қурилган бўлиб, улар уч қисмга ажратилган: ҳарам хоналари, ходимлар учун хужралар ва зиёфат учун мўлжалланган заллар. Саройларни мева ва хушбўй ҳидли гулларга бурканган боғлар ўраб турган¹⁰. Бунга ҳам қаноат қилмасдан, халифалар Форс ва Византия қасрларига монанд жуда ҳашамдор саройлар қура бошлаганлар. Мисрдаги тулунийлар ва улардан кейинги фотимийлар ҳам аббосийларнинг дабдабали ҳаётига тақлид қилиб

⁸ Ибн Асир Жазарий. Ал-Комил фи ат-тарих. Ж.7. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1978. – Б. 254.

⁹ Ибн Имод Ҳанбалий. Шазарот аз-заҳаб фи ахбори ман заҳаба. Ж.3. – Байрут: Дор ал-офок ал-жадида. – Б. 192.

¹⁰ Ҳасан Иброҳим Ҳасан. Тарих ал-ислом. Ж.3. – Байрут: Дор ал-жил, 1996. – Б. 434.

олиб, сарой биноларини уларникига ўхшатиб қурганлар. Бу ишларни амалга ошириш Фотимийлар давлатидаги мол-мулкнинг кўплиги боис осон кечарди.

Ҳижрий IV аср ва V аср бошларида байрамлар халифа ҳамда амирларнинг бой ва фаровон турмуш тарзларига монанд ўтказилган. Бу байрамларнинг энг муҳимлари Рамазон ва Қурбон ҳайитлари ҳисобланган.

Бойлар ва мансабдорлар қўли очиқлик билан инфоқ-эҳсон қилар, айниқса, бу саҳийлик Рамазон ойи ҳайитида янада кўпаярди. Қурбон ҳайити кунда қурбонликлар сўйилиб, фақирларга тарқатилган. Бу икки ийд кунларида кўчалар безатилар, майдонлар чироқлар билан ёритилар ва дарёлар ясатилган қайиқлар билан тўлиб-тошарди. Шунингдек, халифалар одамларга ҳайит намозида имомлик қилар, фақирларга кўплаб ҳадялар улашар ва улар ҳам бошқалар қатори байрам хурсандчилигига шерик бўлардилар.

Шу қатори шиаларнинг ҳам ўзига хос байрамлари бўлиб, катта тантаналар билан нишонланар эди. Бу байрамлар Ашуро ва Явмул-ғодийр бўлиб, уларда саҳобаларни қарғаш ва уларга нисбатан беодоблик, ўз-ўзини қийнаш каби ҳолатлар бўлгани учун, бу нарса кўпинча турли хил фитналарни келтириб чиқарарди.

IV/XI ва V/XII асрлар ички зиддиятлар ва сиёсий муҳитдаги тушқунликка қарамай, илм-фан ривожига жадал тус олганини пайқаш қийин эмас. Ривожланиш ўчоғи Халифалик марказида, айниқса, кўзга ташланар эди. Шу сабабли Бағдод илмий муҳити шу даражада гуллаб яшнадики, унга бирон-бир шаҳар, ҳатто Миср ҳам фотимийлар давригача бу даражага ета олмади. Бунга кўпроқ халифаларнинг олимларни рағбатлантириши ва уларни узлуксиз совға-саломлар билан сийлашлари сабаб бўлган. Шунингдек, халифа ва вазирлар олимлар даврасида бошқа мансабдорларга нисбатан фахр ва ғурурланиш туярдилар. Шу боис баъзи илм ва одоб эгалари обрў-эътибор, шуҳрат ва бойлик илинжида Бағдодга келиб, халифа ва амирларга яқин бўлишга ҳаракат қилишарди.

Бу даврда илм марказлари ва ҳуқуқ мактаблари бир-икки шаҳардагина эмас, балки бутун минтақа бўйлаб, яъни халифаликка тегишли ҳудудларда ёйилиб кетди. Жумладан, Бағдод, Хоразм, Фарғона, Тошкент, Термиз, Насаф, Марв, Қошғар, Баласоғун, Талас, Волгабўйи шаҳарлари, Нишопур, Исфаҳон, Ҳирот, Журжон, Тус, Рай, Ғазна, Ғарба Испания ва Шимолий Африканинг турли шаҳарлари илм-маърифат ўчоқларига айланди.

305/918 йилда Византия элчиси Бағдодга келганида халифа унинг шарафига катта тантана уюштириб, 160 минг кишилиқ жанговар қўшинни намойиш қилади. Элчи шаҳарнинг ниҳоятда катталиги ва ободлигини, биноларнинг ҳашамдор ва безакдорлигини, аҳолининг тўқ ва фаровон ҳаётини кўриб ҳайратга тушади¹¹.

Шунингдек, бу даврда табиий фанлар билан бир қаторда фалсафий билим соҳалари ҳам ривожланган эди. Абу Наср Форобий (873-950), Абу Мансур Муҳаммад Мотуридий (870-944), Абу Абдуллоҳ Хоразмий (вафоти 997 йил), Абу Али ибн Сино (980-1037), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Юсуф Хос Ҳожиб (1019 йилда туғилган) каби буюк аждодларимиз ҳам айнан мана шу даврда яшаб ўз илмий фаолиятларини олиб борганлар. Бу босқичнинг асосий хусусияти ақлга, мантикий тафаккурга таяниш, ўтмишда, яъни исломгача инсоният яратган маънавий бойликни ўзлаштириб, янгича талқин қилиш, аниқ ва табиатга оид фанларга қизиқишнинг беҳад кучайганини алоҳида таъкидлаш зарур. Мазкур даврда анъаналари кейин ҳам тўхтаб қолган эмас. Бу босқичда “Ҳақиқат изловчилар”нинг турли йўналишлари – калом, фалсафа ва тасаввуф каби йўналишлар мукаммал шаклланди.

Илк ўрта асрлар маданиятида X/IV асрга келиб барча илмлар икки кўринишга: 1) ўз ичига араб тили услуби, асослари, Қуръон тили, ислом қонун-қоидаларини қамраб олган гуманитар билимлар “улум ал-қадимийа”

¹¹ Имодуддин Абул Фидо Исмоил ибн Касир Қураший Димашкий. Ал-бидая ва ан-нихая. Ж.11. – Байрут: Дар ихя ат-турос ал-арабий, 1997. – Б. 97.

“анъанавий илмлар” ёки “улум ал-ислом” ёки “улум ан-нақлиййа”, ёки “улум аш-шаръиййа”, яъни “шариат илмлари” ҳамда 2) математика, табиий илмлар, мантиқ, метафизика ва ҳоказолардан иборат “улум ал-ажам” – “арабларга тааллуқли бўлмаган илмлар” ёки “улум ат-табиъиййа” ёки “улум ал-ақлиййа”, яъни “рационал илмлар”га бўлинган эди. Биринчи гуруҳ ислом, диний билимлар ва ақидалар тизимини мустаҳкамлаш, қонунлаштириш ва ишлаб чиқиш, иккинчиси эса, моддий борлиқ — табиатнинг моҳиятини ўрганишга қаратилган эди.

Бу илмий жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи диний-сиёсий мазҳабларнинг кўплиги билан боғлиқ бўлиб, шиалар, исмоилийлар, мўътазилийлар ва қарматийлар шулар жумласидандир. Ўша давр уламолари китоблар ёзиш ва мунозаралар орқали ўз мазҳабларини қувватлашга интилар, натижада, шу мазҳабчиликка мансуб бўлган сиёсий кучлар томонидан ҳадяларга ҳам сазовор бўлардилар.

Шунингдек, диний мазҳаблар ҳамда фақиҳларнинг ўз мазҳабларини бошқалардан афзаллигини кўрсатишга бўлган ҳаракатлари фикҳ илмининг ривожига сабаб бўлди.

Хусусан, 330/941-430/1038 йилларнинг асосий хусусияти ижтиҳод эшикларининг ёпилиши билан боғлиқ бўлиб, бу эса бир қатор салбий ҳолатларга олиб келди. Фақиҳларнинг мужтаҳид имомлар тўплаган илмларни шарҳлаш билан чекланишлари, фақатгина шарҳга шарҳлар ёзиб, фаразларни кўпайтиришлари, жузъий масалаларни ўқувчига осонлаштириш ёки имомлар чиқарган ҳукмлар сабабларини кўрсатиб бериш мақсадида ёзилган шарҳлар кенг ёйилди. Дарҳақиқат, буни турклар ва дайламликларнинг халифалик ҳокимиятига таъсири ортиши натижасида вужудга келган ҳукмрон ижтимоий-сиёсий вазиятнинг табиий натижаси деб қараш керак. Чунки, улар араб тилини мукаммал билмаслиги сабабли фикҳий билимларни осонлаштиришга эҳтиёж туғилар эди.

Милодий VIII асрга келиб эса, фикҳ илми калом илмидан мустақил илм сифатида ажралиб чиқди ҳамда Ибн Жарир Табарий¹², Авзоъий (88/707-157/774), Сўфён Саврий (97/716-161/778) мазҳаблари заифлаша бошлагач, машхур тўртта мазҳаб кўриниш олиб борди. Муҳаммад Курд Али бу ҳақида шундай деган: “Бу мазҳаблар инқирозининг сабаби шундаки, уларда фуруъ, яъни жузъий масалаларнинг кенг ёритилмагани ҳамда Имом Муҳаммад ва Абу Юсуфлар каби масалаларни батафсил ёритувчиларнинг бўлмаганидир”¹³.

Бу даврда ҳанафий мазҳаби Ироқда шуҳрат қозонди ва кенг тарқалди. Турклар бу мазҳабни асос қилиб, бошқарув ишларида у билан ҳукм қила бошлагач, бошқа шаҳарларга ҳам тарқалди¹⁴. Кўпинча халифалар ва волийлар ҳанафий мазҳаби вакиллари қозиликдан бош тортмаганлиги ва хайрихоҳ ҳолда қабул қилганлиги учун уларни қозиликка сайлар эди ва бошқа мазҳаб вакилларида афзал кўрарди.

Ушбу даврда Абу Бакр Жассос билан бир асрда яшаган таниқли фақиҳлар:

Имом Абул Ҳасан Кархий (260/874-340/952) – Убайдуллоҳ ибн Ҳусайн фақиҳ ва адиб, ўз асрининг нодир шахсларидан биридир. Боғдодда ҳанафий мазҳабининг улуғи ҳисобланиб, кўпгина муҳим асарлар қолдирган. Абу Бакр Жассос унга шогирд тушиб, ундан кўп фойдаланган¹⁵.

Абу Тоҳир Даббос Муҳаммад ибн Суфён¹⁶ (в. 321/933) Ироқдаги “аҳли рай” мактабининг фақиҳи, “Аҳли сунна вал жамоа”дан бўлган,

¹² Имом Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ибн Язид Табарий (224/839 – 310/923). Тарихчи, муфассир, фақиҳ ва мужтаҳид. Бағдодда яшаб ижод этган. Тарихга оид “Ахбор ар-русул вал-мулк”, Тафсирга оид “Жомий ал-баён фи тафсийр ал-Қуръон”, фикҳга оид “Ихтилоф ал-фуқаҳо” асарлари машхур.

¹³ Муҳаммад Курд Али. Ал-Ислам ва ҳадорат ал-араб. – Қоҳира: Мактабат дор ал-кутуб ал-асрийя, 1936 - Б. 11.

¹⁴ Қаранг: Абдуллаҳ ибн Муҳаммад ибн Халдун. Ал-Муқаддима. – Байрут: Муассасат ал-аъламий. – Б. 448.

¹⁵ Қаранг: Абу Абдуллоҳ Ҳусайн Саймарий. Ахбор Аби Ҳанифа ва асхабиҳ. – Байрут: олам ал-кутуб, 1985. – Б. 160-161; Ибн Абулвафо. Ал-Жаваҳир ал-мудийя фи тобақот ал-ҳанафийя. Ж.1. – Ҳайдаробод: Дирият ал-маъариф ан-низомия. – Б. 337; Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаъат дор ас-саъода, 1906. – Б. 108-109.

¹⁶ Қаранг: Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаъат дор ас-саъода, 1906. – Б. 187.

ривоятларни яхши ёдлаши билан танилган, Шомда қозилик вазифасини бажарган.

Абу Жаъфар Таҳовий Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салама¹⁷ (229/853-321/933) Мисрда яшаган, Абу Ҳанифа шогирдларининг раиси бўлган ва бир қатор асарлар яратган. “Мухтасар”, “Ихтилаф ал-уламо”, “ат-Тарих ал-кабир” асарлари шулар жумласидандир. Уламолар уни фикҳий масалаларда мужтаҳид деб ҳисоблаган. Шу табақадан яна Абу Амр Табарий Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдулрахмон¹⁸, Боғдод фақиҳларидан Кархий даврида дарс берган.

Абу Али Шоший Аҳмад ибн Исҳоқ¹⁹ (в. 344/955) ҳофизлардан ҳисобланган. Унинг тенгдошларидан бири Абу Бакр Домигоний Ансорий Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мансур²⁰, Таҳовий, Кархийнинг шогирди бўлган, ундан кейин Воситга муфтий бўлган.

Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Али Басрий²¹ (293/890-369/906) фикҳ ва калом илмларини пухта эгаллаб, бу икки фанга оид асарлар ёзган ва мударрислик қилган. Бу табақадан яна бири Нишопур фақиҳлари устози ҳисобланган Кархийнинг шогирди “ар-Риёд” асарининг муаллифи Абу Саҳл Зужажий²² бўлиб, Нишопурда вафот этган. Бу даврнинг машҳур олимларидан яна бири – Қозию-л-Ҳарамайн Абул Ҳасан²³ бўлиб, у билан Абу Саҳл Зужажий қўлида Нишопурнинг ҳанафий мазҳаби фақиҳлари таҳсил олган.

Сўнгра Абу Бакр Жассос Боғдодда мударрислик қилди (305/917-370/980) ва шу ерда вафот этган. Ундан кейин фикҳ кейинги авлодга ўтган. Бу гуруҳнинг улуғлари Абу Бакр Жассоснинг шогирдлари ҳисобланади. Бу

¹⁷ Қаранг: Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Б. 31-34.

¹⁸ Қаранг: Ўша манба. – Б. 35.

¹⁹ Қаранг: Ўша манба. – Б. 31.

²⁰ Қаранг: Абу Абдуллоҳ Ҳусайн Саймарий. Ахбор Аби Ҳанифа ва асҳабиҳ. – Байрут: олам ал-кутуб, 1985. – Б. 164; Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаът дор ас-саъода, 1906. – Б. 41.

²¹ Қаранг: Абу Исҳоқ Шерозий. Тобақот ал-фуқаҳо. – Байрут: Дар –ар-роид ал-арабий, 1981. – Б. 67; Абу Абдуллоҳ Ҳусайн Саймарий. Ахбор Аби Ҳанифа ва асҳабиҳ. – Байрут: олам ал-кутуб, 1985. – Б. 165.

²² Куняси билан танилган. Қаранг: Абу Абдуллоҳ Ҳусайн Саймарий. Ахбор Аби Ҳанифа ва асҳабиҳ. – Байрут: олам ал-кутуб, 1985. – Б. 165-166.

²³ Қаранг: Абу Исҳоқ Шерозий. Тобақот ал-фуқаҳо. – Байрут: Дар –ар-роид ал-арабий, 1981. – Б. 144.

даврда яшаган **Абу Бакр Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий**²⁴ (в. 403/1012) аниқ ва тўғри фатво берадиган ҳамда мазмунли маърузалар қиладиган устоз бўлган. Шунингдек, Журжоний ва Насафийлар²⁵ ҳам шу даврда яшаганлар. Қози **Абу Абдуллоҳ Соймирий Ҳусайн ибн Али ибн Жаъфар**²⁶ (351/962-436/1045) ҳам уларнинг етакчиларидан бўлиб, улуғ фақиҳ ва шаҳар қозиси бўлган. У Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари ҳақида китоб ёзиб, ҳанафий фикҳи бўйича “Шарҳи Мухтасар ат-Таҳовий” номли асарини ёзиб қолдирган.

Бу даврда моликий мазҳаби Миср, Мағриб ва Андалусда тарқалди. Шу даврнинг таниқли фақиҳлари қуйидагилар:

Бакр ибн Муҳаммад ибн Ало ибн Қушайрий (264/878-344/955) – моликийларнинг машҳур фақиҳ ва муҳаддисларидан бўлиб, асли басралик. Ироқнинг баъзи жойларида қозилик қилиб, сўнгра Мисрга кўчиб ўтган. “Ал-Аҳкам ал-мухтасар мин Китоб Исмоил ибн Исҳоқ”²⁷, “Китоб ар-радд ала ал-Музаний” ва бошқалар унинг асарларидир²⁸.

Яна шу мазҳаб фақиҳлари қаторида **Абу Исҳоқ Муҳаммад ибн Қосим ибн Шўъбан ʼАнсий** (в. 355/965) алоҳида ўрин тутди. Олим Ўз вақтида бошқа фанлар билан шуғулланишдан ташқари, Мисрда моликий мазҳабининг катта фақиҳларидан бири сифатида танилган²⁹.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Абҳарий (289/901-375/985) ироқлик моликийлар шайхи, “Ал-Усул” ва “Ижмаъ аҳл ал-мадина” номли

²⁴ Қаранг: Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаът дор ас-саъода, 1906. – Б. 187. 202.

²⁵ 1-боб, 2-бандда Абу Бакр Жассос шогирдлари таржимаи ҳоллари муфасссал келтирилган.

²⁶ Қаранг: Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаът дор ас-саъода, 1906. – Б. 187. 67.

²⁷ Исмоил ибн Исҳоқ ибн Исмоил Аздий (815/199-896/282), муфасссир, қори, муҳаддис ва фақиҳ. Боғдодда ўсиб, шу ерда қози бўлган. “Муснад” ва “Аҳком ал-Қуръон” асарларидан (Қаранг: Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.6. – Қоҳира: Мактабат ал-Ханужий, 1931. – Б. 284-290; Шамсиддин Заҳабий. Тобақот ал-қурро. Ж.1. – Ар-Риёд: Марказ ал-Малик Файсал, 1997. – Б. 162; Ибн Фархун Яъмарий Маданий. Ад-Дийбож ал-музаҳҳаб фи маърифат аъён ал-мазҳаб. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя. – Б. 92-95.

²⁸ Қаранг: Исмоил Пошшо Бағдодий. Изох ал-макнун фи аз-зайл ала Кашф аз-зунун ан асамий ал-кутуб ва ал-фунун. Ж.1. – Байрут: Дар ихё ат-турос ал-арабий. – Б. 36; Ибн Фархун Яъмарий Маданий. Ад-Дийбож ал-музаҳҳаб фи маърифат аъён ал-мазҳаб. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя. – Б. 100; Шаҳобиддин Абдулҳай Акарий. Шазирот аз-заҳаб. Ж.2. – Байрут: Дар Ибн Касир, 1986. – Б. 266.

²⁹ Қаранг: Ибн Фархун Яъмарий Маданий. Ад-Дийбож ал-музаҳҳаб фи маърифат аъён ал-мазҳаб. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя. – Б. 248.

асарлари бор. Ироқда моликий мазҳаби заифлашишига унинг қозиликдан воз кечгани ва вафоти сабаб бўлди³⁰.

Машҳур уламолардан суннийлик мазҳабини ҳимоя қилган **Абу Бакр Боқилоний Муҳаммад ибн Тоййиб** (338/950-403/1013) бўлиб, “шайхи сунна ва лисони уммат” лақабини олган. У аҳли сунна ва аҳли ҳадис мазҳаби мутакаллими саналади. Фикҳдан кўра калом илми билан кўпроқ танилиб, халифа Қодир-биллаҳ³¹га ботинийларга қарши раддия ва аббосийлар халифалиги нусратига доир асар ёзиш билан шуғулланган. Бундан ташқари, у шиъа, хавориж, жаҳмия ва бошқа фирқаларга раддия берган олим сифатида танилган. “Тамҳил ал-аваил” ва “Асрор ал-ботиния” каби асарлари мавжуд³².

Бу даврда шофеъий мазҳаби кўпроқ Макка ва Мадинада мавжуд бўлиб, Миср ва Ироқ каби баъзи шаҳарларда ҳам тарқалди. Абу Бакр Жассос билан ҳамаср бўлган имомлардан қуйидагиларни келтириш мумкин:

Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Сайрафий³³ (в. 330/941) усул илми имоми бўлиб, унинг “Шарҳ ар-рисала” ва “ал-Ижмо” асарлари машҳур³⁴.

Абул Аббос Аҳмад ибн Абу Аҳмад Тобарий ибн Қос (в. 335/946) ўз асрининг имоми, “ат-Талхис”, “ал-Мифтаҳ” ва “Адаб ал-қози” каби машҳур

³⁰ Қаранг: Салоҳиддин Софадий. Ал-Вафий би ал-вафаят. Ж.3. – Байрут: Дар ихё ат-турос ал-арабий, 1968 – Б. 308; Шаҳобиддин Абдулҳай Акарий. Шазирот аз-заҳаб. Ж.3. – Байрут: Дар Ибн Касир, 1986. – Б. 85; Ибн Фархун Яъмарий Маданий. Ад-Дийбож ал-музаҳҳаб фи маърифат аъён ал-мазҳаб. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа. – Б. 255-258.

³¹ Абул Аббос Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Муқтадир (947/336-1031/422) аббосий халифалардан бўлиб, “Қодир-биллаҳ” номи билан машҳур бўлган. У 991 /381йилда халифалик тахтига ўтирган.

³² Қаранг: Ибн Фархун Яъмарий Маданий. Ад-Дийбож ал-музаҳҳаб фи маърифат аъён ал-мазҳаб. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа. – Б. 267-268; Ибн Халликон. Вафаят ал-аъян. Ж.4. – Байрут: Дар содир, 1972. – Б. 223-224; Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.5. – Қоҳира: Мактабат ал-Ханужий, 1931. – Б. 379-383; Ибн Тағроберди Атобикий. Ан-Нужум аз-заҳиро фи мулук Миср ва ал-Қоҳиро. Ж.4. Қоҳира: Матбаъа дор ал-кутуб ал-мисрийя, 1933. – Б. 234.

³³ Қаранг: Тожиддин Субкий. Тобақот аш-шофеъия ал-кубро. Ж.2. – Ар-Риёд: Файсал Исо Бобий, 1964. – Б. 325; Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.5. – Қоҳира: Мактабат ал-Ханужий, 1931. – Б. 449-450; Абу Исҳоқ Шерозий. Тобақот ал-фуқаҳо. – Байрут: Дар –ар-роид ал-арабий, 1981. – Б. 111; Шаҳобиддин Абдулҳай Акарий. Шазирот аз-заҳаб. Ж.2. – Байрут: Дар Ибн Касир, 1986. – Б. 325.

³⁴ Қаранг: Ибн Фархун Яъмарий Маданий. Ад-Дийбож ал-музаҳҳаб фи маърифат аъён ал-мазҳаб. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа. – Б. 159-160; Ибн Халликон. Вафаят ал-аъян. Ж.3. – Байрут: Дар содир, 1972. – Б. 276; Шаҳобиддин Абдулҳай Акарий. Шазирот аз-заҳаб. Ж.3. – Байрут: Дар Ибн Касир, 1986. – Б. 223-224.

асарлар муаллифи бўлиб, Табаристонда яшаган. Ўз даврининг уламолари ундан илм олган, сўнг Тарсусга кўчган³⁵.

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад Марвазий (в. 340/951) – Боғдодда яшаган катта олим, у ерда дарс ва фатво бериш билан машғул бўлди, унинг “Мухтасар ал-музаний” ва “ал-Фусул фи маърифат ал-усул” каби асарлари бор³⁶.

Ҳанбалий мазҳаби фикҳ билан биргаликда ақида ва ундаги салафлар ақидасига эътибор қаратган. Бу мазҳаб олимлари калом илмига алоҳида эътибор қаратишар эди. Ибн Жарир Табарий (224/923-310/839) уларнинг маслакдоши бўлмаган. Улар бундай фаолиятлари билан, айниқса, Бағдодда аниқ кўзга ташланади.

Ўша даврда яшаган имомлар қуйидагилар:

Абул Қосим Умар ибн Ҳусайн ибн Абдуллоҳ Хиракий (в. 334/946), шиалар тилида саҳобийларни ҳақорат қилиш бошлангач, Бағдоддан чиқиб кетган, унинг мазҳабга оид кўплаб китоблари бор. Айниқса, “ал-Мухтасар фи ал-фикҳ” асари машҳур, қолганлари ёниб кетгани учун сақланиб қолмаган³⁷.

Фикҳ ва ҳадис илмида **Ғулом Ҳилол** номи билан танилган **Абу Бакр Абдулазиз ибн Жаъфар ибн Яздад ибн Маъруф** (282/895-363/974)нинг турли илмларга оид “аш-Шофий”, “ал-Муқний”, “Тафсир ал-Қуръон” ва “ал-Хилаф маъа аш-Шафеъий” каби асарлари мавжуд³⁸.

³⁵ Қаранг: Тожиддин Субкий. Тобақот аш-шофеъия ал-кубро. Ж.3. – Ар-Риёд: Файсал Исо Бобий, 1964. – Б. 103; Абу Исҳоқ Шерозий. Тобақот ал-фуқаҳо. – Байрут: Дар –ар-роид ал-арабий, 1981. – Б. 111; Юсуф ибн Тугрий Бардий. Ан-нужум аз-заҳира фи мулук Миср ва ал-Қоҳира. Ж.3. – Қоҳира: Визара ас-сақофа, 1963. – Б. 294; Салоҳиддин Софадий. Ал-Вафий би ал-вафаят. Ж.1. – Байрут: Дар ихё ат-турос ал-арабий, 1968. – Б. 62-63.

³⁶ Қаранг: Абу Исҳоқ Шерозий. Тобақот ал-фуқаҳо. – Байрут: Дар –ар-роид ал-арабий, 1981. – Б. 112; Ибн Халликон. Вафаят ал-аъян. Ж.1. – Байрут: Дар содир, 1972. – Б. 26-27; Шаҳобиддин Абдулҳай Акарий. Шазирот аз-заҳаб. Ж.3. – Байрут: Дар Ибн Касир, 1986. – Б. 355-356; Салоҳиддин Софадий. Ал-Вафий би ал-вафаят. Ж.3. – Байрут: Дар ихё ат-турос ал-арабий, 1968 – Б. 305.

³⁷ Қаранг: Муҳаммад ибн Абу Яъло Бағдодий. Тобақот ал-ҳанабила. Ж.2. – Қоҳира: Матабаъа ас-сунна ал-муҳаммадия, 1952. – Б. 75-76; Шамсиддин Заҳабий. Ал-ибар фи хабар ман ғобар. Ж.2. – Қувайт: 1961. – Б. 238; Абу Исҳоқ Шерозий. Тобақот ал-фуқаҳо. – Байрут: Дар –ар-роид ал-арабий, 1981. – Б. 172.

³⁸ Қаранг: Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Абу Яъло. Тобақот ал-ҳанабила. Ж.2. – Қоҳира: Матабаъа ас-сунна ал-муҳаммадия, 1952. – Б. 119; Шамсиддин Заҳабий. Ал-ибар фи хабар ман ғобар. Ж.2. – Қувайт: 1961. – Б. 330; Абу Исҳоқ Шерозий. Тобақот ал-фуқаҳо. – Байрут: Дар –ар-роид ал-арабий, 1981. – Б. 172.

Абу Али Наход Хусайн ибн Абдуллох (в. 360/971) машхур факих, усул ад-дин ва фуруъда улуғ имом бўлган³⁹.

Қодирбиллаҳ билан яқин бўлган қозилардан **Абу Али Хошимий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Мусо** (345/957-428/1037) – факих ва муҳаддис, “ал-Иршад фи ал-фикҳ” каби асарлари бор ва Харқий китобига шарҳ ёзган⁴⁰.

Хулоса қилиб айтганда, Абу Бакр Жассос яшаган даврда “Аҳли сунна вал жамоа”нинг тўртала мазҳаби жадал суръатда ривожланиб, етук олимлар етишиб чиққан. Бу давр шиалар ва суннийлар орасидаги зиддиятлар кучайган даврга ҳам тўғри келади. Айниқса, шиа фирқаси вакиллариининг нуфузи ортиб, сунний олимларга тазйиқлар кучайгани бундай шароитда ижод қилиш нақадар қийин ва оғир кечганидан далолат беради. Аллома шундай зиддиятли асрда суннийлик ақидаси ва фикҳини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, уни янги босқичга кўтарган, десак муболаға бўлмайди.

§ 1.2. Абу Бакр Жассос илмий меросининг ҳанафий мазҳаби ривожига аҳамияти

Абу Бакр Жассос қолдирган илмий мерос ҳанафий мазҳабида ўзига хос аҳамиятга эга. Аллома шахсий хислатлари, узтозлардан олган ўғитлари, шогирдлар тарбияси ва ёзган фикҳга оид қимматли асарлари билан ҳанафий мазҳабининг ривожига салмоқли ҳисса қўша олди. Абу Бакр Жассоснинг шахсияти, илмий сафарлари ва асарлари чуқур тадқиқ этилиши лозим.

Олимнинг кунyasi Абу Бакр, исми Аҳмад, отасининг исми эса Али бўлган. Розий унинг нисбаси бўлиб, Рай шаҳрида туғилганини англатади.

³⁹ Қаранг: Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Абу Яъло. Тобақот ал-ҳанабила. Ж.2. – Қоҳира: Матабаъа ас-сунна ал-муҳаммадия, 1952. – Б. 140; Абу Исҳоқ Шерозий. Тобақот ал-фуқаҳо. – Байрут: Дар –ар-роид ал-арабий, 1981. – Б. 173; Шаҳобиддин Абдулҳай Акарий. Шазирот аз-заҳаб. Ж.3. – Байрут: Дар Ибн Касир, 1986. – Б. 36-37.

⁴⁰ Қаранг: Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Абу Яъло. Тобақот ал-ҳанабила. Ж.2. – Қоҳира: Матабаъа ас-сунна ал-муҳаммадия, 1952. – Б. 182-186; Абу Исҳоқ Шерозий. Тобақот ал-фуқаҳо. – Байрут: Дар –ар-роид ал-арабий, 1981. – Б. 174; Юсуф ибн Туғрий Бардий. Ан-нужум аз-заҳира фи мулук Миср ва ал-Қоҳира. Ж.5. – Қоҳира: Визара ас-сақофа, 1963. – Б. 26.

Аҳмад ибн Али “Жассос”⁴¹ лақаби билан машҳур имом фақиҳ бўлиб, тарихчилар унинг исми, куняси ва лақаби борасида ягона фикрга кела олмаган кўринади. Ҳанафий мазҳабига доир манбаларда олимнинг исм, куня ва лақаби турлича қўлланилади. Жумладан, “ал-Хулоса” асари муаллифи “Диялар ва ширкат” бобида ҳамда “ал-Ҳидоя” муаллифи Бурҳонуддин Марғилоний “Қисмат” бобида, Шайх Жалолуддин ўзининг “ал-Муғний” асарида, шунингдек, Сарахсий, Дабусий ва Паздавийлар ўз асарларида олимни “Жассос” лақаби билан тилга олган. “Ал-Мийзан” асари муаллифи “Абу Бакр Жассос” тарзида, яъни куня ва лақабини биргаликда акс эттирган. Шунингдек, айрим ҳанафий олимлар “Розий Жассос” тарзида ҳам зикр этадилар. “Ал-Куня” асари муаллифи эса олимнинг куняси, исм ва лақабини биргаликда ифодалаган. Шамсулаимма Сарахсий бошқа бир ўринда “Абу Бакр Жассос” сўзларини ишлатган. Ибн Нажжор ҳам ўзининг “ат-Тарих” асарида олим ҳақида шундай деган: “Уни Жассос деб аташади”⁴². Бу маълумотларнинг барчаси “ал-Жаваҳир ал-музия” асарида батафсил келтирилган. Муаллиф буларни зикр қилишидан асосий мақсадини қуйидагича изоҳлайди: “Буларни келтиришимдан мақсад шуки, ҳанафий олимлардан бири мен билан шу мавзуда бир неча бор баҳслашди. Унинг таъкидлашича, Жассос ва Абу Бакр Жассос иккиси бошқа шахслар. У ҳанафий мазҳабига доир баъзи китобларда “Бу Абу Бакр Жассос ва Жассоснинг гапи”, деган, яъни Абу Бакр Жассос билан Жассос сўзлари “ва” боғловчиси билан ажаратилиб, зикр қилинган иборани учратганини айтган. Унинг далили шу эди. Лекин бу котибнинг нусха кўчиришдаги хатоси ёки

⁴¹ Оҳак билан ишлаш ва деворни оқлашга нисбат берилган.

⁴² Қаранг: Ибн Абулвафо. Ал-Жаваҳир ал-мудийя фи тобақот ал-ҳанафийя. Ж.1 – Ҳайдаробод: Дирият ал-маъариф ан-низомиёйя, йили кўрсатилмаган. – Б. 84; Такийюддин ибн Абдулқодир Тамимий Дорий Иззий Мисрий Ҳанафий. Ат-табақот ас-сания фи тарожим ал-ҳанафийя. Ж.1. – Ар-Риёд: Дар ар-рифоъий, 1983. – Б. 412-413; Бурҳонуддин Марғионий. Ал-Ҳидоя. Ж.2. – Макка: Ал-мактаба ат-тижария – Мустафо Аҳмад ал-Боз, 1994. – Б. 365; Бадруддин Айний. Ал-баная – Шарҳ ал-Ҳидая. Ж.11. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2000. – Б. 416; Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл Сарахсий. Усул ас-Сарахсий. Ж.1. – Байрут: Дор ал-маърифат, 1997. – Б. 10.

мазкур шахс асарни ўқишдаги янглишиши хатоси экани аниқ. Бу бордаги тўғри сўз мен юқорида зикр қилган маълумотлардир”⁴³.

Шунингдек, Муҳаммад ибн Абдулбоқий Зурқоний “Шарҳ ал-Маваҳиб ал-ладунния” асари иккинчи фаслининг еттинчи бўлимида олимнинг бобосини Ҳусайн исми билан ёдга олган⁴⁴. Манбаларда олимнинг отаси ва бобоси ҳамда фарзандлари ҳақида маълумотлар учрамайди.

Абу Бакр Жассоснинг исми борасида айрим олимлар турли фикрлар билдирганлар. Жумладан, “Кашф аз-зунун” асарида “Аҳком ал-Қуръон” асари муаллифи Муҳаммад ибн Аҳмад Жассос Розий тарзида баён қилинган. Шунингдек, Кархийнинг “ал-Мухтасар”ига ёзган шарҳларни санаганда Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Жассос ибораларини қўллайди. Ҳожи Халифа Жассоснинг “Усул ал-фикҳ” асари ҳақида маълумот бераётганда эса олимни Имом Абу Бакр Аҳмад ибн Али Жассос деб зикр қилади. Абдулҳай Лакнавий бу ҳолга изоҳ бериб, шундай дейди: “Бу хилма-хилликка қаранг. Ҳожи Халифа ўз асарида Абу Бакр Жассосни гоҳида Аҳмад ибн Али, баъзан Муҳаммад ибн Али ва баъзан эса Муҳаммад ибн Аҳмад исмлари билан зикр қилган. Тўғриси биринчиси (яъни Аҳмад ибн Али)дир”⁴⁵.

Ўзбек олимларидан Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф эса, “Абу Бакр Аҳмад ибн Али Жассос” деб зикр қилиб ўтган⁴⁶.

Хатиб Бағдодийнинг Саймарийдан, у эса Абу Бакр Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийдан қилган ривоятга кўра, Абу Бакр Аҳмад ибн Али Жассос Розий 917/305 йилда ўзи нисбат бериладиган Рай шаҳрида туғилган, 937/325

⁴³ Қаранг: Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-ҳанафийя. – Миср: Дар ас-саъада, 1906. – Б. 27; Такийюддин ибн Абдулқодир Тамимий Дорий Иззий Мисрий Ҳанафий. Ат-табақот ас-сания фи тарожим ал-ҳанафийя. Ж.1. – Ар-Риёд: Дар ар-рифъий, 1983. – Б. 413.

⁴⁴ Қаранг: Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-ҳанафийя. – Миср: Дар ас-саъада, 1906. – Б. 28.

⁴⁵ Ўша манба. – Б. 28.

⁴⁶ Қаранг: Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Усул фикҳ. – Тошкент: Шарқ. 2010. – Б. 16.

йилгача, яъни 20 ёшигача шу ерда истиқомат қилган, сўнг Бағдодга кўчиб келган⁴⁷.

Абу Бакр Жассос ҳақида келтирилган маълумотларга кўра, у Хуросоннинг Рай шаҳридан бўлиб, ҳаётининг асосий қисмини Бағдодда ўтказгани сабабли унга Розий Бағдодий нисбалари берилган. Шу боис, олимнинг она шаҳри ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, қадимий Рай шаҳри ҳозирги Эроннинг Техрон шаҳри яқинида жойлашган. Бугунги кунда мазкур шаҳар йўқолиб кетган бўлиб, Техрондан саккиз км жануби-шарқда унинг айрим ёдгорликлари сақланиб қолган. Бу шаҳарга халифа Умар ибн Хаттоб даврида ислом дини кириб келган бўлиб, Аббосийлар даврида Рай мусулмон оламининг илмий, савдо ва саноат марказларидан бири ҳисобланган. Умроний бу шаҳар аҳолиси ҳақида шундай деган: “Аҳоли уч тоифадан иборат: шофеъийлар, улар озчиликни ташкил қилади, ҳанафийлар, улар нисбатан кўпроқ ва учинчиси шиалар. Шаҳар аҳолисининг асосий қисми шиалардан иборат. Қишлоқларда эса, асосан, шиалар ҳамда оз миқдорда ҳанафийлар яшайди, лекин шофеъийларни қишлоқларда учратиш мушкул. Суннийлар ва шиалар орасида жанглار бўлиб ўтган ва бу жанглар суннийларнинг ғалабаси билан тугаган”⁴⁸.

Ислом тарихида мазкур шаҳардан кўплаб машҳур илм намояндалари етишиб чиққан. Жумладан, табиб Абу Бакр Жассос (в. 912 й.), мутакаллим Фахруддин Розий (в.1209 й.)ларни санаб ўтиш мумкин⁴⁹. Абу Саъд Самъоний ўз даврида Рай шаҳрида қирқ кун сафарда бўлиб, ўттизга яқин кишидан маълумот олганини айтади ва улардан Абу Абдуллоҳ Жарир ибн Абдулҳамид Розий (в. 804 й.), Абу Заръа Убайдуллоҳ ибн Абдулкарим Розий (в. 878 й.), Абу-л-Қосим Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Розий (в. 932 й.)

⁴⁷ Қаранг: Хайридин Зириклий. Ал-аълам – Қомус тарожим ли ашхур ар-рижал ва ан-ниса мин ал-араб ва ал-мустаърибин ва ал-мустаъркин. Ж.1. – Байрут: Дор ал-илм ли ал-малайин, 1998. – Б. 171; Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.5. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2001. – Б. 73.

⁴⁸ Шихабуддин Ёқут Ҳамавий. Муъжаму-л булдон. Ж.3. – Байрут: Дор Байрут, 1984. – Б. 116.

⁴⁹ Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 35, 109.

номларини санайди⁵⁰. Араб тарихчилари келтирган маълумотларга кўра, 314/927 йилда Сомонийлар Райни эгаллашади.⁵¹ Шундан сўнг шаҳарнинг Мовароуннаҳр билан ҳар томонлама алоқалари кенгаяди.

Олим ўз умрининг асосий қисмини ўтказган Бағдод шаҳри тарихига назар ташласак, милодий 762 йилда аббосий халифа Мансур томонидан халифаликнинг пойтахти сифатида Дажла ва Фрот дарёларининг энг катта кесишмасида, савдо йўллари туташган жойдаги Яқин Шарқ ва Осиёнинг олди қисмини туташтирувчи қисмида бу шаҳарга асос солинган. Шаҳар ўрнида милоддан аввалги XIX асрдаёқ шу ном билан аталган аҳоли маскани бўлгани манбаларда қайд этилган. Бағдод пойтахтга айлантирилгач, у “Мадинату-с-Салом” деб аталган. Кўп ўтмай шаҳар ҳар томонлама ривожланиб, майдони янада кенгайди. X асрга келиб у савдо ва ҳунармандчиликнинг йирик маркази тусини олиб, араб маданияти ўчоғига айланди. Бу вақтга келиб шаҳар Дажла дарёси қирғоқлари бўйлаб 7-8 километргача чўзилган, ҳисоб-китобларга қараганда аҳолиси сони 1,5 млн. кишини ташкил этган.

Ўрта аср мусулмон маданияти Аббосийлар ҳукмронлигининг дастлабки уч асри мобайнида ҳар жиҳатдан ривож топди. Айниқса, бу вақтга келиб адабиёт, фалсафа, диний илмлар ва табиий фанлар гуллаб-яшнади. Иқтисодиёт ва савдо биринчи навбатда, Эрон, Ироқ, Ўрта Осиё ва Мисрга ўхшаш кўпдан бери аҳоли яшайдиган қадимий мамлакатларда кенг ривожланди. Бу даврда халифалик ҳудудидан ташқаридаги вилоятлар — Шарқий Европанинг олис ўлкалари, Узоқ Шарқ, Ҳиндистон ва Ҳабашистон билан савдо алоқалари ўрнатилди. X асрда бу мамлакатлардаги сиёсий тушкунлик ва ички ҳолатнинг барқарор эмаслигига қарамай, моддий ва маданий ривожланиш тўхтаб қолмади. Бу жиҳатдан олганда швейцариялик шарқшунос олим Адам Мец бу даврни “Мусулмон уйғониши” деб атаганига

⁵⁰ Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Сам’оний. Ал-Ансоб / Ҳошия: Муҳаммад Абдулқодир. Ж. 3. – Байрут: Дору-л-кутуб ал-илмия, 1998. – Б. 25.

⁵¹ Ибн Асир. Ал-Комил фит-тарих. Ж.7. – Байрут: Дору-л-кутуб ал-илмия, 1998. – Б. 29.

қўшилиш мумкин. XI аср ва ундан кейинги даврдаги туркий сулолалар мусулмон маданиятининг фаол таъсирини бошидан кечирдилар. Мусулмон маданиятига чинакам жиддий зарба берган мўғуллар бир неча ўн йилликлар мобайнида ислом билан ашаддий ёвлашдилар ва у билан боғлиқ ҳамма нарсага қарши турдилар⁵².

Илм излаш мақсадида сафар қилиш олим яшаган даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган. Олий ҳиммат эгалари бўлган етук ва машҳур олимлар ҳам шу сифат билан ажралиб турганлар. X-XII асрларда яшаб ижод қилган атоқли олимларнинг ҳаёт тарзини кузатар эканмиз, уларнинг илмий сафарлар уюштирганига гувоҳ бўламиз. Мазкур даврда яшаган олимлар ўз юртидаги барча уламолардан илм ўрганиш билан чекланмасдан бошқа давлатлардаги таниқли шахсларга шогирд тушганлар. Улар узоқ ўлкаларга илмий сафарлар уюштириб, янги илмлар, олимларнинг турли қўлёзма нусхаларидан истифода этишга ҳаракат қилганлар. Одатда, бу каби сафарлар бир неча йил давом этган.

Абу Бакр Жассос ҳам ўз илм-маърифатини ошириш ва замонасининг етук олимларидан таълим олиш мақсадида илму ирфон маркази бўлган бир қатор шаҳарларга сафарлар қилган. Олимнинг илк сафари 325/937 йили, яъни йигирма ёшида рўй берган. У она юрти Рай шаҳридан ислом динининг илмий-маданий пойтахтларидан бири бўлган Бағдод шаҳрига сафар қилган. Бу даврда Бағдод муфассир, муҳаддис, фақиҳ ва шу каби кўплаб олимларни ўз бағрига олган эди. Абу Бакр Жассос ҳам бу олимларнинг илмидан фойдаланишга астойдил бел боғлайди. Хусусан, ҳанафий олимларнинг энг улуғларидан фиқҳ илмини пухта ўзлаштиради. Бағдодда очарчилик ва қимматчилик бошланган 335/947 йилда олим Аҳвозга сафар қилади. Кейинчалик вазият изига тушгач, яна Бағдодга қайтиб келади⁵³.

⁵² Босворт К. Э. Мусулмон сулолалари. –Т.: Фан, 2007. – Б. 27.

⁵³ Доктор Сафват Мустафо. Ал-Имам Абу Бакр Жассос Жассос ва манҳажуҳ фи ат-тафсир. – Қоҳира: Дар ас-салом, 2008. – Б. 55.

Абу Бакр Жассос Бағдодга қайтиб келгач, устози Абул Ҳасан Кархийнинг илмий мажлисларида қатнаша бошлайди. У устозидан ҳанафий фикҳини мукаммал эгаллаб, тақво ва зоҳидлик борасида ҳам пухта илм эгаллайди. Бу эса, ўз навбатида, устоз-шогирд орасидаги муҳаббат ва ҳурматни янада оширади. Абу Бакр Жассоснинг илмий ижодини кузатар эканмиз, унинг ўз устози Кархийга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиромини кўрамиз. Олимнинг асарларида Абул Ҳасан Кархийнинг таъсири яққол сезилиб туради. Кархий шогирдининг келажаги порлоқ эканини тушуниб етгач, уни илм марказларидан бири бўлган Нишопур шаҳрига юборади.

Абу Бакр Жассос устози Кархийнинг маслаҳати билан буюк муҳаддис Ҳоким Найсабурий билан биргаликда Нишопур шаҳрига йўл олади. Абу Бакр Жассос Нишопурдалиқ пайтида 340/951 йили устози Кархий вафот этади. 344/955 йилда Абу Бакр Жассос Бағдодга қайтиб келиб, устозининг илмий мажлисларини давом эттиради. Кархий вафотидан сўнг унинг ишларини Абу Али Шоший вақтинча давом эттириб турган эди. Абу Бакр Жассос Бағдодга келгач, Абу Али Шоший унга устозининг ишларини топширади⁵⁴.

Шунингдек, Ҳофиз Имом Заҳабий Абу Бакр Жассоснинг Исфаҳон шаҳрига ҳам сафар қилганини айтган: “Абу Бакр Жассос муҳаддислардан бўлиб, бир қатор шаҳарларга илмий сафарлар уюштирган. У Нишопурда Абул Аббос Асомм ва унинг табақасидаги олимлар, Бағдодда Абдулбоқий ибн Қониъ ва Даълаж ибн Аҳмад ва уларнинг даражасидаги олимлар, Асфаҳонда эса Табароний ва бошқа бир қатор олимлар билан учрашган”⁵⁵. Лекин унинг Исфаҳон шаҳрига қилган сафарининг аниқ санаси манбаларда кўрсатилмаган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Абу Бакр Жассос илмий сафарлардан унумли фойдаланган. Узоқ ўлкаларга уюштирган бир неча

⁵⁴ Доктор Сафват Мустафо. Ал-Имам Абу Бакр Жассос Жассос ва манҳажуҳ фи ат-тафсир. – Б. 55.

⁵⁵ Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.12. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006. – Б. 344.

йиллик илмий сафарлари олимнинг ҳанафий мазҳабийнинг етук фақиҳи сифатида танилишига сабаб бўлди.

Абу Бакр Жассоснинг вафот этган санаси ҳақида Саймарий шундай ёзади: “Шайх Абу Бакр Аҳмад ибн Али Жассос 370 ҳижрий йили Зулҳижжа (981 йил июнь) ойида вафот этди. Унга шайх Абу Бакр Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий жаноза намозини ўқиб, ўз қўллари билан қабрга қўйди”.⁵⁶ Бу якшанба куни еттинчи зулҳижжа ойида, яъни олимнинг олтмиш беш ёшига тўғри келиб, шу санада вафот этганлигида шубҳа йўқдир. Дафн қилинган жойи маълум эмас. Фуад Сезгин уни Бағдодда вафот этган, деган.

Шубҳасиз, бирор олимнинг таржимаи ҳоли ва илмий ижодини ўрганишда унинг устозлари катта аҳамият касб этади. Зеро, шогирднинг дунёқараши, ақидаси ва илмий салоҳияти устознинг ўғити билан ҳамоҳанг тарзда шаклланиб боради. Юқорида таъкидланганидек, Абу Бакр Жассос турли юртларга сафар қилиб, у ерлардаги олимлардан таълим олган. Натижада, унинг илмий дунёқараши, тафаккури ва маънавий кўникмалари кенгайиб, фикҳ, тафсир, ҳадис ва усул каби фанлар бўйича етук мутахассис сифатида шаклланган.

Олимларнинг таржимаи ҳоли ва тарихга оид манбаларда Абу Бакр Жассоснинг фақат тўққизта устози тилга олинади. Лекин Доктор Сафват Мустафо бу борада кенгроқ тадқиқот олиб борганини кўриш мумкин. У Абу Бакр Жассоснинг асарлари, хусусан, “Аҳком ал-Қуръон” ҳамда “Ал-фусул фи ал-усул” номли китобларига таянган ҳолда олимнинг ўн бешта, “Шарҳ Мухтасар ат-Таҳовий” асарида иккита ҳамда “Ал-жамиъ ал-кабир” асарида битта, жами ўн саккизта устози зикр қилинганини аниқлаган. Доктор Сафват Мустафо мазкур асарлардаги Абу Бакр Жассоснинг “Бизга ҳадис айтиб берди”, “Бизга хабар берди”, “Бизга ҳикоя қилиб берди”, “Бизга шундай

⁵⁶ Фуад Сезгин. Ж.2. Тарих ат-турос ал-арабий. – Б. 95.

деди”, “Бизга зикр қилиб берди” каби жумлаларига асосланган ҳолда унинг устозларини аниқлашга ҳаракат қилган⁵⁷.

Демак, Абу Бакр Жассоснинг устозларини икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи гуруҳ олимларнинг таржимаи ҳоли ва тарих манбаларида кўрсатилган устозлари бўлиб улар қуйидагилар:

1. Алломанинг энг машҳур устози улуғ ва тақводор имом Абул Ҳасан Убайдуллоҳ ибн Ҳусайн ибн Даллол ибн Далҳам Кархий (260/873-340/951) ҳисобланади. У Бағдодда яшаган ва ҳанафий мазҳаби фикҳини пухта ўзлаштирган. Ҳадис илмини Исмоил ибн Исҳоқ Қозий, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ҳазрабийлардан эгаллаган. Ибн Шохин, Абу Амр ибн Ҳайва, Қози Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Акфоний, Абу Бакр Жассос ва бошқа бир қатор олимлар Кархийнинг шогирди саналадилар. Аллома Кархий машҳур фақиҳ бўлиш билан бир қаторда, моҳир адиб, усули фикҳ ҳамда фуруъи фикҳдан яхши хабардор бўлган олим эди. Ўша даврда ҳанафийлик риёсати, яъни ҳанафий мазҳабига раислик қилиш унинг қўлида бўлган, номи ҳар тарафга ёйилиб, ундан таълим олиш учун турли мамлакатлардан олимлар кела бошлаган. Шу билан бирга, Кархий ибодатга ўта берилган, тақводор шахс бўлиб, рўза тутиб, намоз ўқир ҳамда фақир ва мухтож бўлишига қарамай, ўта сабрли инсон эди. Унинг фикҳ бўйича “ал-Мухтасар”, усул бўйича “ар-Рисола” номли асарлари мавжуд. Шунингдек, аллома Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “ал-Жамиъ кабир” ва “ал-Жамиъ ас-сағир” номли асарларига шарҳ ёзган. Ибн Камол Пошшо Имом Кархийни ҳанафий олимларнинг учинчи табақасида санаб ўтган. Бу гуруҳдаги олимлар мазҳаббошидан жавоб бўлмаган масалаларда ўз ижтиҳодлари билан фатво бера оладиган даражадаги фақиҳлар саналганлар. Лекин Кархийнинг усули фикҳга оид ўзгача қарашлари унинг учинчи табақадан ҳам юқорироқ даражада эканини кўрсатади. Имом Кархий умрининг охирида бетоб бўлиб, тўшакка михланиб

⁵⁷ Қаранг: Доктор Сафват Мустафо. Ал-Имам Абу Бакр Жассос Жассос ва манҳажуҳ фи ат-тафсир. – Қоҳира: Дар ас-салом, 2008. – Б. 89.

қолади. Унинг даволаниш учун етарли маблағи бўлмагани боис шогирдлари ўзаро маслаҳатлашиб, Сайфуддавла Ибн Ҳамадондан ёрдам сўраб, мактуб йўллайдилар. Бундан хабар топган Имом Кархий йиғлаб шундай дуо қилади: “Аллоҳим! Ризқимни фақат Ўзинг одатлантирган йўлдан бергин!” Ёрдам етиб келмасдан Имом Кархий вафот этади. Сайфуддавла юборган ўн минг дирҳамни Имом Кархийнинг шогирдлари устозлари номидан фақирларга садақа қилиб тарқатадилар. Шубҳасиз, Имом Кархийнинг мазкур илм-маърифати ва зухду тақвоси Абу Бакр Жассоснинг ҳаёти ва ижодига катта таъсир кўрсатган. Олим ўз асарларида “Абул Ҳасан Кархийни тилга олиб: “Устозимиз Абул Ҳасан шундай зикр қилгандек” жумласини кўп маротаба ишлатган. Шунингдек, Абу Бакр Жассос устози Кархийдан баъзи ҳадисларни ҳам ривоят қилганини кўриш мумкин⁵⁸.

2. Абдулбоқий ибн Қоней. У Абул Ҳусайн Умавий (265/878-351/962), “Мўжам ас-саҳоба”нинг муаллифи, Ҳофиз, олим, кўп саёҳат қилган ва кўп ҳадис билган, бағдодликлар уни ишончли деб ҳисоблашган. Дориқутний уни ҳадис ёдлар ва баъзан хато қилар, баъзан тўғри айтар эди, деган⁵⁹.

⁵⁸ Қаранг: Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. Ж.15. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006. – Б. 426; Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.11. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2011. – Б. 353-355; Ибн Ҳажар Асқалоний. Лисон ал-мизон. Ж.4. – Байрут: Дор ал-башоир ал-исламия, 2002. – Б. 88-89; Абу Исҳоқ Шерозий. Тобақот ал-фуқаҳо. – Байрут: Дор –ар-роид ал-арабий, 1981. – Б. 142; Шамсиддин Заҳабий. Ал-ибар фи хабар ман ғобар. Ж.5. – Қувайт: 1961. – Б. 255; Имоуддин Абул Фидо Исмоил ибн Касир Қураший Димашкий. Ал-бидоя ва ан-нихоя. Ж.1. – Байрут: Дор ихя ат-турос ал-арабий, 1997. – Б. 224-225; Абул Фараж Муҳаммад ибн Исҳоқ Надим. Ал-Фихрист. – al-mostafa.com. – Б. 208; Ибн Тағроберди Атобикий. Ан-Нужум аз-зоҳира фи мулук Миср ва ал-Қоҳиро. Ж.3. Қоҳира: Матбаъа дор ал-кутуб ал-мисрийя, 1933. – Б. 305-306; Исмоил Пошшо Бағдодий. Ҳадият ал-орикийн – Асма ал-муаллифин ва осор ал-мусаннифин. Ж.1. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 1951. – Б. 646; Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаъ дор ас-саёда, 1906. – Б. 108-109; Зайниддин Қосим ибн Қутлубғо. Тож ат-тарожим фи табақот ал-ҳанафийя. – Лепзиг: Брокхаус, 1862. – Б. 200-201; Ибн Асир Жазарий. Ал-комил фит-тарих. Ж.8. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1978. – Б. 490; Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абувафо Муҳаммад ибн Муҳаммад Мисрий Қураший. Ал-Жавоҳиру-л-музййа фи табақоти-л-ҳанафийя. Ж.2. – Хайдаробод: 1913. – Б. 493-494; Ибн ал-Имод Ҳанбалӣ. Шазарот аз-заҳаб фи ахбор мазоҳиб. Ж.2. – Байрут: Дор ал-офок ал-жадида. – Б. 308; Умар Ризо Каҳҳола. Муъжам ал-муаллифин – Тарожим мусаннифи ал-кутуб ал-арабия. Ж.2. Байрут: Муассаса ар-рисала, 1957. – Б. 220; Хайриддин Зириклий. Ал-аълам – Қомус тарожим ли ашхур ар-рижал ва ан-ниса мин ал-араб ва ал-мустаърибин ва ал-мустаҳқин. Ж.1. – Байрут: Дор ал-илм ли ал-малайин, 1998. – Б. 193; Абдуллоҳ Мустафо Мароғий. Ал-фатл ал-мубин фи табақот ал-усулин. Ж.1. – Вақф вазирлиги, 1948. – Б. 181, 187.

⁵⁹ Қаранг: Доктор Сафват Мустафо. Ал-Имам Абу Бакр Жассос Жассос ва манҳажуҳ фи ат-тафсир. – Қоҳира: Дор ас-салом, 2008. – Б. 92; Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.11. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2011. – Б. 88-96; Шамсуддин Заҳабий. Тазкира ал-хуффа. Ж.3. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2007. – Б. 493; Ибн Тағро Бардий Атобикий. Ан-Нужум аз-заҳиро фи мулук Миср ва ал-Қоҳиро. Ж.3. Қоҳира: Матбаъа дор ал-кутуб ал-мисрийя, 1933. – Б. 333.

3. Абу Умар Ғулом Саълаб. Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ибн Абу Ҳишом Бағдодий Мутарраз Бовардий тилшунос олим бўлиб, “Ғуламу Саълаб” лақаби билан танилган. Уни олимлар луғат илмида ишончли эмас деб ҳисоблаб, ҳадисда еса ишончли деганлар. Шарафли кишилар, котиблар ва аҳли илмлар унинг мажлисига ундан Саълабнинг китобларини эшитишга келар эди⁶⁰.

4. Абул Аббос Асом Найсобурий. Абул Аббос Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Юсуф ибн Маъқал Ибн Маннон Умавий (247/861-346/957), ишончли киши, Асом деб айтишларини ёмон кўрган, ўз асрининг муҳаддиси бўлган, Исфаҳон, Макка, Миср, Аскалон, Байрут, Дамашқ, Ҳимс, Турсус, Рикқа, Куфа ва Бағдодда ҳадис эшитган, ростгўйлиги ва ишончилигига шубҳа йўқ⁶¹.

5. Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Форис Асфаҳоний. Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Дурствайҳ Форисий (258/871-347/958), грамматик, қадри баланд, яхши асарларга эга, ал-Хатиб уни баъзилар заиф санаганлигини нақл қилган. Бу айбловни бир қанча катта муҳаддис ва фақиҳлар оқлаган. Ундан ад-Дорукутний ва бошқалар илм олган, унинг бир қанча асарлари, хусусан, грамматика ва адабиёт бўйича асарлари бор⁶².

6. Сулаймон ибн Аҳмад Табароний. Имом Аллома Ҳужжат Абул Қосим Сулаймон ибн Аҳмад ибн Аййуб ибн Мутир Шомий Лахмий Табароний (260/873-360/970), Укода туғилган, Байт ал-лаҳмда туғилган деган фикр ҳам бор. У Шом, Макка, Мадина, Яман, Миср, Бағдод, Куфа, Басра, Исфаҳон ва бошқа жойларда илм олиб, ҳадис эшитган. Мингта ёки ундан

⁶⁰ Қаранг: Доктор Сафват Мустафо. Ал-Имам Абу Бакр Жассос Жассос ва манҳажуҳ фи ат-тафсир. – Қоҳира: Дар ас-салом, 2008. – Б. 98-100; Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2011. – Б. 356-359; Шамсуддин Заҳабий. Тазкира ал-хуффа. Ж.3. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2007. – Б. 84-86; Тожддин Субкий. Тобақот аш-шофеъия ал-кубро. Ж.2. – Исо Бобий Ҳалабий, 1964. – Б. 171-172.

⁶¹ Қаранг: Доктор Сафват Мустафо. Ал-Имам Абу Бакр Жассос Жассос ва манҳажуҳ фи ат-тафсир. – Қоҳира: Дар ас-салом, 2008. – Б. 96; Шамсуддин Заҳабий. Тазкира ал-хуффа. Ж.3. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2007. – Б. 73-74.

⁶² Қаранг: Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.4. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2011. – Б. 314; Доктор Сафват Мустафо. Ал-Имам Абу Бакр Жассос Жассос ва манҳажуҳ фи ат-тафсир. – Қоҳира: Дар ас-салом, 2008. – Б. 97-98; Ибн Халликон. Вафаят ал-аъян. Ж.3. – Байрут: Дор содир, 1972. – Б. 44-45.

кўпроқ устозидан ҳадис ривоят қилган, ал-Мўжам ал-кабир, ал-Мўжам ас-сагир, ал-Мўжам ал-авсат ва бошқа асарлар тасниф қилган, юз ёшида вафот этган⁶³.

7. Ҳоким Найсабурий. “Абдуллоҳ Ҳоким” номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳамадуя ибн Наъим Заббий Таҳмоний Найсабурий ҳофиз муҳаддислардан ҳисобланади. У ҳадис талабида Ирок, Ҳижоз, Хуросон, Мовароуннаҳр каби давлатларга сафар қилган. У Бану Бувайҳ ва Сомонийлар орасида элчилик алоқаларини ўрнатишда катта роль ўйнаган. Тарихчи Ибн Касирнинг айтишича, Ҳоким диндор, омонатдор, забтли ва парҳезкор олим бўлган. Ҳокимнинг “ал-Мустадрак ала ас-саҳиҳайн” асари ҳозирга қадар ҳадис илмида муҳим манба сифатида талқин қилинади. Юқорида таъкидланганидек, Абу Бакр Жассос у билан бирга Нишопурга сафар қилган. Абу Бакр Жассоснинг ёши Ҳокимдан кичик бўлса-да, ундан ҳадис илмини ўрганган⁶⁴.

8. Даълаж ибн Аҳмад Даълаж Сижистоний Бағдодий. У Бағдодда ўз даврининг имоми, фақиҳ ва муҳаддиси бўлган. Даълаж ибн Аҳмад асли сижистонлик бўлиб, Хуросон, Бағдод, Басра, Куфа ва Макка каби кўплаб шаҳарларда бўлган. Шунингдек, олим Ҳоким Найсабурий ва Имом Дорақутнийларнинг устози саналади. Абу Бакр Жассос “Шарҳ Мухтасар ат-Таҳовий” асарида Даълаж ибн Аҳмаддан ҳадис ривоят қилган⁶⁵.

9. Абу Саҳл Зужожий. Унинг исми ва вафот этган санаси ҳақидаги маълумотлар тарожим асарларда учрамайди. Баъзи тарихчилар Зужожийни Абу Бакр Жассоснинг шогирди сифатида эътироф этган бўлсалар, айримлари уни Абу Бакр Жассос билан тенгдош бўлганини ёзадилар. Аммо Доктор

⁶³ Қаранг: Шамсуддин Заҳабий. Тазкира ал-хуффаъ. Ж.3. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2007. – Б. 118-121; Доктор Сафват Мустафо. Ал-Имам Абу Бакр Жассос Жассос ва манҳажуҳ фи ат-тафсир. – Қоҳира: Дар ас-салом, 2008. – Б. 93-94; Ибн Тағро Бардий Атобикий. Ан-Нужум аз-заҳиро фи мулук Миср ва ал-Қоҳиро. Ж.4. Қоҳира: Матбаъа дор ал-кутуб ал-мисрийя, 1933. – Б. 59-60, Ибн Ҳажар Аскалоний. Лисан ал-мизан. Ж.3. – Байрут: Дор ал-башоир ал-исламия, 2002. – Б. 73-75.

⁶⁴ Қаранг: Доктор Сафват Мустафо. Ал-Имам Абу Бакр Жассос Жассос ва манҳажуҳ фи ат-тафсир. – Қоҳира: Дор ас-салом, 2008. – Б. 94-95.

⁶⁵ Қаранг: Ўша манба. – Б. 96-97.

Сафват Мустафо “ал-Фавоид ал-Баҳия” ва “ал-Жавохир ал-музия” каби ҳанафий мазҳабига оид тарихий манбаларга асосланган ҳолда Абу Саҳл Зужожий Абу Бакр Жассоснинг устози эканини таъкидлайди⁶⁶.

Олимнинг иккинчи гуруҳ устозлари “Аҳком ал-Қуръон” ва бошқа асарларида зикр қилинган олимлардан ташкил топган. Улар қуйидагилар:

1. Абу Бакр Али Форисий. Ҳасан ибн Аҳмад ибн Абулғаффор Наҳвий араб тили бўйича энг нуфузли олимлардан бири саналади. У Эроннинг Фасо шаҳрида туғилиб, кейинчалик Бағдодга келган. Кўплаб шаҳарларда бўлган. Унинг араб тили грамматикасига оид “ат-Тазкира”, “ал-Изоҳ” ва “ат-Такмила” каби кўплаб асарлари бор. Абу Бакр Жассос у ҳақда ўз асарларида маълумот қолдирган⁶⁷.

2. Муҳаммад ибн Бакр Басрий. У – шайх, сиқа, олим, муҳаддис ва Басра Мусниди каби унвонлар билан танилган. Шунингдек, олим Абу Довуддан “Сунан” асарини ривоят қилган. Абу Бакр Жассос “Аҳком ал-Қуръон” асарида унинг исмини жуда кўп марта қаламга олган. Жумладан, ҳадислар, хусусан, “Сунан Аби Довуд” асарида келтирган ҳадислар санадида устозини албатта зикр қилиб ўтган⁶⁸.

3. Абдурахмон ибн Сиймо. Абу Ҳусайн Мужбир Бағдодий Бағдод шаҳрида Абу Бакр Жассосга дарс берган.

Шунингдек, Абу Бакр Жассос Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Воситий, Абул Қосим Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Марвазий, Абу Бакр Мукрам ибн Аҳмад Қозий, Қози Абу Жаъфар Насафий, Абу Жаъфар Усрушаний каби кўплаб устозлардан таълим олгани ҳақида ўз асарларида маълумот берган. Лекин уларнинг таржимаи ҳоллари Абу Бакр Жассоснинг устозлари сафатида учрамайди⁶⁹.

⁶⁶ Қаранг: Доктор Сафват Мустафо. Ал-Имам Абу Бакр Жассос Жассос ва манҳажуҳ фи ат-тафсир. – Қоҳира: Дар ас-салом, 2008. – Б. 100-101.

⁶⁷ Қаранг: Ўша манба. – Б. 102-104.

⁶⁸ Қаранг: Ўша манба. – Б. 104-105.

⁶⁹ Қаранг: Ўша манба. – Б. 106-116.

Ибн Абулвафо Абу Бакр Жассоснинг шогирдлари тўғрисида шундай фикрни билдиради: “Абу Бакр Аҳмад ибн Мусо Хоразмий⁷⁰, Қудурий⁷¹ устози Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Яҳё ибн Махдий Журжоний⁷², Ибн Маслама номи билан машҳур Абулфараж Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар⁷³, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Аҳмад Насафий⁷⁴, Абул Ҳусайн Муҳаммад ибн Аҳмад Заъфароний⁷⁵ ва Восит қозиси Исмоилнинг отаси⁷⁶ Абул Ҳусайн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Тоййиб Каморий⁷⁷ каби машҳур олимлар ундан

⁷⁰ Хоразмий (в. 1012/403 й.), исми Муҳаммад, Боғдод фақиҳи, одамлар у каби чиройли фатво берувчи ва дарс берувчи кишини кўрмаган. Қозиликка бир неча бор таклиф қилинганда қабул қилмаган, ал-Қотий уни тўртинчи юз йилликнинг мужаддиди деб санаган. Ундан Саймарий фикҳ ўрганган ва вафотидан сўнг ўзи ювган (Қаранг: Абу Абдуллоҳ Ҳусайн Саймарий. Ахбор Аби Ҳанифа ва асҳабиҳ. – Байрут: олам ал-кутуб, 1985. – Б. 167-168; Ибн Абулвафо. Ал-Жаваҳир ал-мудийя фи тобақот ал-ҳанафийя. Ж.2. – Ҳайдаробод: Дираят ал-маъариф ан-низомийя. – Б. 135; Ибн Имод Ҳанбалӣ. Шазарот аз-заҳаб фи ахбор мазаҳиб. Ж.3. – Байрут: Дор ал-офок ал-жадида. – Б. 170).

⁷¹ Қудурий: Имом Аҳмадибн Муҳаммад ибн Аҳмад Абул Ҳусайн Бағдодий Қудурий (973/362-1037/428), ишончли, ростгўй, ўз даврида ҳанафий мазҳабининг катталаридан бўлган, унинг машҳур “Мухтасар ал-Қудурий”, “Шарҳ мухтасар ал-Кархий” ва бошқа асарлари бор, Бағдодда вафот этган (Қаранг: Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.4. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2011. – Б. 377; Ибн Абулвафо. Ал-Жаваҳир ал-мудийя фи тобақот ал-ҳанафийя. Ж.1. – Ҳайдаробод: Дираят ал-маъариф ан-низомийя. – Б. 93-94; Ибн Имод Ҳанбалӣ. Шазарот аз-заҳаб фи ахбор мазаҳиб. Ж.3. – Байрут: Дор ал-офок ал-жадида. – Б. 233; Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаъ дар ас-саъода, 1906. – Б. 30-31).

⁷² Журжоний (в. 1007/398 й.) катта фақиҳлардан бири, Ҳидоянинг муаллифи уни таҳриж аҳлидан деб зикр қилган, ҳадис ривоят қилган, умрининг охирида фалаж бўлган ва Абу Ҳанифанинг қабри ёнида дафн қилинган (Қаранг: Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.3. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2011. – Б. 433; Ибн Абулвафо. Ал-Жаваҳир ал-мудийя фи тобақот ал-ҳанафийя. Ж.2. – Ҳайдаробод: Дираят ал-маъариф ан-низомийя. – Б. 143; Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаъ дар ас-саъода, 1906. – Б. 202).

⁷³ Ибн Маслама (948/377-1024/415) Бағдодда яшаган, ақли, кўп ибодатли, ишончли кишилардан бўлган (Қаранг: Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.5. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2011. – Б. 67; Ибн Абулвафо. Ал-Жаваҳир ал-мудийя фи тобақот ал-ҳанафийя. Ж.1. – Ҳайдаробод: Дираят ал-маъариф ан-низомийя. – Б. 113).

⁷⁴ Насафий (в. 1023/414 й.) улуг ҳанафий фақиҳлардан, зоҳид, такводор, ифбатли, қаноатли, камбағал ва илми кишилардан бўлган, шеърлари ҳам бўлган, “ат-Таълиқо фи ал-ҳилаф” каби асарлари бор (Қаранг: Ибн Асир Жазарий. Ал-комил фи ат-тарих. Ж.7. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1978. – Б. 315; Ибн Абулвафо. Ал-Жаваҳир ал-мудийя фи тобақот ал-ҳанафийя. Ж.2. – Ҳайдаробод: Дираят ал-маъариф ан-низомийя. – Б. 24-25).

⁷⁵ Заъфароний Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдус ибн Комил Абул Ҳасан “Заъфароний” номи билан танилган, 1002/393 йили вафот этган, Ҳидояда у ҳақида зикр қилинган, фақиҳ, солиҳ, ишончли киши бўлган, ундан Хатиб “Ким мени номимдан қасддан ёлғон тўқиса...” ҳадисини ривоят қилган (Қаранг: Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2011. – Б. 265).

⁷⁶ Қаранг: Абу Муҳаммад Абдул Қодир ибн Абулвафо Муҳаммад ибн Муҳаммад Мисрий Қураший. Ал-Жавоҳиру-л-музйя фи табақоти-л-ҳанафийя. Ж.1. – Ҳайдаробод: 1913. – Б. 211

⁷⁷ Камморий: Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Таййиб ибн Жаъфари ибн Каммор Камморий Воситий Таҳҳан Абул Ҳусайн 1023 /417 йили вафот этган, фақиҳ, адолатли, ироклик киши бўлган, ўғли Восит қозиси бўлган (Қаранг: Абу Саъд Абду-л-Карим ибн Муҳаммад Сам’оний. Ал-Ансоб / Ҳошия: Муҳаммад Абдулқодир. Ж. 3. – Байрут: Дору-л-кутуб ал-илмия, 1998. – Б. 487; Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаъ дар ас-саъода, 1906. – Б. 155-156).

фикҳни ўрганган. Шунингдек, у кишининг манбаларда қайд этилмаган бундан бошқа шогирдлари ҳам бор⁷⁸.

Абу Бакр Жассоснинг ҳаёти ва асарлари ҳақидаги маълумотлар тарихий манбаларда мухтасар тарзда келтирилади. Масалан, Абу Саъд Самъоний⁷⁹, Ибн Қутлубуғо⁸⁰, Лакнавий⁸¹, Қураший⁸² ва Ҳожа Халифа⁸³ Заҳабий⁸⁴, Зириклий⁸⁵, Алоуддин Самарқандийнинг “Тухфат ал-фуқаҳо”, Шамсуддин Заҳабийнинг “Тазкират ал-хуффо”, Ибн Касирнинг “ал-Бидоя”, Манно Қаттоннинг “Мабоҳис фи улум ал-Қуръон”, Истанбулда нашр этилган “Ислом энциклопедияси” каби манбалар шулар жумласидан. Шунингдек, Абу Бакр Жассоснинг Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний⁸⁶, Таҳовий⁸⁷ каби ҳанафий мазҳабига мансуб мужтаҳид олимларга шарҳ ва мухтасар тарзида битилган бир қанча асарлари мавжуд.

Абу Бакр Жассос ҳанафий мазҳаби бўйича фикҳ ва усулнинг ечилиши оғир муаммоларини ҳал қилишда ёрдам берадиган кўплаб шарҳларни ёзишга

⁷⁸ Қаранг: Абу Абдуллоҳ Саймарий. Ахбор Аби Ҳанифа ва асҳабх. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 1976. – Б. 167.

⁷⁹ Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур Тамимий. Китобу-л-ансоб. Ж.5. /Абдуллоҳ Умар ал-Борудий таҳрири остида. – Байрут: Дору-л-фикр, 1998. – Б. 125

⁸⁰ Қосим ибн Қутлубуғо. Тожу-т-тарожим фи табақот ал-ҳанафийа. 1862. – Б. 63

⁸¹ Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаъ дар ас-саъода, 1906. – Б. 87

⁸² Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абул Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад Мисрий Қураший. Ал-Жавоҳиру-л-музийя фи табақоти-л-ҳанафийа. Ж.1. – Хайдаробод: 1913. – Б. 211.

⁸³ Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. Ж.2. – Истанбул: 1941-43. – Б. 47.

⁸⁴ Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. Ж.7. – Байрут: Муассасату-р-рисола, 1992. – Б. 98.

⁸⁵ Хайридин Зириклий. Ал-аълам – Қомус тарожим ли ашҳур ар-рижал ва ан-ниса мин ал-араб ва ал-мустаърибин ва ал-мустаҳрқин. Ж.1. – Байрут: Дор ал-илм ли ал-малайин, 1998. – Б. 168

⁸⁶ Шайбоний: (748/131-804/189), ҳанафий мазҳаби мужтаҳид фақиҳ олими, Абу Ҳанифанинг шогирди, отаси асли Шомдан, сўнг Ироққа келган, Муҳаммад Воситда туғилган ва Куфада ўсган, ҳадис ўрганиб, Миср, Молик, Авзойи, Саврий кабилардан ҳадис эшитган. Қуръонни жуда яхши билар, математика, наҳв ва араб тилида моҳир бўлган, айтилишича, у диний илмлар бўйича 990 та китоб ёзган, Шофеий унга шогирд бўлган (Қаранг: Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2011. – Б. 172-182; Ибн Абулвафо. Ал-Жаваҳир ал-мудийя фи тобақот ал-ҳанафийя. Ж.2. – Хайдаробод: Дироят ал-маъариф ан-низомийя. – Б. 43-44; Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаъ дар ас-саъода, 1906. – Б. 163).

⁸⁷ Таҳовий: Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Саллама ибн Салама Аздий Таҳовий Абу Жаъфар (853/239-933/321), ҳанафий фикҳида катта олимлардан бири, шофеий мазҳабида бўлган сўнгра ҳанафий мазҳабига ўтган ва Мисрда катта олим бўлган, унинг мўътабар асарлари бор (Қаранг: Ибн Абулвафо. Ал-Жаваҳир ал-мудийя фи тобақот ал-ҳанафийя. Ж.1. – Хайдаробод: Дироят ал-маъариф ан-низомийя. – Б. 102; Ибн Имод Ҳанбалий. Шазарот аз-заҳаб фи ахбор мазаҳиб. Ж.2. – Байрут: Дор ал-офок ал-жадида. – Б. 288; Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаъ дар ас-саъода, 1906. – Б. 32-34).

муваффақ бўлди. Абу Бакр Жассос томонидан ёзилган шарҳлар унинг чуқур илм, ўткир зеҳн ва кенг мушоҳада эгаси эканидан далолат беради. Абу Бакр Жассоснинг асарларини уч гуруҳга ажратиш мумкин: а) аллома ўзи тасниф этган асарлар; б) шарҳлар; в) мухтасар.

Абу Бакр Жассос ўзи ёзган асарлар:

1. “Аҳком ал-Қуръон”: Қуръон оятларидан ҳукмлар олган ҳанафий фикҳидаги машҳур китоблардан ҳисобланади. Бу унинг охириги асарларидан бири саналади⁸⁸.

2. “Китоб усул ал-фикҳ”: Абу Бакр Жассос “ал-Фусул фи-л-усул”ни ўзининг машҳур китоби “Аҳкому-л-Қуръон”дан ҳам олдин ёзган. Муаллиф ўз китобида, асосан, фикҳий масалаларга тўхталса-да, аммо усулу-л-фикҳ масалаларига келганда кенгроқ шарҳ беради. “Ал-Фусул фи-л-усул” усули фикҳ илмида ҳанафий мазҳаби бўйича дасталабки ёзилган ва асосий китоблардан биридир. Абу Бакр Жассос “ал-Фусул фил – Усул”ни ўзининг машҳур шайхи имом Кархийнинг вафотидан кейин ёзиб қолдирган. Бу асар унинг илмий тажриба ва амалий хулосаси сифатида юзага келган ва ҳанафий мазҳабидаги усул ал-фикҳнинг тожиги айланган.

3. “Жавабат ал-масоил”: Бу асарда алломанинг ўзидан сўралган масалалар жамланган⁸⁹.

4. “Адаб ал-қози”: Мазкур асар ҳақида тарожим китобларда маълумот учрамайди. Бу асарнинг Абу Бакр Жассосга мансуб эканини ироқлик тадқиқотчи Муҳаммад Жасим Ҳадисий илгари сурган.

Муҳаммад Жасим Ҳадисий 1985-1988 йиллар оралиғида Ироқ давлат қўлёзмалар музейи фондидаги қўлёзмаларни тадқиқ этиш жараёнида мазкур фондда Абу Наср Самарқандийнинг Абу Бакр Аҳмад Жассос (ваф. 370/981 й.) томонидан ёзилган “Адаб ал-қози” асарига ёзган шарҳи ҳам

⁸⁸ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1-3. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган).

⁸⁹ Қаранг: Ўша манба.

сақланаётгани ҳақида ёзади⁹⁰. Немис тадқиқотчиси Улрих Ребшток берган илмий хулосаларга кўра, Абу Бакр Аҳмад Жассос йирик ҳанафий фақиҳи бўлишига қарамай, унинг фатволари Ироқ ва Шом ҳанафий мактабларига хос бўлган. Мовароуннаҳрлик фақиҳлар эса, Жассосдан кўра Хассофнинг *“Адаб ал-қози”* асарига шарҳлар ёзишни афзал кўришган⁹¹. Аммо Муҳаммад Жасим Ҳадисийнинг гувоҳлик беришича, Мовароуннаҳр олимлари Абу Бакр Жассос асарларига ҳам алоҳида эътибор қаратганлар. Жумладан, қозилик масалаларига бағишланган бир қатор асарлар муаллифи Ҳоким Абу Наср Самарқандий Абу Бакр Жассоснинг *“Адаб ал-қози”* номли асарига шарҳ ёзган. Аллома Абу Наср Самарқандий 486/1093 йилда Самарқандда таваллуд топган ва 550/1155 йилда шу шаҳарда вафот этган. Абу Наср Самарқандий, *“Имому-л-ҳуда”*, *“Фақиҳ”* номлари, *“Абу-л-Лайс”* куняси билан машҳур бўлган Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим Самарқандийни (ваф. 375/985 й.) ўзига устоз санаб, унинг асарларидан талабаларга дарс бергани *“Кашф аз-зунун”* асарида келтирилган. Тарихчи Қураший Абу Наср Самарқандий *“Ибрисмий”* нисбаси билан зикр қилган. *“Ибрисмий”* нисбасидан шу нарсa маълум бўладики, Абу Наср Самарқандий араб эмас, балки маҳаллий фақиҳлардан бўлган⁹².

Бундан маълум бўладики, Мовароуннаҳрда ҳам Абу Бакр Жассоснинг илмий меросига қизиқиш катта бўлган. Бу ҳақда кўпроқ маълумотга эга бўлиш учун эса, немис тадқиқотчиси Улрих Ребшток билдирган фикрларни чуқурроқ таҳлил қилиш ва Абу Наср Самарқандийнинг мазкур қўлёзма асарини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Абу Бакр Жассос шарҳлаган асарлар:

⁹⁰ Қаранг: Абу Наср Самарқандий. Китобу-ш-шурут ва-л-васо'ик / Муҳаммад Жасим Ҳадисий таҳрири остида. – Бағдод: Визарату-с-сақофа ва-л-и'лам, Дору-ш-шу'ун ас-сақофиййа ал-‘амма, офоқ ‘арабиййа, 1419/1998. – Б. 22.

⁹¹ Қаранг: Ulrich Rebstock. Abwägen als Entscheidungshilfe in den usûl al-fiqh: Die anfänge der targîh-Methode bei al-Gassos // Der Islam (zeitschrift für geschichte und kultur des Islamischen orientes). – Berlin: Walter de Gruyter, 2003. – № 80. – S. 110-122.

⁹² Қаранг: Бекмирзаев И.И. “Мовароуннаҳрда қозилик ҳужжатлари: тарихий илдишлар ва таҳлилий ёндашувлар” Монография, – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – Б. 109.

1. “Шарҳ ал-жомеъ ал-кабир”: мазҳаб имомларининг ривоятлари жамланган фуруъ бўйича Имом Муҳаммаднинг “ал-Жомеъ ал-кабир” асарига шарҳ. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг (ваф. 187/803 й.) “ал-Жомеъ ал-кабир фи-л-фуруъ” китоби ҳанафий мазҳабига доир асосий манбалардан бир ҳисобланади. Ҳожи Халифа “Кашф аз-зунун” асарида: “Муҳаққиқлар бу китобни таҳқиқ қилишни истаб, унинг ажойиб лафзларига алоҳида аҳамият қаратганлар. Ҳатто бу асарга шарҳлар ёзилиб, мазмуни янада кенгрок баён қилиб берилди”, дея бу асарга кўплаб шарҳлар ёзилгани хусусида хабар беради. 370/980 йили вафот этган Абу Бакр Жассос номи билан машҳур имом Абу Бакр Аҳмад ибн Алининг шарҳи шундай шарҳлардан бири бўлганини айтиб ўтади⁹³. Имом Абу Бакр Жассоснинг таржимаи ҳоли ёзилган кўплаб манбаларда ушбу китоб унга нисбат берилган ва унинг ўзига тааллуқли асарларида ҳам айтиб ўтилган⁹⁴. Ушбу шарҳ тўққиз юз varaқдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифада ўн тўққиз сатр мавжудлиги хусусида ҳам қўшимча маълумотлар берилади. Мазкур китоб унинг илк асарларидан бўлса керак, чунки китобнинг нусхаловчиси (560/1165 йили кўчирилган) аллома ушбу китобни Бағдоддаги Салом шаҳрида 348/959 йилда ёзиб тугатгани, бу унинг Нишопурдан қайтиб, устози Кархийнинг ўрнида Бағдодда дарс ва фатво бера бошлаганидан тўрт йил кейинга тўғри келиши ҳақида айтиб ўтган.

2. “Шарҳ ал-жомеъ ас-сағир”: бу асар ҳам имом Муҳаммаднинг китобига шарҳ бўлиб, у Имом Абу Юсуфнинг Абу Ҳанифадан ривоят қилган 352 фуруъ масалаларидан иборат. Ҳожи Халифа “Кашф аз-зунун”да Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “ал-Жомеъ ас-сағир” асари ҳақида хабар бериб, шундай дейди: “Бу асар қадимий муборак китоб бўлиб, Баздавий айтганидек, 352 та масалани ўз ичига олган, 170 та масалада ихтилоф зикр қилинган, қиёс ва истехсон фақат иккита масалада

⁹³ Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. Ж.1. – Истанбул: 1941-43. – Б. 569.

⁹⁴ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.3. – Байрут: Дор ал-фикр, 2008. – Б. 212.

келтирилган. Устозлар бу асарни улуғлаб: “Унинг (яъни шу асарнинг) масалаларини билмай туриб, бирон киши фатво ва қозиликка лойиқ бўла олмайди”, - дейишган”⁹⁵. Шундан сўнг Ҳожи Халифа Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “ал-Жомеъ ас-сағир” китобига ёзилган 13 тадан ортиқ шарҳни келтириб, улар орасидан Абу Бакр Жассоснинг шарҳини ҳам қайд этади. Ушбу шарҳ Абу Бакр Жассосга оид экани Адирнавийнинг “Маҳам ал-фуқаҳо”, Лакнавийнинг “Ан-Нофеъ ал-кабир”, Ибн Қутлубуғонинг “Тож ат-тарожим” каби манбаларида ҳам келтирилган.⁹⁶

3. “Шарҳ ал-манасик”: бу асар ҳам Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний асари шарҳи бўлиб, алломанинг бизгача етиб келмаган асарларидан саналади. Ушбу шарҳни алломанинг ўзи “Шарҳ мухтасар ат-Таҳовий”да келтириб, “Мухтасар ат-Таҳовий”даги маносик масалаларининг барчаси Имом Муҳаммаднинг “Ал-Маносик” асарида мавжудлигини ўз шарҳида баён қилган. Шу билан бирга, “Шарҳ мухтасар ат-Таҳовий” ҳам турли масалалар доирасида муҳим жиҳатлар ва фойдаларни ўз ичига олган⁹⁷. Ушбу шарҳнинг бошқа бир қанча манбаларда ҳам Абу Бакр Жассосга мансублиги зикр қилинган. Ибн Надим “ал-Фихрист” асарида, Итқоний Абу Бакр Жассоснинг “Шарҳ мухтасар ат-Таҳовий” асарининг охириги варағида, Исмоил Бошо Бағдодий “Ҳадийят ал-орифин” асарида ва Ибн Қутлубуғо “Тож ат-тарожим” асарида келтириб ўтганлар⁹⁸.

4. “Таълиқ ʼала ал-асл ли-л-Имам Муҳаммад ибн ал-Ҳасан”: Абу Бакр Жассос Хассофнинг “Адаб ал-қазӣ” асарига ёзган шарҳида ушбу китоб

⁹⁵ Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. Ж.1. – Истанбул: 1941-43. – Б. 563.

⁹⁶ Қаранг: Адирнавий. Маҳам ал-фуқаҳо. – Мирс: Дор ал-кутуб ал-мисрийя (йили кўрсатилмаган). – Б. 69-70. Абдулҳай Лакнавий. Ан-Нофеъ ал-кабир ли-ман ютолиъ ал-Жомеъ ас-сағир. – Карачи: Идара ал-Қуръон ва ал-улум ал-исламия, 1990. – Б. 35; Зайниддин Қосим ибн Қутлубуғо. Таж ат-тарожим фи табақот ал-ҳанафийя. – Лепзиг: Брокхаус, 1862. – Б. 96; Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. Ж.1. – Истанбул: 1941-43. – Б. 563.

⁹⁷ Қаранг: Таҳқиқ ал-жуз ас-саний мин шарҳ мухтасар ат-Таҳовий. Ж.1. Докторлик диссертацияси. – Макка: Жамаиат Умм ал-қуро марказий кутубхонаси, рақам 1924. – Б. 68.

⁹⁸ Ибн Надим. Ал-Фихрист. – Техрон: 1971. – Б. 261; Исмоил Пошшо Бағдодий. Ҳадия ал-орифин – Асма ал-муаллифин ва осор ал-мусаннифин. Ж.1. – Байрут: Дар ихё ат-турос ал-арабий, 1951. – Б. 67; Зайниддин Қосим ибн Қутлубуғо. Таж ат-тарожим фи табақот ал-ҳанафийя. – Лепзиг: Брокхаус, 1862. – Б. 96.

ҳақида сўз боради, лекин тарожим китобларида бирор кишининг буни тилга олгани бизга маълум эмас⁹⁹.

5. “Шарҳ Мухтасар Кархий”: ҳанафий мазҳаби фуруъ ал-фикҳига оид асар. Имом Абулҳасан Убайдуллоҳ ибн Ҳусайн Кархий (в. 340/951) Абу Бакр Жассоснинг катта устозларидан ҳисобланади. Унинг фикҳ ва усул ал-фикҳга бағишланган кўплаб асарлари бор. “Мухтасар Кархий фи фуруъ ал-ҳанафия” шулар жумласидан. Бу асар ҳанафий мазҳаби фикҳи бўйича ёзилган муҳим асарлардан ҳисобланади. Абу Бакр Жассос ўз устозининг мухтасарига шарҳ ёзиши табиий ҳолдир. Бир қанча манбаларда ушбу шарҳ унга мансуб деб кўрсатилган¹⁰⁰.

6. “Шарҳ Мухтасар ат-Таҳовий”: бу асар ҳам фуруъ бўйича бўлиб, жуда қисқа шарҳланган¹⁰¹. Имом Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад Таҳовийнинг (в. 321/933) “Мухтасар ат-Таҳовий фи фуруъ ал-ҳанафийя” китоби ҳанафий мазҳабида ёзилган илк мухтасар асарлардан бўлишига қарамай, ундан энг асосий ва муҳим масалалар ўрин олган. Ҳожи Халифа бу асарга Абу Бакр Жассос ҳам шарҳ ёзганлигини айтиб ўтган¹⁰². Абу Бакр Жассос таржимаи ҳоли ёзилган манбаларнинг деярли барчасида мазкур шарҳ унга мансуб экани айтиб ўтилган. Алломанинг ўзи “Аҳком ал-Қуръон” асарида кўп ўринларда шу асарига мурожаат қилган¹⁰³.

⁹⁹ Қаранг: Доктор Сафват Мустафо. Ал-Имам Абу Бакр Жассос Жассос ва манҳажуҳ фи ат-тафсир. – Қоҳира: Дар ас-салом, 2008. – Б. 123.

¹⁰⁰ Қаранг: Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. Ж.2. – Истанбул: 1941-43. – Б. 1634; Ибн Абулвафо. Ал-Жавахир ал-мудийя фи тобақот ал-ҳанафийя. Ж.1. – Ҳайдаробод: Дирият ал-маъариф ан-низомиё. – Б. 223; Зайниддин Қосим ибн Қутлубғо. Таж ат-тарожим фи тобақот ал-ҳанафийя. – Лепзиг: Брокхаус, 1862. – Б. 96. Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаъ дар ас-саъода, 1906. – Б. 28.

¹⁰¹ Доктор Сафват Мустафо. Ал-Имам Абу Бакр Жассос Жассос ва манҳажуҳ фи ат-тафсир. – Қоҳира: Дар ас-салом, 2008. – Б. 124-127.

¹⁰² Қаранг: Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. Ж.2. – Истанбул: 1941-43. – Б. 167.

¹⁰³ Қаранг: Доктор Сафват Мустафо. Ал-Имам Абу Бакр Жассос Жассос ва манҳажуҳ фи ат-тафсир. – Қоҳира: Дар ас-салом, 2008. – Б. 124-127.

“Мухтасар ат-Таҳовий” асари, асосан, икки хил – катта ва кичик ҳажмда бўлиб, аллома унинг кичикроқ ҳажмлисини шарҳлаганини Шайх Жоруллоҳ Румий¹⁰⁴ айтиб ўтган¹⁰⁵.

7. “Шарҳ Адаб ал-қози ли-л-Хассоф”¹⁰⁶: Хассофнинг бу асарига Абу Бакр Жассосдан бошқа кўплаб олимлар томонидан шарҳ ёзилган. Ҳожи Халифа улардан 9 тасининг номини келтирган.¹⁰⁷ “Адаб ал-қози” муаллифи Хассоф номи билан танилган ҳанафий мазҳаби фақиҳи, Имом Абу Бакр Аҳмад ибн Умар Шайбоний (в. 261/875 й.) фикҳ илмида “Адаб-ал-қози” номли асар ёзиб, уни 120 та бобга ажратган ҳолда тизимлаштирган. Ҳожи Халифа ушбу китоб жуда мазмунли эканини айтиб, унга тўққиз киши шарҳ ёзганини билдирган ва Абу Бакр Жассосни ҳам шулар қаторида тилга олади¹⁰⁸.

Мазкур шарҳ бир қанча манбаларда, хусусан, “Маҳам ал-фуқаҳо”, “Ҳадийят ал-орифин ” ва “ал-Фаваид ал-баҳийя” асарларида Абу Бакр Жассос қаламига мансуб экани айtilган¹⁰⁹. “Тарих ат-турос ал-арабий” асари муаллифи унинг бир нечта қўлёзмаси мавжудлигини айтиб ўтган¹¹⁰.

Ушбу китоб алломанинг бошқа асарларига ўхшамайди. Баъзи фикрларга кўра, асар Абу Бакр Жассос томонидан имло қилинган.

¹⁰⁴ Валиюддин ибн Мустафо Қистинтиний, ҳижрий 1101 йилда вафот этган, фақиҳ ва усул олими бўлган. (Қаранг: Умар Ризо Каҳҳола. Муъжам ал-муаллифин – Тарожим мусаннифи ал-кутуб ал-арабия. Ж.2. Байрут: Муассаса ар-рисала, 1957. –Б. 168; Хайриддин Зириклий. Ал-аълам – Комус тарожим ли ашхур ар-рижал ва ан-ниса мин ал-араб ва ал-мустаърибин ва ал-мустаҳркин. Ж.8. – Байрут: Дор ал-илм ли ал-малайин, 1998. – Б. 118).

¹⁰⁵ Қаранг: Имом Жассос. Шарҳ мухтасар ат-Таҳовий / Қўлёзма. – Истанбул: Сулаймонийя кутубхонаси, 717-рақам. 1-варақ.

¹⁰⁶ Аҳмад ибн Умар Шайбоний Абу Бакр Хассоф (797/181-875/261) муҳаддис, фараз ва ҳисоб-китоб илмида моҳир, мазҳабни яхши билган машҳур ҳанафий олимлардан бўлиб, зоҳид, такводор, ўз касби билан кун кўрган инсон сифатида тарихда қолган. Отаси орқали буюк ҳадис имомларидан ҳадис ривоят қилган, кўп асарлари бор. Бағдодда вафот этган (Қаранг: Ибн Абулвафо. Ал-Жаваҳир ал-мудийя фи тобақот ал-ҳанафийя. Ж.1. – Хайдаробод: Дирият ал-маъариф ан-низомиия. – Б. 87-88; Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаъ дар ас-саъода, 1906. – Б. 29-30).

¹⁰⁷ Қаранг: Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абул Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад Мисрий Қураший. Ал-Жаваҳир ал-музйяа фи тобақот ал-ҳанафийя. Ж.1. – Хайдаробод: 1913. – Б. 85.

¹⁰⁸ Қаранг: Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. Ж.1. – Истанбул: 1941-43. – Б. 46.

¹⁰⁹ Қаранг: Исмоил Пошшо Бағдодий. Ҳадия ал-орифин – Асма ал-муаллифин ва осор ал-мусаннифин. Ж.1. – Байрут: Дар ихё ат-турос ал-арабий, 1951. – Б. 166; Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаъ дар ас-саъода, 1906. – Б. 28.

¹¹⁰ Қаранг: Доктор Сафват Мустафо. Ал-Имам Абу Бакр Жассос Жассос ва манҳажуҳ фи ат-тафсир. – Қоҳира: Дар ас-салом, 2008. – Б. 123-124.

Хассофнинг матни аниқ, алоҳида ва унга бошқа бирон қўшимча киритилмаган. Шу боис баъзи ўринларда “Бобнинг қолган қисми тушунарли, шунинг учун уларни келтиришни маъқул топмадик”¹¹¹, дейилган. Бу каби фикрлар мазкур икки шахсни бир олим сифатида эътироф этишга сабаб бўлиши мумкин. Абу Бакр Жассос билан Абу Бакр Хассофни бир шахс сифатида тилқин қилиш хатодир.

Абу Бакр Жассос тушунтириш керак бўлган масалаларни тушунтириб, баъзи ўринларда қисқа тарзда¹¹², баъзида эса муфассал қилиб¹¹³, гоҳида бошқа китоблардан мисоллар келтириб тушунтирган.¹¹⁴ Буни дарс вақтида имло қилдирганига яна далил шуки, баъзи ўринларда бир масала қайтарилган ва унга қайтадан шарҳ берилган.

8. “Шарҳ ал-Асма ал-хусна”: Манбаларда бу китобнинг номи учрайди, лекин унинг аҳамияти ва мундарижаси хусусида маълумотлар йўқ.

Юқоридаги шарҳ асарлари билан бирга, қуйидаги катта ҳажмдаги асарларни мухтасар шаклга келтирган. Жумладан, “Ихтисор ихтилоф ал-фуқаҳо ли-т-Таҳовий”: бу китоб мазҳабларни ўзаро қиёслашда мўътабар ва муҳим манба ҳисобланади. “Кашф аз-зунун”нинг муаллифи зикр қилишича¹¹⁵, бу асар яна “Ихтилоф ар-ривайа” деб номланиб, мухтасар ҳолга келтирилмасдан олдин 130 дан ортиқ жуздан иборат бўлган.

Имом Абу Жаъфар Таҳовий бир қанча илмларни тўлиқ билиши билан танилган олимдир. “Ихтилоф ал-фуқаҳо” китоби айни шу соҳада ёзилган мукаммал асар бўлиб, 135 та жуздан иборат. Шунинг учун уламолар ҳажмини камайтириш мақсадида унга мухтасарлар ёзишган.

Ҳожи Халифа уламоларнинг ихтилофларига тўхталиб, шундай дейди: “Бу соҳада бир қанча уламолар асар тасниф қилганлар. Улардан бири Имом Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад Таҳовий Ҳанафийдир (в. 321/933), унинг

¹¹¹ Доктор Сафват Мустафо. Ал-Имам Абу Бакр Жассос Жассос ва манҳажуҳ фи ат-тафсир. – Б. 132-142.

¹¹² Қаранг: Ўша манба.

¹¹³ Қаранг: Ўша манба.

¹¹⁴ Қаранг: Ўша манба.

¹¹⁵ Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. Ж.1. – Истанбул: 1941-43. – Б. 32.

“Ихтилоф ар-ривоят” деб номланган китоби 135 та жуздан иборат. Имом Абу Бакр Аҳмад ибн Али Жассос Ҳанафий уни мухтасар ҳолатга келтирган”¹¹⁶. Дарҳақиқат, катта ҳажмдан иборат асарларни мухтасар ҳолга келтириш осон иш эмас, китобнинг асосий мазмуни ва белгиларини ўзгартирмаган ҳолда ундан кўплаб маълумотларни олиб ташлашга тўғри келди. Абу Бакр Жассос ушбу вазифани тўлиқ уддалай олган. У масаланинг ортиқча ва кенгайган тафсилотларини олиб ташлаган ва кўп ҳолларда масаланинг ўзини келтиришдан нари ўтмайди. Аввал Абу Ҳанифа ва унинг шогирдларини зикр қилиб, кейин уларга мувофиқ келганларнинг сўзларини келтиради. Сўнг имом Молик ва унга мувофиқ бўлган олимларнинг сўзларини келтирган ва шу тартибда кетма-кет уламолар сўзларини бирма-бир баён этади.

Абу Бакр Жассос машҳур мазҳаб мужтаҳид имомлари ва уларнинг шогирдлари томонидан берилган фатво ва ҳукмлар билан бир қаторда Авзоъий (.774/157), Суфён Саврий (в. 161/778), Лайс ибн Саъд (в. 175/791), Усмон Баттий (в. 143/760), Ибн Абу Лайло (в. 148/765) ва Ҳасан ибн Солиҳ (в. 167/783) каби мазҳаби ва фикрлари унчалик машҳур бўлмаган уламоларнинг фикрларини ҳам келтирган. Шунингдек, саҳобалар ва тобеъийларнинг фикҳга оид кўплаб фикрларини келтирган. Шу жиҳатдан, Абу Бакр Жассоснинг ушбу китоби энг қадимги мужтаҳидлар, айниқса, кейинчалик мазҳаблар эътибордан қолган уламоларнинг қарашлари ва уларнинг ихтилофли масалаларни ҳал этишларида тутган ўрнини аниқлашда жуда муҳим манба ҳисобланади.

§ 1.3. Алломанинг тафсир илми ривожигаги ўрни

Тарихчилар Абу Бакр Жассоснинг сифатлари ва шахсий хислатлари ҳамда илмий даражалари ҳақида баъзи маълумотларни қайд этганлар. Олимлар Абу Бакр Жассос ҳақида турли мақтов ва илиқ сўзларни айтганлар.

¹¹⁶ Қаранг: Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. Ж.2. – Б. 32.

Улар Абу Бакр Жассосни қуйидаги мансаб ва сифатлар билан зикр қилганлар:

Имом. Бу унвон илм ва тақвода пешқадам бўлган алломалар учун берилган. Барча муаррих ва олимлар Абу Бакр Жассоснинг имом эканини бир овоздан таъкидлаганлар. Жумладан, Ибн Касир ҳам Жассоснинг имом даражасидаги олим эканини таъкидлайди: “Аҳмад ибн Али Абу Бакр Жассос ҳанафий мазҳаби фақиҳи бўлиб, Абу Ҳанифа асҳобларининг имомларидан бири саналади”¹¹⁷.

Тарихчилардан Хатиб Бағдодий ўз асарида Абу Бакр Жассос ҳақида шундай деган: “У ўз вақтида асҳоби райънинг имоми бўлган”¹¹⁸.

Мутааххир олимлар¹¹⁹ Абу Бакр Жассосни улуғ имом сифатида тилга оладилар. Жумладан, Такийюуддин Иззий Ҳанафий олим ҳақида “Жассос лақаби билан танилган шаъни улуғ имом бўлиб, ҳанафий мазҳаби ҳамда тарихга оид китобларда унинг номи кўп тилга олинади”, дея зикр этган¹²⁰. Абдулҳай Лакнавий олимни таништирар экан, уни қуйидагича таърифлаган: “У Жассос номи билан машҳур бўлиб, ўз асрининг шаъни улуғ имомидир”¹²¹.

Ҳужжатулислом. Абу Бакр Косоний ўзининг “Бадоиъ ас-саноиъ” асарида Абу Бакр Жассосни ҳужжатулислом (ислом дини ҳужжати) дея эътироф этган¹²². Бу атама ноёб лақаблардан бўлиб, камдан-кам олимларга насиб этган. Мазкур лақаб сўзлари ва фатволари динда ҳужжат даражасида қабул қилинадиган олимга нисбатан қўлланилган. Шубҳасиз, ҳанафий

¹¹⁷ Имодуддин Абул Фидо Исмоил ибн Касир ал-Кураший ад-Димашкий. Ал-бидая ва ан-нихая. Ж.11. – Байрут: Дар ихя ат-турос ал-арабий, 1997. – Б. 221.

¹¹⁸ Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.5. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2011. – Б. 72.

¹¹⁹ Ҳанафий олимлар, асосан, уч табакага ажратилган. Биринчиси салафлар бўлиб, улар Абу Ҳанифа (а.р.) замонидан Муҳаммад ибн Ҳасан (а.р.) (в. 805 /189) давригача бўлган олимлардир. Иккинчиси халафлар деб аталиб, Муҳаммад ибн Ҳасан (а.р.) давридан Шамсул-аймма Ҳалвой (а.р.) (в. 1064 /456) давригача бўлган олимлар назарда тутилади. Учинчиси мутааххир олимлар бўлиб, улар Шамсул-аймма Ҳалвой (а.р.)дан Ҳофизиддин Бухорий (а.р.) (в. 1294 /693)гача бўлган ҳанафий олимлардир.

¹²⁰ Такийюуддин ибн Абдулқодир Тамимий Дорий Иззий Мисрий Ҳанафий. Ат-табақот ас-сания фи тарожим ал-ҳанафийя. Ж.1. – Ар-Риёд: Дар ар-рифоъий, 1983. – Б. 412

¹²¹ Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-бахийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаъ дар ас-саъода, 1906. – Б. 28.

¹²² Абу Бакр Жассос. Мухтасар Ихтилаф ал-улама. Ж.1. – Байрут: Дор ал-башаир ал-исламия, 1995. – Б. 77.

мазҳабига оид мўтабар манбаларда Абу Бакр Жассоснинг сўзлари хужжат, яъни сўнгги хулоса сифатида келтирилади.

Муфассир. Абу Бакр Жассосни машҳурлик чўққисига олиб чиққан асари, шубҳасиз, “Аҳком ал-Қуръон” китобидир. Бу асар фикҳий йўналишда ёзилган тафсирлар сирасига киради. Аҳмад ибн Муҳаммад Аданавий ўзининг “Табакот ал-муфассирийн” асарида Абу Бакр Жассосни III/IX асрда яшаган муфассирлар табақасида санаб ўтган¹²³. Шунингдек, Доктор Муҳаммад Ҳусайн Заҳабий ҳам Абу Бакр Жассосни фақиҳ муфассир сифатида зикр этган¹²⁴.

Ҳофиз. Маълумки, ҳадис илмида етук муҳаддисларга нисбатан ҳофиз атамаси қўлланилади. Ҳофиз деганда юз мингта ҳадисни матн ва иснод жиҳатдан тўлиқ эгаллаган ҳамда ровийларнинг ҳолати, яъни жарҳ-таъдил ва тарихини билган муҳаддис тушунилади¹²⁵. Муҳаммад ибн Абдулбоқий Зурқоний “Шарҳ ал-Маваҳиб ал-ладунния” асари иккинчи фаслининг еттинчи мақсад (бўлим)ида Абу Бакр Жассосни таърифлаб, шундай деган: “Имом ва ҳофиз Абу Бакр Жассос Аҳмад ибн Али ибн Ҳусайн ҳанафий мазҳаби имомларидан бўлиб, Найсабур муҳаддиси ҳисобланади. Ибн Уқда ҳам уни ҳофизлар қаторида санаган”¹²⁶.

Муҳаддис. Ҳадис илмида муҳаддис унвони фақат ҳадис тинглаш билан чекланмасдан, уни исбот қилиш йўллариини ҳамда ровийларнинг адолати ва жарҳ (нуқсон)ини яхши билган кимсага нисбатан ишлатилади¹²⁷. Бу унвон ҳофиз унвонидан бир поғона пастда туради. Яъни ҳофиз муҳаддис ҳисобланади, лекин муҳаддис ҳофиз бўлмаслиги мумкин. Зурқонийнинг Абу

¹²³ Қаранг: Аҳмад ибн Муҳаммад Аданавий. Табакот ал-муфассирийн. – Мадина: Мактаба ал-улум ва ал-ҳикам, 1997. – Б. 84.

¹²⁴ Қаранг: Доктор Муҳаммад Ҳусайн Заҳабий. Ат-тафсир ва ал-муфассирун. Ж.2. – Қоҳира: Ованд донеш, 2005. – Б. 295-296, 297-301.

¹²⁵ Қаранг: Зафар Аҳмад Усманий Таҳонавий. Қоваъид фи улум ал-ҳадис. – Қоҳира: Дар ас-салам, 2000. – Б. 29.

¹²⁶ Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавайд ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаъ дар ас-саъода, 1906. – Б. 28.

¹²⁷ Қаранг: Зафар Аҳмад Усманий Таҳонавий. Қоваъид фи улум ал-ҳадис. – Қоҳира: Дар ас-салам, 2000. – Б. 29.

Бакр Жассосни муҳаддис сифатида зикр қилганини юқорида қайд этдик. Дарҳақиқат, Абу Бакр Жассос нафақат фикҳ ва тафсир илмида, балки ҳадис борасида ҳам ўзига яраша мавқега эга бўлган. “Ал-фавоид ал-баҳия” асарида ёзилишича, Абу Бакр Жассос Абдулбоқий ибн Қониъ (265/878-351/962)дан ҳадис ривоят қилган. Айниқса, олим “Аҳком ал-Қуръон” асарида мазкур муҳаддисдан кўп ҳадис ривоят қилган. Абдулбоқий ибн Қониъ муҳаддис ад-Доракутнийнинг устози саналади. Барқоний уни заиф ровийлар қаторида санаган. Лекин Хатиб Бағдодий Ибн Қониъни оқлаб шундай дейди: “Барқоний уни нима учун заиф деганини билмайман. Абдулбоқий илм, дирият ва фаҳм аҳлидан бўлган. Аксарият шайхларимиз уни сиқа – ишончли ровий сифатида билишларига гувоҳ бўлганман. Тўғри, умрининг охирида бироз салбий томонга ўзгариш содир бўлган”. Шамсуддин Заҳабий эса Ибн Қониъни “кўп сафар қилган, ҳадис кўп ривоят қилган, ҳофиз, садук (ростгўй)” каби сифатлар билан тилга олиб, бағдодликлар уни сиқа (ишончли) ровий деб билишларини айтган¹²⁸. Шунингдек, Абу Бакр Жассос Абул Аббос Асомм Найсабурий, Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Форис Асбаҳоний, Сулаймон ибн Аҳмад Табароний ва бошқа бир қатор муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган¹²⁹. Шамсуддин Заҳабийнинг таъкидлашича, Абу Бакр Жассос ҳадис ва рихлат соҳиби (муҳаддис ва юрт кезган олим) бўлиб, у ўз асарларида санадлари муттасил бўлган ҳадисларни ҳужжат қилиб келтиради¹³⁰. Шунингдек, Абу Бакр Жассос ўз асарларида ҳадисларни саҳиҳ ва мутаботир эканини ҳам изоҳлаб боради. Жумладан, “Аҳком ал-Қуръон” асарида рибо ҳақидаги ҳадисни шундай изоҳлайди: “Бу

¹²⁸ Қаранг: Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.11. – Байрут: Дор ал-кутутб ал-илмия, 2011. – Б. 89-90; Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.12. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006. – Б. 96-97.

¹²⁹ Қаранг: Имоуддин Абул Фидо Исмоил ибн Касир Кураший Димашқий. Ал-бидая ва ан-нихая. Ж.11. – Байрут: Дор ихя ат-турос ал-арабий, 1997. – Б. 221; Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.5. – Байрут: Дор ал-кутутб ал-илмия, 2011. – Б. 72.

¹³⁰ Қаранг: Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.12. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006. – Б. 344.

ҳадис биз (ҳанафий мазҳаби)да мутавотир ҳукмида. Чунки унинг ривояти кўп бўлиб, фақиҳлар уни қўллашга иттифоқ қилганлар”¹³¹.

Фозил. Бу атама ҳам олимларга берилган энг улуғ унвонлардан бўлиб, фазилатли ва олижаноб маъноларини беради. Хайрддин Зириклий Абу Бакр Жассос ҳақида ёзар экан, уни шундай таърифлайди: “Абу Бакр Жассос Рай аҳлининг фозил кишисидир”¹³².

Фақиҳ. Шубҳасиз, Абу Бакр Жассос ҳам усул ал-фиқҳ, ҳам фуруъ ал-фиқҳни мукаммал эгаллаган етук олим бўлган. Шу боис у манбаларда фақиҳ сифатида тилга олинади. Жумладан, Ибн Касир ҳам Жассоснинг имом даражасидаги олим эканини таъкидлаб, унинг ҳанафий мазҳаби фақиҳи эканини “Ҳанафий мазҳаби фақиҳи Аҳмад ибн Али Абу Бакр Жассос” ибораси билан ифодалаган¹³³. Абу Бакр Жассос фиқҳ илмида кўпроқ шуҳрат қозонган. Буни Хатиб Бағдодийнинг ҳам Жассосни фақиҳ олим сифатида таништириб айтган қуйидаги сўзларидан ҳам билиб олишимиз мумкин: “У фиқҳни Абул Ҳасан Кархийдан ўрганди ва фиқҳ илми билан мунтазам шуғулланиб, бу борада раёсат – етакчиликни қўлга киритди. Ҳатто фақиҳлар фиқҳ илмини ўрганиш мақсадида унинг ҳузурига оқиб кела бошладилар”¹³⁴. Шунингдек, Саймарий Абул Ҳасан Кархий ҳақида шундай дейди: “Ундан кейин Бағдодда мударрислик Абу Бакр Аҳмад ибн Али Жассосга ўтди ва ундан дарс олишга турли давлатлардан талабалар оқиб кела бошлади”¹³⁵. “Тарихи Бағдод” асарида: “Ўз вақтида асҳоби раининг имоми, зуҳд ва тақво билан машҳур бўлган”¹³⁶ дейилган. Ибн Касир: “У ўз даврида ҳанафий мазҳабининг улуғи бўлган ва турли тарафлардан талабалар ундан фиқҳ

¹³¹ Доктор Ваҳба Зухайлий. Ал-фиқҳ ал-исламий ва адиллатух. Ж.5. – Дамашк: Дор ал-фикр, 1997. – Б. 3744.

¹³² Хайриддин Зириклий. Ал-аълам – Қомус тарожим ли ашҳур ар-рижал ва ан-ниса мин ал-араб ва ал-мустаърибин ва ал-мустаҳқин. Ж.1. – Байрут: Дор ал-илм ли ал-малайин, 1998. – Б. 171.

¹³³ Қаранг: Имоуддин Абул Фидо Исмоил ибн Касир Кураший Димашкий. Ал-бидая ва ан-нихая. Ж.11. – Байрут: Дор ихя ат-турос ал-арабий, 1997. – Б. 221.

¹³⁴ Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.5. – Байрут: Дор ал-кутутб ал-илмия, 2011. – Б. 72.

¹³⁵ Абу Абдуллоҳ Саймарий. Ахбор Аби Ҳанифа ва асҳабиҳ. – Байрит: Дор ал-китаб ал-арабий, 1976. – Б. 166; Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаъ дар ас-саъода, 1906. – Б. 28.

¹³⁶ Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.5. – Байрут: Дор ал-кутутб ал-илмия, 2011. – Б. 72.

ўрганиш учун Бағдодга сафар қилиб келар эдилар”¹³⁷, деб айтган. Абдулхай Лакнавий шундай дейди: “Бағдод фақиҳлари фикҳни Абу Бакр Жассосдан олишар эди”¹³⁸.

Мужтахид. Шамсуддин Заҳабий Абу Бакр Жассосни мужтахид аллома сифатида зикр қилган¹³⁹. Бу ерда мазҳаб ичидаги мужтахид назарда тутилган. Мазҳабда ижтиҳод қиладиган олимлар табақасига Абу Юсуф, Имом Муҳаммад ва Абу Ҳанифанинг бошқа шогирдлари киради. Улар устозлари Абу Ҳанифа тузиб берган қоидалар асосида далиллардан ҳукмларни чиқариб олишга қодир бўлган олимлар саналадилар. Мазкур табақа вакиллари Абу Ҳанифага баъзи фаръий ҳукмларда ихтилоф қилсалар-да, лекин асос қоидаларда унга тақлид қиладилар. Дарҳақиқат, Абу Бакр Жассоснинг илмий мероси унинг мазҳаб мужтахидлари гуруҳидан эканлигига далолат қилади. Доктор Абдуллоҳ Назир Аҳмад ўз татдиқиқотида Абдулхай Лакнавийнинг “Шарҳ ал-Жамиъ ас-сағир”га ёзган “Ан-нафиъ ал-кабир” номли асарининг муқаддимасидан иқтибос келтириб, шундай хулоса беради: “Шунинг учун ҳам мунаққид (танқидий ёндашувчи) ҳанафий олимлар Ибн Камол Пошшо Ҳанафийнинг хулосаларини қаттиқ танқид остига оладилар. Чунки у Абу Бакр Жассосни тўртинчи табақадаги олимлар қаторида санаб, шундай деган: “Бу табақа Абу Бакр Жассос ва бошқа шу каби муқаллидлардан бўлган таҳриж соҳиблари табақасидир. Чунки бу табақа олимлари ижтиҳод қилишга асло қодир эмаслар, аммо улар усулни яхши ўзлаштирганлари ва манбаларни тўлиқ забт этганлари боис мазҳаб соҳиби (Абу Ҳанифа) ёки унинг асҳобларидан ривоят қилинган икки эҳтимолли сўзларни ўз усулдаги ўз қарашлари ва фикрлари билан ҳамда фуруъдаги шунга ўхшаш масалаларга қиёс қилиш орқали баён қилиш ва бу борада ҳукм чиқаришга қодирдирлар”. Баъзи мутааххир ҳанафий олимлар мазкур тақсимотни заиф деб

¹³⁷ Имоуддин Абул Фидо Исмоил ибн Касир Кураший Димашкий. Ал-бидая ва ан-нихая. Ж.11. – Байрут: Дар ихя ат-турос ал-арабий, 1997. – Б. 221.

¹³⁸ Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. Ал-Фавайд ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаъ дар ас-саъода, 1906. – Б. 28.

¹³⁹ Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.12. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006. – Б. 344.

хисобайдилар. Жумладан, Абдулхай Лакнавий “Ал-Фаваид ал-баҳийя” муаллифи “ат-Таълиқот ас-суннийя ала ал-фаваид ал-баҳийя” деб номланган асар хошиясида ушбу масалага танқидий ёндашган. Шунингдек, Шихоб Маржоний мазкур тақсимот олимга нисбатан ҳурматсизлик эканини таъкидлаб, шундай дейди: “Бу – Жассосга қилинган катта зулм. Бу – уни баланд мартабасидан тушириш, пасайтириш ва унинг илмдаги шаънини нақадар улуғлиги, фикҳда қўли узунлиги, усулда тўпиғи баландлиги, қадамнинг шахдамлиги, назар ва истидлол маъракаларида одимининг мустаҳкамлиги ва зарбасининг кучлилигидан очик-ойдин ғафлатда қолишдир. Жассоснинг асарлари ва ундан нақл қилинган сўзларни чуқур ўрганган одам шунга амин бўладики, Ибн Камол мужтаҳидлар қаторида санаб ўтган Шамсулаимма¹⁴⁰ каби олимлар, шунингдек, улардан кейинги учинчи табақа олимларининг барчаси Абу Бакр Жассосга муҳтождирлар. Уни шундай улуғ мартабадан қандай қилиб пастга тушириш мумкин?!”¹⁴¹ Яна буни шу нарса ҳам қўллаб-қувватлайдики, у ўз асрининг олимлари орасида таниқли бўлиб, ҳатто ўз вақтида аҳли рай мактабининг имоми даражасига етиб боради. Унинг китоблари ўз вақтида кўп кўчирилган, хусусан, фикҳ ва тафсир бўйича “Аҳком ал-Қуръон” китобининг қўлёзмалари дунёнинг кўплаб кутубхоналарига етиб борган. Қолаверса, устози Имом Кархийдан сўнг унинг ўрнига ўтириб, илмий мажлисларни бошқарганлиги ҳам Абу Бакр Жассоснинг ижтиҳодда моҳир бўлганлигидан дарак беради.

Муфтий. Шубҳасиз, мужтаҳид олимга нисбатан муфтий атамаси ҳам қўлланилади. Муфтий асосан, фатво бериш билан шуғулланади. Абу Бакр Жассос устози Имом Кархий вафотидан сўнг дарс бериш билан бир қаторда

¹⁴⁰ Имом Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл Абу Бакр Сарахсий (в. 1096/490), ҳанафийларнинг катта мужтаҳид фақиҳларининг қозиси, имом, аллома, мутакаллим, усулчи, фақиҳ ва мунозарачи бўлган, энг машҳур китоби “ал-Мабсут”, уни қамокда китоб мутуаала қилмай ёддан имло қилдирган, вафот этган йилида ихтилоф бор (Ибн Абулвафо. Ал-Жаваҳир ал-мудийя фи тобақот ал-ҳанафийя. Ж.2. – Ҳайдаробод: Дироят ал-маъариф ан-низомиё. – Б. 28; Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаът дор ас-саъода, 1906. – Б. 158-159).

¹⁴¹ Қаранг: Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаъ дор ас-саъода, 1906. – Б. 27; Абу Бакр Жассос. Мухтасар Ихтилоф ал-улама. Ж.1. – Байрут: Дор ал-башаир ал-исламия, 1995. – Б. 40-41, 75-76.

муфтийлик мақомини ҳам ўз қўлига олади. Тарихчилардан Имом Заҳабий унинг муфтий эканини таъкидлаган¹⁴².

Ироқ олими. Шамсуддин Заҳабийнинг таъкидлашича, Абу Бакр Жассос Ироқда жуда машҳур бўлган. Шунингдек, Амир Котиб Итқоний бу ҳақда шундай деган: “Шайх Абу Бакр Жассос Ироқ олимларининг улуғларидан саналади”¹⁴³.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Абу Бакр Жассос яшаган давр ислом оламининг энг зиддиятли давларидан бири саналади. Бу даврда турли фирқалар, мазҳаб ва йўналишлар фаолияти авж олиб, бундай таҳликали замонда ижод қилиш, хусусан, ҳанафийлик мазҳаби ва ақидасини ҳимоя қилиш инсондан катта масъулият, иқтидор ва малака талаб қилиши табиий. Абу Бакр Жассос асарлари ва фаолияти орқали турли бузғунчи ақидаларга қарши курашиб, ўз ақидаси ва мазҳабини қаттиқ ҳимоя қилган. Ҳатто баъзи ўринларда ҳанафийлик мазҳабини ҳимоя қилишда кескин фикрларни билдиришга ҳам мажбур бўлган. Аллома суннийларнинг бошқа мазҳаб вакиллари камситиш мақсадида эмас, балки замон шу услубда ижод қилишни талаб қилгани боис кескин фикрларни илгари сурган дейиш мумкин.

Абу Бакр Жассоснинг туғилиши ва илмий фаолияти ҳамда устозларию шогирдлари ҳақидаги тадқиқотлар жуда долзарб саналади. Зеро, бу тадқиқотлар натижасида алломанинг шахсий қарашлари, илмий йўналишлари ва ижодидаги ўта муҳим ғоялари яққол кўзга ташланади. Мазкур масалаларни аниқлаш мақсадида ушбу асар тадқиқоти амалга оширилди. Жумладан, Абу Бакр Жассоснинг исми, лақаби ва кунyasi ҳамда туғилиш санаси билан боғлиқ қарашлар ўрганилиб, ишончли манбалар асосида аниқ хулосалар баён этилди. Шунингдек, алломанинг илмий

¹⁴² Қаранг: Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.12. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006. – Б. 344.

¹⁴³ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Мухтасар Ихтилаф ал-улама. Ж.1. – Байрут: Дор ал-башаир ал-исламия, 1995. – Б. 77; Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.12. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006. – Б. 344.

сафарлари, устозлари, шогирдлари ва асарлари ҳақида ҳам ишончли маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ушбу бобнинг охирги параграфида эса, Абу Бакр Жассоснинг фикр-илмидаги салоҳияти ва муфассир сифатида унвон ҳамда даражалари ўрганилди. Абу Бакр Жассос, шубҳасиз, “Аҳли сунна валжамоа”нинг ханафий мазҳабидаги етук фақиҳ, муфассир ва буюк аллома эканига тарихий манбалардан жавоб топилди. Алломанинг ҳаёти, ижоди ва асарлари унинг нақадар теран фикр, чуқур билим ва юксак иқтидор соҳиби эканидан далолат беради. Айниқса, машҳур олимларнинг Абу Бакр Жассос ҳақидаги асослантирилган фикрлари, юксак баҳолари ва эътирофлари олимнинг нафақат ханафий мазҳаби, балки бутун ислом оламидаги эгаллаган ўрни юксак бўлганидан далолат беради. Алломанинг асарлари ва илмий қарашлари кейинги авлодларга ҳам намуна ва ибрат бўлиб таъсир ўтказгани шубҳасиздир. Шу боис унинг илмий меросини чуқур тадқиқ қилиш бугунги кунда ҳам долзарб аҳамият касб этади.

II БОБ. “АҲКОМ АЛ-ҚУРЪОН” АСАРИНИНГ ТАФСИР ИЛМИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

§ 2.1. Асарнинг ҳанафий мазҳабига оид тафсир манбалари орасида тутган ўрни

Абу Бакр Жассоснинг ҳаёт йўли ва қолдирган улкан илмий меросидан билиб олиш мумкинки, аллома ҳанафийликка тегишли муҳим манбалар ва бир қатор шарҳлардан иборат тўплам ярата олган. Шу билан бирга, унинг “Аҳком ал-Қуръон” тафсири ва яна бир қанча асарлари тўлалигича шу мазҳабни қўллаб-қувватлашга қаратилгани эътиборни жалб этади. Айниқса, алломанинг “Шарҳ Мухтасар Кархий”, “Шарҳ Мухтасар ат-Таҳовий” ва “Шарҳ адаб ал-қоди ли ал-Хассоф” каби шарҳлари илмий теранлиги ва мураккаб услубга эгалиги билан фарқланишидан ташқари, ҳанафийлик мазҳабининг ўзига хос энг муҳим ва дақиқ фикҳий ҳукмларни яхши билишини ва мазҳабга тегишли масалаларнинг туб моҳияти ва чуқур илдизларидан хабардор экани билан диққатга сазовор. Чунки аллома шарҳ орқали турли масалаларни талқин этишда мазҳаб кўзлаган мақсадни очиб беришга алоҳида эътибор қаратади.

“Аҳком ал-Қуръон” асари бир неча бор нашрдан чиққан. Бу нашрларни яратишда унинг қўлёзма нусхаларига таянилган. Асарнинг қадимий қўлёзма нусхаларидан бири Профессор Муҳаммад ибн Туркий ат-Туркийнинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда¹⁴⁴. Мазкур қўлёзма нусханинг қачон ёзилгани маълум эмас. Асардаги муҳрларга суянилса, ушбу қўлёзмани XVII асрга оид деб айтиш мумкин. Асар 480 саҳифадан иборат бўлиб, насх хатида китобат қилинган. Илк саҳифасига “الأول من أحكام القرآن العظيم لشيخ الإسلام أبي بكر الرازي الجصاص” (Шайхул-ислом Абу Бакр Розий Жассоснинг “Аҳком ал-Қуръон” асарининг биринчи жузи) деган жумла битилган. Қўлёзманинг 2а, 3а ва 4а, 23а, 46а, 52а, 67а, 86а, 109а, 112а, 138а, 159а, 162а, 180а, 200а, 214а, 218а, 238а, 256а, 274а,

¹⁴⁴ Қаранг: <https://www.alukah.net/library/0/111448/>

279a, 298a, 314a, 319a, 337a, 358a, 364a, 386a, 411a, 413a, 441a, 462a, 479b-саҳифаларига думалоқ ҳамда тўртбурчак шаклдаги муҳрлар босилган. Думалоқ муҳрнинг ичида “هذا مما وقفه الوزير أبو العباس بن أحمد بن الوزير أبي عبد الله محمد” (Бу вазир Абул Аббос ибн Аҳмад ибн вазир Абу Абдуллоҳ Муҳаммад томонидан вақф қилинган китоблар жумласидандир 1088/1678) ибораси, тўртбурчак шаклдаги муҳрда эса, “إنما لكل امرئ ما نوى” (Албатта, ҳар бир киши учун ният қилган нарсаси бордир) мазмундаги ҳадис ёзилган. Қўлёзманинг 2б-3а ҳамда 480а-варақларида асар мундарижаси мавжуд. 3б-варақдан асар бошланади. Саҳифалар пойгирланган. Суралар номи, фасл ва боблар қалин қора сиёҳ билан, бобларнинг рақами эса қизил сиёҳда алоҳида ажратиб ёзилган. 20б-21а, 239б-241а--варақларига матн ёзилмаган. Айрим саҳифалар ҳошиясида изоҳлар ва тузатишлар мавжуд. Асарнинг ушбу биринчи жузи “Сафар намози” боби, яъни “Нисо” сурасининг 101-ояти тафсири билан якун топган. Асар тўлиқ бўлиб, яхши сақланган. Қўлёзманинг колофонида “والحمد لله رب العالمين أولا وآخرا، والصلواته “ تترى على خيه من خلقه سيدنا محمد وآله وصحبه وعتره وسلم تسليما كثيرا إلى يوم ورضي الله عن أصحابه أجمعين. وحسبنا الله ونعم الوكيل” жумлалари мавжуд. Асар иккинчи жузининг қўлёзма нусхаси мавжуд эмас.

Абу Бакр Жассос ўзи яшаган мурккааб замонда ҳанафий мазҳаби ривожига бир қатор асарлари билан катта ҳисса қўша олган. Бу асарлар у яшаган даврда мазкур мазҳаб фикҳи ва усулига тегишли масалаларнинг нозик қирраларини очиб беришда ишончли ва мўътабар манбалардан бири сифатида ўрин эгаллаган. Унинг илмий мероси олимнинг теран тафаккури, ўткир заковатидан далолат бўлиб, фикҳий масалалар талқинида ортиқча тафсилотлардан тийилиши билан бошқа манбалардан ажралиб туради. Чунки алломанинг асарларида муайян тартиб, изчиллик, тизимлилик, дақиқлик ва муаммоларни маҳорат билан очиб беришга катта эътибор қаратиши унинг ҳанафийлик мазҳабини очиб бериш ҳамда мазҳабга тегишли масалаларни далилларга асосланган ҳолда чуқур илмий таҳлил этиши борасидаги хизматлари беқиёс эканини кўрсатади. Бунинг сабаби, унинг барча

асарларида ушбу мазҳабни турли ҳужжат ва далилларга таянган ҳолда асослашга ғоят катта эътибор қаратилган.

Шуларни инобатга олган ҳолда, Абу Бакр Жассосни ханафийлик мазҳаби мужтаҳидларидан бири, аниқроғи, учинчи табақа мужтаҳиди эканини эътироф этиш муболаға бўлмайди. Мазкур табақа вакиллари усул жиҳатдан оят ва ҳадисларга эга бўлмаган ҳамда мазҳаб етакчиси илмий муомалага киритган ва баён қилиб берган қоидаларга мос келмайдиган масалалар юзасидан керакли ҳукмлар чиқарган мужтаҳидлар сирасига киради. Бу табақа вакилларининг мужтаҳид деб аташ усул ал-фикҳда мужтаҳидларни қуйидаги турларга ажратишга ёрдам беради:

- алоҳида мазҳабга асос солган мужтаҳиди мутлақ;
- бирор-бир мазҳабга мансуб мужтаҳиди мутлақ;
- бирор-бир мазҳабда мазҳаб имомининг усул-қоидалари

асосида ижтиҳод қилувчи мужтаҳиди муқайяд.¹⁴⁵

Мазҳаб мужтаҳидлар зиммасидаги вазифалар, асосан, икки қисмдан иборат:

1. Олдинги мужтаҳид имомлар амал қилган қоидаларни илмий муомалага киритиш, улар чиқарган қоидаларнинг асосларидан иборат умумий фикҳий тизимларни жамлаш.

2. Мазҳаб етакчисидан ривоят қилинмаган янги масалалар юзасидан ҳукмлар чиқариш.

Учинчи табақа мужтаҳидлари фикҳий мазҳабларни таҳлил қилиб, улар ўртасидаги фарқли ҳолатларни яққол ажратиб берганлар ва ушбу фарқларнинг асосларини илмий муомалага киритганлар. Шу асосларга суянган ҳолда, шаръий манбалардан ҳукм чиқариш (тахриж)ни амалиётда қўллаганлар. Турли фикрларни саҳиҳ ва заифга ажратиш мақсадида уларни

¹⁴⁵ Шайх Муҳаммад Зоҳид Кавсарий. Хусн ат-такозий фи сийрат Аби Юсуф ал-Қозий. – Қоҳира: Ал-мактаба ал-азҳария. –Б. 24.

тахриж қилиш ва ўзаро қиёслаш асосларини ишлаб чиқиш натижасида ҳар бир мазҳабнинг фикҳий табиатини яққол кўрсатиб бера олганлар¹⁴⁶.

“Аҳком ал-Қуръон” тафсирида 760 та фикҳий масала мавзуларга ажратилган ҳолда тадқиқ этилган бўлиб, унга Абу Бакр Жассос илмий меросининг хулосалари ҳамда бой илмий қарашлари ва тажрибаларини ўзида акс эттирган асар сифатида қараш айни ҳақиқатни тан олишдир. Бир қарашда ушбу асар ундаги мазҳабларга оид фикр-мулоҳазалар ва фикҳий қарашларнинг жуда хилма-хиллиги туфайли қиёсий фикҳий асарларни ёдга туширса-да, унга ҳолис баҳо берилса, ҳанафийлик мазҳабига алоқадор бирламчи муҳим қомусий асарлардан деб қараш ҳақиқатга яқин бўлади. Муаллиф бирор масалага тааллуқли фикрлар ва фикҳий мазҳаблар қарашларини баён этишда, биринчи навбатда, мазҳаб асосчиси Имом Абу Ҳанифа (р.а.) фикрларига суянган ҳолда иш тутади. Ундан сўнг Абу Ҳанифа (р.а.)нинг таниқли шогирдлари – “Имом соҳиблари” деган номга сазовор бўлган Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ва Имом Зуфарнинг илмий қарашларини асосий эътиборда тутади. Абу Ҳанифа (р.а.)га нисбатан “Имом соҳиблари” ихтилофга бормаган масалаларда уларнинг исмларини Мазҳаббоши исми билан бир қаторда эслаб ўтади. Баъзан эса, уларнинг исмларини келтирмасдан: “Соҳибларимиз айтганлар”, “Барча соҳибларимиз бир овоздан шундай деганлар”, “Соҳибларимиз иттифоқ қилганлар” ёки шу сингари изоҳ ва таъкидлар билан чекланади¹⁴⁷. Агар Имом Абу Ҳанифа (р.а.)га ихтилоф қилган шогирдларининг фикрларига тўхталиш лозим бўлса, уларнинг номини айнан келтириб, Абу Ҳанифа (р.а.)нинг бу масалага қараши ва унинг тутган йўлига сабаб бўлган омиллар ва шу билан боғлиқ қўшимча маълумотларга ҳам кенг ўрин ажратади. Масалан, қуйидаги оят тафсирида:

¹⁴⁶ Муҳаммад Абу Заҳра. Усул ал-фикҳ. – Байрут: Дор ал-фикр ал-арабий, 2010. –Б. 371.

¹⁴⁷ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). –Б. 157, 254, 255.

“Ва сизлардан олдин Китоб берилганларнинг ифбатли аёллари (никоҳи ҳам ҳалолдир)”¹⁴⁸, собиийлар ва уларнинг эътиқодлари ҳақида шундай дейилган:

“Собиийларнинг аҳли китоб қаторига кириш-кирмаслиги борасида ихтилоф қилинган. Абу Ҳанифа (р.а.)дан келтирилган ривоятга кўра улар аҳли китоб ҳисобланади. Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад: “Улар аҳли китобга кирмайдилар”, - деган фикрни ёқлайдилар. Абул Ҳасан Кархий бу борада шундай дейди: “Абу Ҳанифа (р.а.) аҳли китобга мансуб қилган собиийлар масиҳийлик динини қабул қилган ва Инжил ўқийдиган қавмдир. Ҳарронда яшаган ва осмон жисмларига сиғинувчи собиийлар эса барча мазҳаб имомларимизнинг ижмосига кўра аҳли китобга кирмайдилар”. Абу Бакр Жассос яна қуйидагиларни аниқлаб, масалага кенгроқ ёндашади: “Бугунги кунда бу исм билан танилган собиийлар ичида аҳли китоблар учрамайди ва уларнинг эътиқод асослари бир хил. Яъни Ҳаррон ва Воситдаги водийларда яшовчи собиийларнинг эътиқодлари асосини еттита сайёрани улуғлаб, уларни илоҳийлаштириш ва уларга маъбуд сифатида топиниш ташкил қилади. Улар кўпхудоликка эътиқод қиладилар. Лекин улар форслар Ироққа кириб келиб, наботийлардан бўлган собиийлар давлатига барҳам берганларидан кейин таъқиблар туфайли ўз худоларига очикдан-очик ибодат қилишга журъат қила олмаганлар. Шунингдек, Византия, Шом ва Жазира аҳолиси ҳам олдин собиийликда бўлганлар. Рим императори Константин христианликни қабул қилгач, қилич ёрдамида бу ҳудудлар аҳолисини насронийлаштиришга ҳаракат қилди, кўпхудоликни ботил эътиқод сифатида эълон қилди. Аҳоли зоҳиран насронийликни қабул қилган бўлсалар-да, уларнинг кўпчилиги яширин равишда ўз эътиқодларида давом этарди.

Ислом дини ёйила бошлагач, уларни ҳам насронийлардан фарқламасдан насроний деб атаёт бошладилар. Бу вақтга келиб, улар ҳануз

¹⁴⁸ Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т: Тошкент ислом университети, 2004.

ўзларининг кўпхудолик эътиқодларини сақлаб қолган эдилар. Собийлар эътиқодларини жуда сир тутишар, шу мақсадда болаларига ёшлигидан ҳар хил хийла-найрангларни ўргатишардики, болалари вояга етгач, динини бемалол сир тута оларди. Исмоилийлар ўз мазҳабларини яшириш эътиқодини собийлардан ўрганганлар. Аҳамият берилса, собийларнинг барчаси эътиқодлари асосида еттита сайёрани илоҳийлаштириш ва уларга сиғиниш ётади. Илоҳлар исми борасида собийлар ўртасида ихтилоф йўқ. Ҳаррон ва Водий собийлари ўртасидаги фарқни собийларнинг шариатлари ўртасидаги баъзи ҳукмлар ташкил этиб, собийларларни аҳли китоб деб бўлмайти. Менинг фикримга кўра, Абу Ҳанифа (р.а.)нинг собийлар ҳақида юқоридаги фикрларга келишига кўпроқ у кишининг насронийликка тўлиқ кириб, амал қиладиган ҳамда Инжил тиловат қиладиган собийларни кўрганлиги сабаб бўлиши мумкин. Чунки кўпчилик фақиҳлар собийларнинг айтган сўзларига амал қилганлари тасдиғини кўрмаганлар. Бундай йўл тутишларига сабаб, собийлардан жия қабул қилинмаган, яъни улардан Исломга кириш ёки жанг қилиш талаб қилинган. Юқорида айтиб ўтилган сифатларга эга собийлар ҳақида сўз борганда, фақиҳлар ўртасида ихтилоф келиб чиқмаган: собийлар аҳли китобга кирмайдилар, улар сўйган ҳайвон гўштлари ейилмайти ва аёллари никоҳланмайти”¹⁴⁹.

Шунингдек, Абу Бакр Жассос баъзида Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммаднинг Абу Ҳанифа (р.а.)га хилоф фикрларига раддиялар билдиради ва Имом Аъзамнинг қарашлари тўғри эканини таъкидлайди. Бунга қуйидаги ояти карима шарҳини мисол сифатида келтириш мумкин.

“Ҳар қачон Сиз (Эй Муҳаммад) улар (саҳобаларингиз) орасида бўлиб, намозларига имомлик қилсангиз, (уларни икки қисмга бўлинг!) улардан бир қисми Сиз билан бирга (намозга) турсин!”¹⁵⁰.

¹⁴⁹ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 413.

¹⁵⁰ Нисо: 102-оят. Оятда баён этилган мазкур жамоат намози араб тилида “Салоту-л-хавф” дейилади. Оятдаги буйруқ Расулуллоҳ (с.а.в.)га қаратилган бўлса-да, у барча мусулмонларга тегишли деб қабул қилинган. Мужтаҳидлардан фақат Абу Юсуф ва Ҳасан ибн Зиёд (рх.)лар хавф намози Расулуллоҳ

Абу Бакр Жассос хавф намози¹⁵¹ ва унинг қай тарзда адо қилиниши масаласига тўхталар экан, бу борадаги фақиҳларнинг билдирган фикрларини, энг аввало, Абу Ҳанифа (р.а.)нинг хавф намози фақат Расулуллоҳ (с.а.в.) замонларига хос бўлмай, У зот (с.а.в.)нинг вафотларидан кейин ҳам ўқилиши ҳақидаги фатвони баён қилган. Бу фатвонинг тўғри эканига далил сифатида бир қанча мисолларни келтиргач, қуйидагиларни айтади:

“Абу Юсуфдан келтирилган ривоятга кўра, Расулуллоҳ (с.а.в.)дан кейин хавф намози иккита имом бошчилигида ўқилиши керак. У бу фикрни ояти каримадаги: **“Ҳар қачон Сиз (Эй Муҳаммад) улар (саҳобаларингиз) орасида бўлиб, намозларига имомлик қилсангиз...”**”, намозни Расулуллоҳ (с.а.в.)га хос деган асосга таяниб айтади. Расулуллоҳ (с.а.в.)га эргашиб намоз ўқиш бошқаларга иқтидо қилиб намоз ўқишдан афзал. Расулуллоҳ (с.а.в.)дан кейин фақат иккита имом бошчилигида намоз ўқиш жоиз. Чунки биринчи ва иккинчи имом бўлган кишиларга иқтидо қилишнинг савоби баробар. Демак, юриш, қибладан бурилиш ва юз ўгириш каби намозни бузадиган ҳолатларга эҳтиёж йўқ. Абу Бакр Жассос бу далилларга қуйидагича мулоҳаза билдиради:

“Оятдаги хитобни ва оятдан чиқадиган ҳукмни фақатгина Расулуллоҳ (с.а.в.)га хос деб айтиш тўғри эмас. Чунки, **“Ҳар қачон Сиз (Эй Муҳаммад) улар (саҳобаларингиз) орасида бўлиб, намозларига имомлик қилсангиз...”**”, - деган Зот **“Унга эргашинглар”**¹⁵², - ҳам деган. Шу сабабли, биз Расулуллоҳ (с.а.в.) бирор-бир амални қилаётганларини кўрсак, бу борада у зотга ҳудди ўзлари қилганлари каби эргашишимиз лозим. Масалан, Аллоҳ таолонинг: **“Мол-мулкларидан уларни у сабабли поклашингиз ва**

(с.а.в.)нинг ўзларига хосдир, деб билганлар. Бошқалар Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотларидан кейин ҳам саҳобаларнинг хавф намози ўқиганларини далил қилиб келтирадилар

¹⁵¹ Хавф намози хавф-хатар бўлган вақтда ўқиладиган намоз бўлиб, кўпинча уруш вақтларида хавф намозига эҳтиёж сезилади. Бундай вазиятларда жамоат иккига бўлиниб, бир гуруҳ намозхонлар имомга иқтидо қилиб, намоз ўқийди. Иккинчи гуруҳ эса, душманга қарши курашади. Сўнг иккинчи гуруҳ намоз ўқишга келади, ўз навбатида, биринчи гуруҳ душманга қарши кураш учун кетади.

¹⁵² Аъроф: 158-оят.

тозалашингиз учун садақа олинг”¹⁵³, - деган буйруғини кейинги имомларга тегишли деб билмай, фақат Расулуллоҳ (с.а.в.)га хос дейиш нотўғридир. Қуйидаги оятлардаги хитоблар ҳақида ҳам ҳудди шундай дейиш мумкин:

“Қачонки, Сизнинг олдингизга мўъмина аёллар байъат қилиш учун келсалар”¹⁵⁴;

“Улар ўртасида Аллоҳ нозил этган нарса (оятлар) билан ҳукм қилинг...”¹⁵⁵;

“Агар Сизга (ҳукм сўраб) ҳузурингизга келсалар, ўрталарида ҳукм чиқаринг!”¹⁵⁶.

Бу оятлардаги хитоб Расулуллоҳ (с.а.в.)га хос бўлса-да, кейинги раҳбарлар учун ҳам мазкур ҳукм тааллуқлидир, деб ҳисоблаган Абу Бакр Жассос.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ортларида туриб намоз ўқиш фазилатига эришиш намоз ичида юриш, қибладан юз буриш ва унинг тарк қилиниши намознинг фарзларидан бўлган ишларни қилишга сабаб бўла олмайди. Чунки у зотнинг орқаларида туриб намоз ўқиш фарз амал эмас. Шу сабабли намозда эргашувчилар фазилатга ноил бўлишлари учун фарзни тарк этишга буюрилишлари жоиз эмас. Биз келтирган бу далиллар Имом Абу Юсуфнинг ўз ҳукмларини исботлаш йўлидаги ҳаракатларининг асоссиз эканлигини ва хавф намози Расулуллоҳ (с.а.в.) билан ўқилгани каби ўқилиши жоизлигини кўрсатади. Хавф намозининг Расулуллоҳ (с.а.в.) даврларидаги каби ўқилиши бир гуруҳ саҳобалардан: Ибн Аббос, Ибн Масъуд, Зайд ибн Собит, Абу Мусо, Хузайфа, Саид ибн Осс Абдурроҳман ибн Самура ва бошқалардан ривоят қилинган. Улар келтирган ривоятда ҳеч қандай ихтилоф йўқ”¹⁵⁷.

¹⁵³ Тавба: 103-оятнинг бир қисми.

¹⁵⁴ Мумтаҳана: 12- оятнинг бир қисми.

¹⁵⁵ Моид: 49-оятнинг бир қисми.

¹⁵⁶ Моид: 42-оятнинг бир қисми.

¹⁵⁷ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 328, 329.

Бу мисоллар Имом Абу Бакр Жассос бирор-бир масалага ва мазҳабларга тегишли қарашларни баён этишда бирор-бир ривоят Имом Абу Ҳанифа фикрларига зид бўлган тақдирда ҳам, ҳанафийлик мазҳабига тегишли ривоятлардан бирортасини эътиборсиз қолдирмаганини кўрсатади. Бу ҳолатда аллома баъзан ўз қарашларини Мазҳаб асосчисига тегишли фикр сифатида келтиради. Абу Бакр Жассос бирон ривоятни саҳиҳ ривоят сифатида таржиҳ қилар экан, агар бу ривоятни Муҳаммад ибн Ҳасаннинг “ас-Сияри ал-кабир” каби ҳанафийликнинг мўътабар китобларидан келтирган бўлса, бунга хилоф¹⁵⁸ мазҳабнинг баъзи ривоятларини заиф деб ҳукм чиқаради. Бундай ривоятни “Осорга хилоф бўлган шоз ривоят”, деб атайди. Мисол учун, унинг Абу Ҳанифа (р.а.)дан намоз вақтлари хусусида қилинган ривоятлардан бирида қандай ҳукм чиқарганини олайлик: “Пешин вақтининг охири ҳар бир нарсанинг сояси ўша нарсага нисбатан икки баробар бўлишига яқинлашгунча ва аср вақтининг аввали соя ўша нарсадан икки баробар катта бўлган пайтдир”, дейилади. Абу Бакр Жассос айтади: “У (яъни Абу Ҳанифа р.а.дан келтирилган мазкур ривоят) шоз, ривоят пешин намозининг вақти аср вақти кирмаган пайт бўлишлиги ҳақидаги келган осорларларга хилоф ҳисобланади...”¹⁵⁹. Баъзида эса ўз ижтиҳодига таяниб: “Бундан бошқа ривоятларга амал қилинмайди”¹⁶⁰, деб ҳукм қилади.

Абу Бакр Жассос тафсирида кўп ҳолатларда, турли ҳукмлар ва масалаларни таҳлил ва талқинида уларга тааллуқли фикҳий қарашларни келтирар экан, дастлаб, саҳоба ва тобеъинлардан иборат салафлар фикридан кейин ўз мазҳаби фақиҳларининг сўзларини баён этади. Шундан кейин бошқа мазҳабларнинг бу тўғридаги таърифларига тўхталиб, улар билан чуқур баҳс-мунозарага киришади. Кўпинча бундай муҳокамаларда ҳанафийлик мазҳаби тутган йўл қўллаб-қувватланади ҳамда уни турли усул ва услублар

¹⁵⁸ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 311.

¹⁵⁹ Ўша манба Ж. 2. –Б. 341.

¹⁶⁰ Ўша манба. Ж. 1. –Б. 362.

ёрдамида ҳимоя қилади. Баъзан ўз фикрини исботлашда ўз мазҳаби фақиҳларидан бири билан чекланади ва уни ўз раъйи билан тасдиқлайди. Бошқа олимларнинг фикрларига эътибор қаратмайди¹⁶¹.

Хулоса қилиб айтганда, Абу Бакр Жассос (р.а.) ўзи яратган илмий асарлари билан ҳанафийлик мазҳаби ривожига катта ҳисса қўшган. Хусусан, Абу Бакр Жассоснинг илмий хулосалари, фикҳий қарашлари, ғоялари, айниқса, “Аҳком ал-Қуръон” асарининг фикҳдаги ўрни бекиёс. Шу сабабли бу китоб Имом Абу Ҳанифа (р.а.) мазҳабидаги кенг қамровли фикҳий манбага айланиб, унда ҳанафийлик мазҳабига тегишли фикҳий қарашларни баён қилиш ва ундаги ишончли фатволарни тадқиқ қилиш, шунингдек, мазҳаб имомлари томонидан ишлаб чиқилган қоидаларга ҳолис ёндашиш ҳамда улар ишлаб чиққан қиёслаш асосларидан иборат умумий фикҳий қоидаларни изчил жамлай олиш маҳорати ўз аксини топган. Қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, ҳанафийлик мазҳабини чуқур таҳлил қилиш ва илмий услуб орқали асослашда Абу Бакр Жассоснинг етакчи олимлар табақасига мансублигига ишонч ҳосил қиламиз. Бу ҳанафий фақиҳларининг учинчи табақаси, яъни бу мазҳаб ривожига ҳамда ундаги таҳриж асослари ва қонун-қоидалар тизимини ишлаб чиққан табақа ҳисобланади. Шу сабабли Абу Бакр Жассос бу мазҳаб уламолари ва мужтаҳидларининг алоҳида вакили саналади.

§ 2.2. “Аҳком ал-Қуръон” асарининг фикҳий манбалари

Абу Бакр Жассоснинг “Аҳком ал-Қуръон” асари фикҳ, усул, тафсир каби бир қатор илм соҳаларини ўзида мужассам этган бўлиб, муаллиф уни ёзишда кўплаб манбалардан фойдаланган.

Унинг тафсирида фойдаланган манбаларни шартли ривишда асосан уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Устозларининг асарлари.

¹⁶¹ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. – Б. 318, 319.

2. Муаллифнинг ўзи томонидан ёзилган асарлар.

3. Ўзи яшаган даврда олимлар эътирофига сазовор бўлган китоблар.

Устозларининг асарлари: Абу Бакр Жассос илм олиш мақсадида кўп марта бошқа шаҳарларга бориб, ўша даврдаги фан ва маданият ўчоқлари ҳисобланган илм даргоҳларида ўз илмий салоҳиятини оширган. Сафарлар давомида у турли соҳа олимлари билан учрашиб, улардан фикҳ, усул, ҳадис ва тилшунослик каби бир қатор илм сирларини ўрганган.

Фикҳ ва усул илмларини Имом Кархийдан, ҳадис илмларини Ҳофиз Абдулбоқий ибн Қониъ, Табароний, Абул Аббос Асом, Имом Ҳоким ва бошқалардан, луғат ва араб тилига тааллуқли илмларни Абу Али Форисий, Абу Умар Нахвий ҳамда Абу Саҳл Зужожийдан таҳсил олди.

“Аҳком ал-Қуръон” асарини ёзишда ўзи мулоқот қилган устозларининг китоблари ва фикр-мулоҳазаларидан кенг фойдаланган. Айрим ўринларда уларнинг сўзларини далил сифатида келтирса, баъзи ўринларда қарши чиқиб, эътирозли фикрларни баён этган ҳолатлари ҳам учрайди. Шуниси эътиборга молики, Абу Бакр Жассос устозларининг фикрлари бир-биридан фарқ қилишига қарамай, улардан олган маълумотларга илмий жиҳатдан ҳолислик тамойиллари асосида ёндашган.

Абу Бакр Жассос “Аҳком ал-Қуръон” асарини ҳаётининг охирларида ёзганлиги учун уни ёзишда бошқа китоблари, хусусан, “Китаб усул ал-фикҳ” ва “Шарҳи мухтасар ат-Таҳовий” каби асарларидан фойдаланган. Масалан, Бақара сурасининг 106-ояти тафсирида насх турларини баён қилиб, Муҳаммад (с.а.в.) шариатида насх йўқ деганларга раддия бериб, сўзи охирида: “Усули фикҳ” китобимизда насх турлари, унинг жоиз ва жоиз бўлмаганлари борасида етарлича айтиб ўтганмиз”, деган. Кейин Қуръонни суннат билан насх қилиниши масаласига тўхталиб, унинг охирида ҳам: “Бу масала бўйича “Усули фикҳ” китобимизда батафсил маълумот берганмиз,

кимга лозим бўлса, ундан фойдаланиши мумкин”¹⁶², деган. Жассос ўз тафсирида жуда кўп масалалар юзасидан тушунтиришларида “Ал-Фусул фил-усул” деб номланадиган усул илмига оид китобидан иқтибослар келтирган.

Шунингдек, Бақара сурасининг 133-ояти тафсирида: “Бу борадаги саҳобаларнинг ихтилофлари ҳамда келтирган ҳужжатларини “Шарҳ Мухтасар ат-Таҳовий” асарида зикр қилганмиз”¹⁶³, деб айтади.

Моида сурасининг 90-ояти тафсирида эса “Ашриба” китобига мурожаат қилган¹⁶⁴.

Умуман олганда, Абу Бакр Жассос “Аҳком ал-Қуръон” асарини ёзишда олдинги китоблари ҳамда асар ёзиш бўйича тўплаган тажрибасидан кенг фойдаланган.

Абу Бакр Жассос яшаган даврда мусулмон оламида турли илм соҳалари гуллаб-яшнаган, унинг ҳар бир соҳасига оид кўплаб китоблар ёзилган. Ҳатто баъзи тадқиқотчилар бу асрни шариат илмлари тадвин қилиниб, тўлиқ шаклга келтирилгач, ислом оламига тарқалиш даври бўлган деб ҳисоблайди¹⁶⁵. Бу даврдаги бир қатор илмий изланишлар натижаси ўлароқ улкан илмий мерос яратганини инкор этиб бўлмайди. Бу мерос илм-фаннинг турли соҳалари бўйича яратилган кўплаб асарларда намоён бўлади. Абу Бакр Жассоснинг мазкур тафсири яратилган вақт ҳам айти шу даврга тўғри келган бўлиб, бу даврда тафсир соҳасига оид жуда кўп фикҳий манбалар яратилган. Шунинг учун аллома тафсирининг манбаларини тўлиқ аниқлаш анча мушкул, қолаверса, жуда кам ҳолатларда фойдаланган манба ёки адабиёт номлари айтиб ўтилган.

¹⁶² Қаранг: Абу Бакр Жассос. Ал-фусул фи-л-усул. Ж.2. – Кувайт: Визарат ал-авкоф ал-кувайтия, 1994. – Б. 213-218, 321-366; Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 70-72.

¹⁶³ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 487.

¹⁶⁴ Қаранг: Ўша манба. Ж.2. – Б. 580-582.

¹⁶⁵ Абу Бакр Жассос. Ал-фусул фил-усул. Таҳқиқ Доктор Ажил Нашмий. Ж.1. – Кувайт: Визарат ал-авкоф ал-кувайтия, 1994. – Б. 8.

Абу Бакр Жассос томонидан тафсирда фойдаланган тафсир, ҳадис, луғат, грамматика, фикҳ, усул ва тарих илмига оид қатор китобларни келтириб ўтамир:

Абу Бакр Жассос фойдаланган тафсир китобларини ўч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Нақлий тафсирлар.
2. Фикҳий тафсирлар.
3. Луғавий тафсирлар.

Абу Бакр Жассос тафсирда ҳадислар ва салаф уламоларнинг сўзларини жуда кўп келтирган. Бу ривоятларни ў ўз устозлари орқали нақл қилса-да, кўп ҳолларда ривоятларни иснодсиз, яъни “Ибн Аббосдан ривоят қилинади” ёки “Ибн Аббос деди” тарзида келтирган.

Ушбу даврдаги энг муҳим ва кенг қамровли нақлий тафсирлар Абдурраззоқ Санъонийнинг¹⁶⁶ (ваф. 826/211) “Тафсир ал-Қуръон” ҳамда Муҳаммад ибн Жарир Табарийнинг (ваф. 923/310) “Жомий ал-баён ан таъвил ал-Қуръон” асарларидир. Аллома ўзи айнан буни айтмаган бўлса-да, улардан яхши хабардор бўлгани ва жуда кенг фойдалангани асарда яққол сезилиб туради.

1. Абдурраззоқ Санъонийнинг “Тафсир ал-Қуръон” асари: бу асардан олинган иқтибослар асосан устозлари Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Марвазий¹⁶⁷ ва Ҳасан ибн Абу Робий Жужоний¹⁶⁸ орқали тафсир соҳиби Санъонийдан ривоят қилган. Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Бақара сурасининг 189-оятини шарҳлашда қуйидагилар баён этилган:

“Ушбу оят хусусида қуйидаги ривоят мавжуд: Абдуллоҳ ибн Марвазий Ҳасан ибн Абу Робий Жужонийдан, ў Абдурраззоқдан, ў Муъммардан, ў эса

¹⁶⁶ Абдурраззоқ ибн Ҳумом Абу Бакр Санъоний (126/744-211/827), ишончли ҳадис ҳофизларидан бири. Санъолик. Тахминан 17 минг ҳадисни ёддан билган. Унинг “Ал-Жомий ал-кабир”, “Тафсир ал-Қуръон” каби асарлари бор.

¹⁶⁷ У Жассоснинг ишончли устозларидан бири.

¹⁶⁸ Ибн Ҳиббон (в. 263/877) уни ишончлилар қаторида зикр қилган.

Зухрийдан ривоят қилади: “Қачонки ансорлар....”¹⁶⁹. Ривоят айнан шундай лафз ва матн билан Абдурраззоқ Санъонийнинг тафсирида ҳам мавжуд¹⁷⁰.

Яна Бақара сурасининг 284-ояти¹⁷¹, Оли Имрон сурасининг 44-ояти¹⁷² ва яна кўплаб ўринларда худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Ушбу тафсирда Абдурраззоқ Санъонийнинг саҳоба ва тобеинлардан келтирган ривоятларини нақл қилишда, баъзан ривоят занжирини айтмаслик, фақат “Абдурраззоқ ривоят қилишича,...”¹⁷³, деб ривоятни келтириш одати мавжуд. Буларнинг ҳаммаси ушбу тафсирни ёзишда Абдурраззоқ Санъонийнинг “Тафсир ал-Қуръон” китобидан кенг фойдаланганини яққол кўрсатади.

2. Табарийнинг “Жомиъ ал-баён ан таъвил ал-Қуръон” номли тафсири: мазкур китобдан ҳам Абу Бакр Жассос тафсирида кенг фойдаланилган ва ундан кўп ривоятлар нақл этилган. Шунга қарамай, Жассоснинг тафсир китобида Табарийнинг на исми, на кунyasi бирор марта ҳам тилга олинмаган.

Маълумки, Табарийнинг тафсири саҳоба ва тобеинларнинг тафсир борасидаги фикрлари ва қарашлари иснодлари билан аниқ ривоят қилинганлиги туфайли нақлий тафсирларнинг энг мўътабари ҳисобланади ҳамда Қуръон ва тафсир, хусусан, нақлий тафсир билан қизиққан мутахассисларга ҳар доим муҳим ва бой илмий манба бўлиб келган¹⁷⁴. Абу Бакр Жассос ўз тафсирида ҳеч қандай иснодсиз, фақат “*Ривоят қилинадики*”, деган шаклда салафларнинг сўзлари ва ривоятларини келтиради. Шу ўринда ўз-ўзидан савол туғиладики, аллома тафсирга оид маълумотларни қаердан олган? “Аҳком ал-Қуръонда” келган ушбу ривоятларни Табарийнинг тафсири билан қиёслаб кўрилса, уларнинг кўпчилиги бутунлай бир хил бўлиб чиқиши

¹⁶⁹ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 310.

¹⁷⁰ Санъоний. Тафсир ал-Қуръон. Ж.1. – Ар-Риёд: Мактабат ар-рушд, 1990. – Б. 72.

¹⁷¹ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 650; Санъоний. Тафсир ал-Қуръон. Ж.1. – Ар-Риёд: Мактабат ар-рушд, 1990. – Б. 112.

¹⁷² Санъоний. Тафсир ал-Қуръон. Ж.1. – Ар-Риёд: Мактабат ар-рушд, 1990. – Б. 121; Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 17.

¹⁷³ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 291.

¹⁷⁴ Муҳаммад Фодил ибн Ошур. Ат-тафсир ва рижалух. – Қоҳира: Мажмаъ ал-бухус ал-исламия, 1970. – Б. 40; Доктор Муҳаммад Ҳусайн Заҳабий. Ат-тафсир ва ал-муфасссирун. Ж.1. – Қоҳира: Ованд донеш, 2005. – Б. 208-210.

юқоридаги фикрларни тасдиқлайди. Бунинг устига аллома даврида Табарийнинг тафсири илмий доирада кенг фойдаланилган. Исбот тариқасида ушбу тафсир билан Табарий тафсирида сўзма-сўз тўғри келадиган қуйидаги ривоятларни мисол қилиш мумкин: Бақара сурасининг 197-ояти тафсирида Абу Бакр Жассос қуйидагиларни ёзади: “Салафлар *“рафас”* сўзини шарҳлашда ихтилоф қилганлар. Ибн Умар уни жимоъ деган. Ибн Аббосдан ҳам шу каби ривоят бор...”¹⁷⁵. Айнан шу ривоятлар айти шундай лафзлар орқали Табарийнинг тафсирида ҳам мавжуд¹⁷⁶. Шунингдек, Бақара сурасининг 203¹⁷⁷ ва 235-оятлари¹⁷⁸, Моида сурасининг 54-ояти¹⁷⁹ ҳамда шу каби жуда кўп оятлар шарҳида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Абу Бакр Жассос тафсирида, асосан, ҳукмга оид оятлар тафсир қилингани учун бу тафсир улкан фикҳий манба ҳисобланади. Шунинг учун аллома тафсирида турли фикҳга доир манбалар – фикҳий китоблар, айниқса, ҳанафий мазҳабига оид фикҳий китоблар, ҳукмга оид оятлар шарҳидан иборат фикҳий тафсир китобларидан кенг фойдаланиш ва уларга таяниши табиий ҳолдир.

Абу Бакр Жассосгача бўлган даврларда бу турдаги китоблар жуда кўп ёзилган эди. Муҳаммад ибн Идрис Шофеъийнинг (ваф. 820/204) “Аҳком ал-Қуръон” асари¹⁸⁰, Абулҳасан Али ибн Ҳажар Саъдийнинг (ваф. 859/244) “Аҳком ал-Қуръон” асари, Абу Исҳоқ Исмоил ибн Исҳоқ Моликий Басрийнинг (ваф. 282/895) “Аҳком ал-Қуръон” асари, Абулҳасан Али ибн Мусо Қуммийнинг (ваф. 305/918) “Аҳком ал-Қуръон” асари ҳамда имом Абу

¹⁷⁵ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 372.

¹⁷⁶ Ибн Жарир Табарий. Жомий ал-баён ан таъвил ал-Қуръон. Ж.4. – Ар-Риёд: Дор ҳижр, 2008. – Б. 125-134.

¹⁷⁷ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 382; Ибн Жарир Табарий. Жомий ал-баён ан таъвил ал-Қуръон. Ж.4. – Ар-Риёд: Дор ҳижр, 2008. – Б. 208-211.

¹⁷⁸ Ибн Жарир Табарий. Жомий ал-баён ан таъвил ал-Қуръон. Ж.5. – Ар-Риёд: Дор ҳижр, 2008. – Б. 95-109; Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 513.

¹⁷⁹ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 526. Ибн Жарир Табарий. Жомий ал-баён ан таъвил ал-Қуръон. Ж.10. – Ар-Риёд: Дор ҳижр, 2008. – Б. 410-419.

¹⁸⁰ Имом Шофийий бу соҳада биринчи бўлиб асар ёзган шахс ҳисобланади.

Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад Таҳовийнинг (ваф. 321/934) “Аҳком ал-Қуръон” асарлари шулар жумласидан¹⁸¹.

Абу Бакр Жассос тафсири тадқиқ этилганда у юқоридаги китобларнинг охирги учтасидан олдингиларига нисбатан кўпроқ фойдаланганлиги маълум бўлди.

Абу Исҳоқ Исмоил ибн Исҳоқ Моликий Басрийнинг “Аҳком ал-Қуръон” асари¹⁸²: Аллома Кавсарий Имом Шофеъийнинг “Аҳком ал-Қуръон” китоби муқаддимасида ҳукмга оид оятлар тафсирига бағишланган асарлар ҳақида шундай тўхталади: “Мадиналиклар мазҳаби бўйича ёзилган ҳукмий оятлар тафсирида басралик моликий мазҳабининг таниқли олими Қози Исмоилнинг “Аҳком ал-Қуръон” асари машҳурдир. Имом Жассос унга ўз тафсирида танқидий ёндашган”¹⁸³.

Абу Бакр Жассос тафсирини ўрганиш асносида бундай танқидларни кўп учратиш мумкин. Аллома аввал Қози Исмоилнинг ҳанафий мазҳабига қарама-қарши сўзларини келтириб ундан сўнг раддиялар беради ҳамда уларнинг ҳужжати заифлигини кўрсатишга ҳаракат қилади. Бундай танқидларнинг кўпинча бир неча саҳифаларга чўзилиб кетиши бу раддиялар анча кескин иборалар билан баён этилганидан далолат беради. Масалан, Бақара сурасининг 235-ояти¹⁸⁴, Раъд сурасининг 8-ояти¹⁸⁵ ва яна бир қатор бошқа оятлар¹⁸⁶ тафсирида Абу Бакр Жассос Исмоил ибн Исҳоқ Моликийнинг кўпгина фикр-мулоҳазаларини нақл қилган ҳамда уларнинг ортидан эътирозларини келтирган. Лекин, баъзи ҳолатларда Қози Исмоил

¹⁸¹ Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. Ж.1. – Истанбул: 1941-43. – Б. 20.

¹⁸² Исмоил ибн Исҳоқ ибн Исмоил ибн Ҳаммод Жаҳдабий Аздий Басрий (200/816 – 282/895). Қози, моликий мазҳабининг катта фақиҳларидан, кўп асарлари бор. “Шавоҳид ал-муватто”, “Аҳком ал-Қуръон”, “Ал-Мабсут”, “Ар-Радд аъла Аби Ҳанифа”, “Ар-Радд аъла аш-Шофий” шулар жумласидан (Қаранг: Хайриддин Зириклий. Ал-аълам – Қомус тарожим ли ашхур ар-рижал ва ан-ниса мин ал-араб ва ал-мустаърибин ва ал-мусташрқин. Ж.1. – Байрут: Дор ал-илм ли ал-малайин, 1998. – Б. 310).

¹⁸³ Имом Шофий. Аҳком ал-Қуръон. Таҳқиқ: Муҳаммад Зоҳид Кавсарий. Қоҳира: Мактаба ал-хонжий (йили кўрсатилмаган) –Б. 22.

¹⁸⁴ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 511-513.

¹⁸⁵ Ўша манба. Ж.3. – Б. 233-235.

¹⁸⁶ Қаранг: Ўша манба. Ж.1. – Б. 393-394; Ўша манба. Ж.2. – Б. 239-241; Ўша манба. Ж.3. – Б. 296-298.

бошқа мазҳабда бўлишига қарамай, унинг фикрларини ҳимоя қилганига гувоҳ ҳам бўлиш мумкин¹⁸⁷.

Абу Бакр Жассос Али ибн Мусо Қуммийнинг “Аҳком ал-Қуръон” асаридан ҳам етарлича фойдаланиб, айрим ўринларда ундан иқтибослар ҳам келтирган. Кўпинча, Али ибн Мусо Қуммий сўзларини келтиргач, ўзи ҳам унга мувофиқ фикрларни келтиради¹⁸⁸. Баъзи ҳолларда эса ўз асридаги ҳанафий мазҳабидаги етук олимлардан бўлишига қарамай, Қуммий унга кескин эътироз ва танқидий фикрлар билан муносабат билдирган¹⁸⁹. Бу ҳолат Абу Бакр Жассос ҳанафий мазҳабига мутаассибона ёпишиб олади, деган фикр нотўғри эканлигини тасдиқлайди.

Луғатшуносликка доир тафсирлар саҳобалар даврида кўрина бошлаган бўлиб, ўша вақтда ундан кўзланган асосий мақсад Қуръондаги жумлаларнинг маъноси ва араб лаҳжалари орасидаги фарқланишларнинг олдини олиш бўлса, зарурий эҳтиёж туфайли вужудга келгани ҳам айтилиши ҳақиқатдир. Кейинчалик араб тилидан бошқа тилда сўзлашадиган инсонлар ислом динини қабул қилди ва Қуръон лафзларининг маъноларини билишга нисбатан эҳтиёж янада кучайди. Шунинг учун Ибн Аббос ва унинг тафсир мактаби вакиллари Мужоҳид, Саид ибн Жубайр каби катта муфассирлар ҳам бу муҳим вазифани бажаришга катта эътибор қаратдилар. Кейинги асрларда Қуръон сўзларининг нозик луғавий маъноларини очиб берадиган тафсирлар янада кўпайиб борди.

1. Абу Закарийё Фарронинг (ваф. 207/823) “Маъони ал-Қуръон”, Абу Убайда Муъаммар ибн Мусаннонинг (ваф. 209/825) “Мажоз ал-Қуръон”, Абу Исҳоқ Зажжожнинг (ваф. 311/924) “Маъони ал-Қуръон” каби тафсир китоблари Абу Бакр Жассос яшаган асрдан олдин ёзилган луғавий тафсир китоблари ҳисобланади. Абу Бакр Жассос ихтилофли фикҳий ҳукмларда Қуръон лафзлари уларга қандай далолат қилишини баён қилиш учун ушбу

¹⁸⁷ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Б. 202.

¹⁸⁸ Қаранг: Ўша манба. Ж.2. – Б. 2/257-258.

¹⁸⁹ Қаранг: Ўша манба. Ж.1.– Б. 525.

китобларга алоҳида эътибор қаратади. Шунинг учун унинг тафсирида ушбу асарлар муаллифлари кўп марта тилга олинганига гувоҳ бўламиз.

Шунингдек, Абу Бакр Жассос Абу Закариё Фарроънинг “Маъони ал-Қуръон” китобидан ҳам керакли ўринларда кенг фойдаланган, айниқса, Қуръон матнларининг луғавий маъносини очиб бериш ва унга катта тилшунос олимларнинг сўзларидан далил келтириш билан боғлиқ кўпдан-кўп иқтибослар келтирган. Чунки, Фарроъ тилшунос сифатида таниқли олим ҳисобланади. Абу Бакр Жассос баъзан ундан нақл келтирганда “*Фарронинг тилшунослик борасида айтган сўзлари ҳужжат ўрнидадир*”, - деб ўз сўзлари тўғрилигини яна бир бор таъкидлайди¹⁹⁰.

Абу Бакр Жассос Фарронинг тафсиридан унумли фойдаланганига Бақара сурасининг 125¹⁹¹ ҳамда 234-ояти¹⁹², Нисо сурасининг 21-ояти, Моида сурасининг 2-ояти¹⁹³ ва бошқа оятлар шарҳларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

2. Абу Убайда Муъаммар ибн Мусаннонинг¹⁹⁴ “Мажоз ал-Қуръон” асари тилшуносликка оид эънг мўътабар манбалардан саналиб, муаллиф ўз тафсирида Қуръон лафзларининг қандай маъноларга далолат қилишига алоҳида эътибор қаратади. Қуръоннинг турли хил ифода услубларини наҳв (синтаксис), сарф (морфология) ҳамда балоғат жиҳатидан таҳлил этади. У Қуръонни соф тилшунослик нуқтаи назаридан тафсир қилгани туфайли баъзи олимлар бу тафсирни нақлий далилга эга бўлмаган тафсир – бир-раъй, яъни ижтиҳод билан тафсир қилинган, деб танқид қилганлар¹⁹⁵.

¹⁹⁰ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Б. 530; Ж.2. – Б. 140.

¹⁹¹ Ўша манба. Ж.1. – Б. 87.

¹⁹² Ўша манба. Ж.1. – Б. 505-506.

¹⁹³ Ўша манба. Ж.2. – Б. 140.

¹⁹⁴ Абу Убайда Муъаммар ибн Мусанно Таймий Басрий – адабиёт ва тилшунослик бўйича етук олим. Басрада туғилган ва шу ерда вафот этган. Ҳорун Рашид уни 804/188 йилда Бағдодга чақирган. Унинг 200 га яқин асарлари бор. “Нақоиди Жарир вал-Фарзандик”, “Мажоз ал-Қуръон”, “Иъроб ал-Қуръон”, “Табақот аш-шуаро”, “Айём ал-араб”, “Ал-Инсон” асарлари шулар жумласидан. (Қаранг: Хайриддин Зириклий. Ал-аълам – Қомус тарожим ли ашхур ар-рижал ва ан-ниса мин ал-араб ва ал-мустаърибин ва ал-мусташрқин. Ж.8. – Байрут: Дор ал-илм ли ал-малайин, 1998. – Б. 272).

¹⁹⁵ Доктор Муҳсин Абдулҳамид. Тасаввуру тафсир ал-Қуръон. (Йили ва нашри кўрсатилмаган) –Б. 50.

Лекин Абу Убайда бундай луғавий тафсир ёзишга зарурат мавжудлигини чуқур ҳис этган ҳолда муфасссир сифатида саҳобалар ўз она тиллари, яъни араб тилини яхши билишлари ва балоғат фанидан яхши хабардор бўлганлари сабабли Қуръон маънолари ҳақида сўрашга эҳтиёж бўлмаганини таъкидлайди. Аммо кейинги даврда Қуръон лафзларини қандай маънода тушунтиришга нисбатан эҳтиёж кучайди¹⁹⁶.

Абу Убайданинг “Мажоз ал-Қуръон” асаридан Абу Бакр Жассос ўз тафсирида фойдаланишдан ташқари сўзларнинг ясалиши (иштиқоқ) билан боғлиқ ўринларда иқтибослар келтиради. Бақара сурасининг 187¹⁹⁷ ва 196-ояти¹⁹⁸, Нисо сурасининг 3-¹⁹⁹ ва 12-ояти²⁰⁰ ва бошқа оятлари шарҳи шулар жумласидан.

3. Абу Исҳоқ Зажжож²⁰¹ “Маъони ал-Қуръон” асарида саҳоба, тобеин ва табаъа тобеинлардан ривоят қилинган тафсирлардан ўзи ихтиёр қилган нақлий тафсирни келтириш билан бирга наҳв (синтаксис) ва луғат (лексикалогик) масалаларига алоҳида эътибор қаратган. “Аҳком ал-Қуръон” асаридан шу нарса маълум бўлдики, Абу Бакр Жассос Зажжожнинг китоби билан яхши таниш бўлса-да, лекин ундан Фарро ва Абу Убайдаларнинг китобларига нисбатан қиёсанлаганда кўп фойдаланмаган. Эҳтимол, бунга Абу Бакр Жассос Абу Умар Зоҳиднинг шогирди эканлиги сабаб бўлгандир. Чунки, Абу Умар Зоҳид наҳв ва луғат илмида куфаликларнинг етук олимларидан бири бўлган Саълабнинг энг яқин шогирди бўлишдан ташқари,

¹⁹⁶ Абу Убайда. Мажоз ал-Қуръон. Ж.1. – Қоҳира: Мактаба ал-Хонжий (йили кўрсатилмаган). – Б. 7.

¹⁹⁷ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 278; Абу Убайда. Мажоз ал-Қуръон. Ж.1. – Қоҳира: Мактаба ал-Хонжий (йили кўрсатилмаган). – Б. 68.

¹⁹⁸ Абу Убайда. Мажоз ал-Қуръон. Ж.1. – Қоҳира: Мактаба ал-Хонжий (йили кўрсатилмаган). – Б. 69; Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 325.

¹⁹⁹ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 112; Абу Убайда. Мажоз ал-Қуръон. Ж.1. – Қоҳира: Мактаба ал-Хонжий (йили кўрсатилмаган). – Б. 118-119.

²⁰⁰ Абу Убайда. Мажоз ал-Қуръон. Ж.1. – Қоҳира: Мактаба ал-Хонжий (йили кўрсатилмаган). – Б. 117; Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 72.

²⁰¹ Иброҳим ибн Сиррийн ибн Саҳл Абу Исҳоқ Зажжож. Наҳв ва луғат олими. Бағдодда туғилиб, шу ерда вафот этган. Аббосийлар халифаси Мўътадиднинг вазири Убайдуллоҳ ибн Сулаймон ундан ўз ўғли Қосимга тарбиячи бўлишини сўраган ва у Қосимни отасининг ўрнига вазир бўлгунга қадар тарбиялаган. “Маъони ал-Қуръон”, “Ал-Иштиқоқ”, “Ал-Аъмоли”, “Ал-Мусаллас” ва бошқа асарлари бор. (Қаранг: Хайриддин Зириклий. Ал-аълам – Қомус тарожим ли ашхур ар-рижал ва ан-ниса мин ал-араб ва ал-мустаърибин ва ал-мустаҳрқин. Ж.1. – Байрут: Дор ал-илм ли ал-малайин, 1998. – Б. 40).

“Ғуламу Саълаб”, яъни Саълабнинг ғуломи, деган лақабга сазовор бўлган. Зажжож эса Басра нахв (араб тили грамматикаси) мактабининг вакили ҳисобланади. Бу мактаб вакиллари эса кўпинча куфалик олимларга эътирозлар билдириб келганлар. Шунинг учун Абу Бакр Жассос Зажжожнинг ушбу асаридан нисбатан камроқ фойдаланган.

Қандай бўлмасин, Абу Бакр Жассос ўзининг китобида Зажжожнинг баъзи оятлар шарҳига оид фикрларини нақл қилишдан ташқари, бошқа муфассирларга мансуб тафсирларни ривоят қилишда ҳам айни шу китобга таянган. Сўзимизнинг исботи учун Бақара сурасининг 189-²⁰² ҳамда 196-ояти²⁰³ шарҳларига қарашнинг ўзи кифоя қилади.

“Аҳком ал-Қуръон” тафсирига назар ташлаган киши турли ўринларда далил сифатида кўплаб ҳадислар келтирилганига гувоҳ бўлади. Муаллиф бу ҳадисларнинг катта қисмини ўзи устозларидан муттасил (узлуксиз) иснод (ҳадиснинг ровийларси силсиласи) билан ривоят қилган. Шунинг учун мусулмон тарихчи Заҳабий уни *“Ҳадис ва саёҳат соҳиби эди... у китобларида муттасил иснодли ҳадислар билан ҳужжат келтиради. Имомнинг асарлари унинг кўплаб ҳадисларни ёд билишини ва уларни яхши тушунишини кўрсатади”*, - деб таърифлаган²⁰⁴. “Аҳком ал-Қуръон”да ривоят қилинган ҳадисларнинг кўпчилигини устозлари – Абдулбоқий ибн Қониъ ва Муҳаммад ибн Бакр Басрийлардан ривоят қилган.

1. Аллома ҳадис бўйича устози Абдулбоқийнинг “Сунани Ибн Қониъ” номли асари мавжудлигини айтган²⁰⁵ ва ундан катта миқдорда исноди (ровийлар силсиласи) саҳиҳ ҳадисларни ривоят қилган. Иккинчи устози эса

²⁰² Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 308; Абу Исҳоқ Иброҳим Зажжож. Маъани ал-Қуръон ва иъробух. Ж.1. – Байрут: олам ал-кутуб, 1988. – Б. 259-260.

²⁰³ Абу Исҳоқ Иброҳим Зажжож. Маъани ал-Қуръон ва иъробух. Ж.1. – Байрут: олам ал-кутуб, 1988. – Б. 267; Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 325;

²⁰⁴ Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.16. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006. – Б. 340.

²⁰⁵ Жассос шундай дейди: “Шунингдек, Ибн Қониънинг сунанидан ҳам ўз исноди билан ривоят қилган бир ҳадисни эшитдик...”. Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 521.

Абу Довуд Сижистонийнинг²⁰⁶ “Сунан”идан ҳадислар ривоят қилишда восита бўлган. “Аҳком ал-Қуръон” асарининг бошида бу китоб билан яхши таниш эканини айтиб, шундай деган: “Абу Довуднинг “Сунан”идан эшитганларимиздан...”²⁰⁷. Буни эслатишдан ташқари, гўё тафсирида ҳадисларни, асосан, Абу Довуд Сижистонийнинг “Сунан”идан келтиришига ишора қилгандек. Бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади, чунки Аллома Кавсарий айтганидек, Абу Бакр Жассос мужтахид учун етарли ҳисобланган, яъни Абу Довуд ривоят қилган ҳадисларни, айниқса, унинг “Сунан” асаридаги ҳадисларни жуда яхши билар эди²⁰⁸.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда, Абу Довуднинг ва Ибн Қониънинг “Сунан” тўпламлари Абу Бакр Жассос фойдаланган энг асосий ҳадис манбалари бўлган, дейишимизга асос бўлади. Зеро, Абу Бакр Жассос тафсирида “Сунан” китобларининг ҳар биридан юзлаб иснодли ҳадислар ривоят қилинган. Бу китоблар фақат унинг устозлари орқали исноди билан ривоят қилган ҳадисларни жамлаган китоблардир. Бундан ташқари, Абу Бакр Жассос ўз тафсирида бошқа муҳаддислардан ҳам юзлаб ҳадисларни ривоят қилган.

Абу Бакр Жассос устозлари орқали ҳадисларни исноди билан ривоят қилгани диққатга сазовордир. Бундан ташқари, аллома яшаган давргача “сихоҳ”, “сунан” ва “муснад” услубидаги кўплаб ҳадис китоблари бўлган. Абу Бакр Жассос улардан хабардор бўлмаслиги мумкин эмас. Лекин тафсир китобида улардан камдан-кам ҳолатларда фойдаланган бўлиб, шунда ҳам

²⁰⁶ Сулаймон ибн Ашъас ибн Исҳоқ Аздий Сижистоний Абу Довуд (818 /202-889/275). Ўз давридаги ҳадис аҳлининг имоми, олтита энг ишончли ҳадис тўпламларидан бири “Ас-Сунан” китобининг эгаси. Унда 500 минг ҳадис ичидан саралаб олинган 4800 та ҳадисни жамлаган. Шунингдек, унинг “Ал-Маросил” , “Китоб аз-зуҳд” ва “Ал-Баъс” асарлари ҳам бор. (Қаранг: Шамсуддин Заҳабий. Тазкира ал-хуффаъ. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2007. – Б. 152; Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.9. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2011. – Б. 55; Хайриддин Зириклий. Ал-аълам – Қомус тарожим ли ашхур ар-рижал ва ан-ниса мин ал-араб ва ал-мустаърибин ва ал-мустаҳркин. Ж.2. – Байрут: Дор ал-илм ли ал-малайин, 1998. – Б. 122.

²⁰⁷ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 7.

²⁰⁸ Қаранг: Шайх Муҳаммад Зоҳид Кавсарий. Хусн ат-тақозий фи сийрат Аби Юсуф ал-Қозий. – Қоҳира: Ал-мактаба ал-азҳария. –Б. 91.

номлари ёки муаллифларини зикр қилмасдан ҳадиснинг биринчи ровийси ва матнини келтириш билан кифояланган.

2. Абу Бакр Жассос номини очик келтирган ҳадис китобларидан бири – Имом Моликнинг “Муватто” китобидир. “Муватто” асари муаллифининг мужтаҳид ва мазҳаб асосчиси эканлиги сабабли фикҳий манба ҳам ҳисобланади. Шу боис Абу Бакр Жассос ихтилофли фикҳий масалалар ҳақида баҳс юритаётганда Моликнинг²⁰⁹ ҳукм ва фикрларини келтирган. Баъзи ҳолатларда: “Имом Молик “Муватто”да шундай дейди”²¹⁰, деб сўз бошласа, гоҳида эса ҳадис ривоятидан кейин: “Уни Молик ривоят қилган”²¹¹, деб сўзини якунлайди. Шунингдек, Абу Бакр Жассос тафсирида ҳеч кимга нисбат бермасдан ривоят қилган кўпчилик ҳадислар таҳриж қилинганда (манбаси аниқланганда) бу ҳадислар “Муватто”да ривоят этилганлиги маълум бўлади.

Абу Бакр Жассос яна қуйидаги муҳаддисларнинг номини ўз асарида тилга олади:

1. Абу Бакр ибн Абу Шайба²¹². “Аҳком ал-Қуръон” тафсирида унинг ривоятларини келтиришдан олдин: “Абу Бакр ибн Абу Шайба ривоят қилади”, - деб гап бошлайди²¹³.

2. Абдурраззоқ Санъоний: ундан келтирилган баъзи ривоятларни Санъонийга тегишли эканини айтиб ўтган²¹⁴.

²⁰⁹ Молик ибн Анас ибн Молик Асбаҳий Хумайрий (712/93-796/179): Мадина имоми, аҳли суннанинг тўрт имомидан бири. Мадинада туғилган ва шу ерда вафот этган. “Муватто”, “Ваъз”, “Тафсир Ғариб ал-Қуръон” ва башка асарлар муаллифи. (Қаранг: Хайриддин Зириклий. Ал-аълам – Қомус тарожим ли ашҳур ар-рижал ва ан-ниса мин ал-араб ва ал-мустаърибин ва ал-мустаҳрқин. Ж.5. – Байрут: Дор ал-илм ли ал-малайин, 1998. – Б. 257).

²¹⁰ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 212, 227.

²¹¹ Ўша манба. Ж.1. – Б. 502, 626.

²¹² Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абу Шайба Куфий (776/159-850/235) ҳофиз, машҳур муҳаддислардан, унинг ҳадисга оид “Ал-Муснад”, “Ал-Мусаннаф фил-аҳадис вал-асар”, “Ал-Иймон” ва “Китоб аз-закоат” китоблари мавжуд (Қаранг: Хайриддин Зириклий. Ал-аълам – Қомус тарожим ли ашҳур ар-рижал ва ан-ниса мин ал-араб ва ал-мустаърибин ва ал-мустаҳрқин. Ж.4. – Байрут: Дор ал-илм ли ал-малайин, 1998. – Б. 117,118; Шамсуддин Заҳабий. Тазкира ал-хуффаъ. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2007. – Б. 18).

²¹³ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 173; Ўша манба. Ж.2. – Б. 273.

²¹⁴ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Б. 507; Ўша манба. Ж.2. – Б. 291.

3. Имом Абу Жаъфар Таҳовий: Абу Бакр Жассос китобида кўпинча Таҳовийга асосан фикҳий масалаларда мурожаат қилган бўлса-да, гоҳида “Таҳовий ривоят қиладики,...”, деб ундан ҳадис ҳам ривоят қилган²¹⁵.

Шу ўринда Абу Бакр Жассоснинг ишончли ҳадис тўпламларидан ҳам хабардор бўлганини таъкидлаб ўтиш лозим. Маълумки, бу ҳадис китоблари Абу Бакр Жассос дунёга келмасидан олдин ёзилган. Юқорида алломанинг Абу Довуднинг “Сунан”идан фойдалангани ҳақида маълумот берилди.

“Ахком ал-Қуръон” тафсирида исноди зикр қилинмаган ҳамда бирон-бир муҳаддисга тегишли эканлиги кўрсатилмаган жуда кўп ҳадисларни учратиш мумкин. Таҳриж қилинганда (манбаси аниқланганда) уларнинг манбаси ва ким ривоят қилганлиги маълум бўладики, ана шу ривоятларнинг кўпи аслида, “Сихоҳи ситта”дан олинганини тасдиқлайди.

Масалан, Бақара сурасининг 187-ояти шарҳида бир иснодсиз ва ҳеч кимга нисбат берилмаган ҳадис келтирилган²¹⁶. Ушбу ҳадис Имом Бухорийнинг “ал-Жомийъ ас-Саҳиҳ” асарининг “Жумъа” бобида 813-рақами остида келтирилади²¹⁷. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Шулардан ҳам маълумки, Абу Бакр Жассос “Сихоҳи Ситта”ни четлаб ўтмаган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозим, Абу Бакр Жассос давригача катта луғат китоблари (мўъжамлар) ҳали ёзилмаган эди. Шунинг учун луғатга доир масалаларда ҳам Абу Бакр Жассос ўз устозларига таянган. Айнан луғат борасида унинг Абу Али Форисий ва Абу Умар Ғулом Саълаблардан ривоятлар келтириши, айни вақтда, катта устозларининг номини тилга олганини англатади. Тафсир муқаддимасида Абу Али Форисийдан Мубарриднинг²¹⁸ баъзи сўзларини ривоят қилган. Устози Абу Умар Ғулом

²¹⁵ Ўша манба. Ж.1. – Б. 172.

²¹⁶ Ўша манба. Ж.1. – Б. 295.

²¹⁷ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад инб Исмоил Бухорий. Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ. – Дамашқ: Дор ал-файҳо, 1999. – Б. 132.

²¹⁸ Муҳаммад ибн Язид ибн Абдул Акбар (826/210-899/286) Бағдодда ўз замонасининг араб тили бўйича катта олими бўлган.

Саълабдан эса Қуръони каримдаги баъзи лафзларнинг луғавий маъноларини баён қилиш ёки бирор грамматик қонидани кўрсатишда ривоятлар келтирган²¹⁹. Яна бошқа ўринларда унинг воситасида бошқа луғат олимларининг сўзларини ривоят қилган²²⁰.

Шунингдек, Абу Бакр Жассос луғат борасида ўша давргача яратилган луғатга оид тафсир китобларидан ҳам унумли фойдаланганини юқорида айтиб ўтдик. Масалан, Фарронинг “Маъони ал-Қуръон” асари, Абу Убайда Муъмар ибн Мусаннонинг “Мажоз ал-Қуръон” асари ва Зажжожнинг “Маъони ал-Қуръон ва иърабуҳу” асари ва бошқалар шундай асарлар жумласига киради.

“Аҳком ал-Қуръон” тафсирида тилга олинган машҳур луғатшунос олимлардан бири Сибавайҳнинг шогирди Қуртубдир²²¹. Қуръон лафзларининг луғавий маъноси борасида ундан маълумотлар нақл қилган²²². Яна Асмаъий²²³, Кисой²²⁴, Ибн Қутайбаларнинг²²⁵ сўзларини ҳам нақл қилган.

“Аҳком ал-Қуръон” асари, асосан, ҳукмларга оид оятлар шарҳига бағишлангани боис бу китобни таълиф қилишда фикҳ ва усул китоблари, айниқса, ҳанафий мазҳаби китобларидан фойдаланмаслигини тасаввур қилиб бўлмайди.

²¹⁹ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 27; Ўша манба. Ж.2. – Б. 449.

²²⁰ Ўша манба. Ж.1. – Б. 641; Ўша манба. Ж.2. – Б. 345, 487, 560; Ўша манба. Ж.3. – Б. 38, 212, 319

²²¹ Абу Али Муҳаммад ибн Мустанир ибн Аҳмад (ваф. 822/206) – таниқли наҳв олими, басралик. “Маъони ал-Қуръон”, “Ан-Наводир”, “Ғариб ал-ҳадис” каби асарлари бор. (Қаранг: Хайриддин Зириклий. Ал-аълам – Қомус тарожим ли ашҳур ар-рижал ва ан-ниса мин ал-араб ва ал-мустаърибин ва ал-мустаҳрқин. Ж.7. – Байрут: Дор ал-илм ли ал-малайин, 1998. – Б. 95).

²²² Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 70.

²²³ Абдулмалик ибн Қурайб ибн Али ибн Асмаъ Боҳий (740/122-832/216) тилшунос, шеър ва шаҳарлар бўйича катта олимлардан бири. Басрада туғилиб, шу ерда вафот этган. “Хулукул-инсон”, “Ал-Ибл”, Ал-Фарқ” ва бошқа асарлари бор.

²²⁴ Али ибн Ҳамза Кисой (ваф. 805/189) – луғат, наҳв ва қироат илмлари бўйича қуфалик машҳур олим. Асарлари: “Маъони ал-Қуръон”, “Ал-Қироат”, “Ан-Наводир”, “Мухтасар фин-наҳв”, “Ал-Муташабиҳ фил-Қуръон” ва бошқалар.

²²⁵ Абдуллоҳ ибн Муслим ибн Қутайба (829/213-890/276) Бағдодда туғилган ва Куфада яшаган. Бағдодда вафот этган. Асарлари: “Таъвил мухталаф ал-ҳадис”, “Адаб ал-катиб”, “Ал-Маъориф”, “Уюн ал-ахбор” ва бошқалар.

Олдинги бобларда қайд этилганидек, муфассир ўзидан олдинги ҳанафий мазҳаби ҳукмлари асосида ёзилган мўътабар китоблардан яхши хабардор бўлган ва уларнинг баъзиларига шарҳ, мухтасар ва таълиқот (изоҳ)лар ёзиб қолдирган. Ушбу тафсир китоби эса муаллиф умрининг охирида ёзилган. Демак, унинг олдинги асарлари уни бу тафсирини ёзишда муҳим манба вазифасини ўтаган.

Аммо Абу Бакр Жассос бошқа фикҳ ва усул китобларидан фойдаланганми, йўқми, бунини аниқлаш анча мушкул. Бунга сабаб шуки, Абу Бакр Жассос тафсирида фойдаланган манбаларини кўпинча қайд этмаган. Ўз мазҳаби фақиҳлари, Шофеъий, Моликий ва бошқа мазҳабларидаги мужтаҳид фақиҳларнинг амалдан қолган сўзлари ва фикрларини келтиради, лекин камдан-кам ҳолларда уларнинг манбаларини тилга олади.

Қуйида “Аҳком ал-Қуръон”да тилга олинган фикҳ ва усул манбаларини келтирамиз. Улар ичида нафақат ҳанафий мазҳабига оид китоблар, шу билан бир қаторда, бошқа мазҳаблар уламоларининг асарларидан ҳам фойдаланилганини кўриш мумкин.

1. Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “Ас-сияр ал-кабир” китоби²²⁶.

2. Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “Аз-зиёдот” китоби²²⁷.

3. Имом Абу Юсуфнинг “Ал-Амали фил-фикҳ” асари²²⁸.

4. Имом Абу Юсуфнинг “Ан-Наводир” китоби²²⁹.

5. Имом Шофийнинг “Ар-Рисола” китоби²³⁰.

6. Бувайтийнинг²³¹ “Ал-Мухтасар” асари²³².

²²⁶ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 318; Ўша манба. Ж.2. – Б. 310, 359.

²²⁷ Ўша манба. – Б. 46, 394.

²²⁸ Ўша манба. – Б. 387, 511.

²²⁹ Ўша манба. Ж.1. – Б. 64; Ўша манба. Ж.2. – Б. 359.

²³⁰ Ўша манба. – Б. 203, 448, 449.

²³¹ Абу Яъқуб Юсуф ибн Яҳё Бувайтий (ваф. 846/231). Имом Шофийнинг дўсти ва шогирди. Имом Шофий вафотидан сўнг унинг ўрнига дарс ва фатво берган. (Қаранг: Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.14. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2011. – Б. 299; Хайридин

7. Музанийнинг²³³ “Ал-Мухтасар” асари²³⁴.

8. Исо ибн Абан Ҳанафийнинг²³⁵ асарлари²³⁶.

“Аҳком ал-Қуръон” тафсирида шарҳланаётган оят билан боғлиқ муайян тарихий воқеа-ҳодиса келтириб ўтилганини кўрамиз. Бунда арабий манбалар билан бир қаторда, бошқа тиллардан таржима қилинган манбалар ҳам учрайди. Айниқса, ислом тарихига алоҳида эътибор қаратилиб, Пайғамбар (с.а.в.) сийрати ва саҳобалар ҳаёти билан боғлиқ кўп ҳодисалар келтирилган. Бундай воқеани баён этишдан олдин “Сийрат аҳли нақл қиладики...” ёки “Сийрат аҳли ва ғазотлар тарихини ривоят қилувчиларнинг айтишича...”²³⁷ каби жумлаларни учратамизки, бу муфассирнинг тарих китоблари, хусусан, сийрат китобларидан яхши хабардор эканини англатади.

Абу Бакр Жассос сийрат бўйича Муҳаммад ибн Исҳоқнинг²³⁸ “Ас-сийра ан-набавия” китоби ва Воқидийнинг²³⁹ “Ал-мағози ан-набавия” китобларига мурожаат қилганидан дарак беради. Мазкур тафсирдаги сийрат аҳлига тегишли маълумотлар ўрганиб чиқилганда уларнинг кўпчилиги Ибн

Зириклий. Ал-аълам – Қомус тарожим ли ашхур ар-рижал ва ан-ниса мин ал-араб ва ал-мустаърибин ва ал-мустаҳрқин. Ж.8. – Байрут: Дор ал-илм ли ал-малайин, 1998. – Б. 207).

²³² Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 220,225; Ўша манба. Ж.3. – Б. 53.

²³³ Абу Иброҳим Исмоил ибн Яҳё ибн Исмоил Музаний (792/175-878/264) – Имом Шофийнинг дўсти, мисрлик. Мужтаҳид олим, зоҳид. Асарлари: “Ал-Жомий ал-кабир”, “Ал-Жомий ас-сағир”, “Ал-Мухтасар”, “Ат-Тарғиб фи талаб ал-илм”. (Қаранг: Ибн Халликон. Вафаят ал-аъян. Ж.1. – Байрут: Дор содир, 1972. – Б. 71).

²³⁴ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 283, 287, 288, 296; Ўша манба. Ж.3. – Б. 52,53.

²³⁵ Абу Мусо Исо ибн Абан ибн Садақа (ваф. 836/221). Ҳанафий фақиҳларининг улуғларидан. Басрада ўн йил қозилик қилган ва ўша ерда вафот этган. Усул ва фикҳга оид асарлари мавжуд: “Ал-хужаж ас-сағир”, “Исбат ал-қиёс”, “Ижтиҳод ар-раъй”, “Ал-жомий фи-л-фикҳ”. (Қаранг: Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаъ дор ас-саъода, 1906. – Б. 151).

²³⁶ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.3. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 32,33.

²³⁷ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 540; Ўша манба. Ж.2. – Б. 124, 173, 559.

²³⁸ Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Ясор Маданий (700/80-768/151). Ҳадис ҳофизларидан, илк араб тарихчиларидан. Мадина шаҳрида туғилган. Бор иқтидорини Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётларига боғлиқ хабар ва қиссаларни йиғишга сарфлаган. (Қаранг: Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. Ж.7. – Байрут: Муассасату-р-рисола, 1992. – Б. 31, 32).

²³⁹ Муҳаммад ибн Умар ибн Воқид Саҳмий Абу Абдуллоҳ Воқидий (748/130-823/207). Машҳур мусулмон тарихчиларидан бири, ҳадис ҳофизи. Мадина шаҳрида туғилган ва эллик ёшида Ироққа кўчган. Асарлари: “Футуҳ аш-Шом”, “Ал-Мағози ан-набавия”, “Фатҳу Ифрийя”, “Фатҳу Миср вал-Искандарийя”, “Тарих ал-фуқаҳо”, “Китабас-Сиффин”, “Ал-Жамал” ва бошқалар. (Қаранг: Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.3. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2011. – Б. 3-21, Шамсуддин Заҳабий. Тазкира ал-хуффаъ. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2007. – Б. 317).

Исҳоқнинг “Ас-Сийра ан-набавия” китобидан олингани маълум бўлади²⁴⁰. Маълумки, бу асар “Сийрати Ибн Ҳишом” номи билан танилган, чунки Ибн Ҳишом²⁴¹ бу сийрат китобини таҳрир қилиб, унга тузатишлар киритган, кераксиз жойларини олиб ташлаб, тартибга келтирган, шеърларни камайтирган ҳамда англаб олиш қийин бўлган шеърларини шарҳлаган. Шунингдек, Ибн Исҳоқ ўз ҳолича иловасиз келтирган Қуръон лафзларини шарҳлаган. Натижада, асар ҳозир биз фойдаланадиган қулай ҳолатга келтирилган. Шунинг учун бу китоб асли Муҳаммад ибн Исҳоққа тегишли бўлса-да, Ибн Ҳишомга нисбат берилган.

Абу Бакр Жассос ўз тафсирини ёзишда кўп манбалардан фойдалангани, аввало, олимнинг илмий салоҳияти, қолаверса, у яратган асар “Аҳком ал-Қуръон” асарининг қиммати юксак даражада эканини кўрсатади.

§ 2.3. “Аҳком ал-Қуръон” асарининг ўзига хос хусусиятлари

Абу Бакр Жассоснинг “Аҳком ал-Қуръон” асари номидан ҳам маълумки, унда ҳукмга оид оятлар, уларнинг оид далиллари келтирилиб, улардан олинадиган ҳукм ва хулосалар ўрганилган, яъни бу китоб Қуръони каримнинг фикҳга доир ҳукмларига бағишланган ўзига хос тафсири ҳисобланади. “Ат-Тафсир ва-л-муфасссирун” асари муаллифи таърифлаганидек, ушбу асар “фикҳий тафсир китоблари ичида ўз ўрнига эга бўлиб, ҳанафий мазҳаби асосида ёзилгани билан эътиборга молик ва унда ҳанафий мазҳаби йўл-йўриқлари ва кўрсатмаларини асослаш муҳим ўрин тутади”²⁴².

²⁴⁰ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 544; Ўша манба. Ж.2. – Б. 124, 330.

²⁴¹ Абдулмалик ибн Ҳишом ибн Айюб Ҳумайрий (ваф. 829/213 ёки 834/218). Тарихчи, насаблар, луғат ва араб қиссалари бўйича йирик олим бўлган. Басрада туғилиб, ўша ерда катта бўлган ва Мисрда вафот этган. Машҳур асарлари: “Ас-сийра ан-набавия” уни Ибн Исҳоқдан ривоят қилган, “Ал-қасоид ал-ҳумайрия”, “Шарҳу ма вақаъа фи-ашъар ас-сияр минал-ғариб” ва бошқалар. (Қаранг: Хайриддин Зириклий. Ал-аълам – Қомус тарожим ли ашҳур ар-рижал ва ан-ниса мин ал-араб ва ал-мустаърибин ва ал-мустаҳрқин. Ж.4. – Байрут: Дор ал-илм ли ал-малайин, 1998. – Б. 166).

²⁴² Доктор Муҳаммад Ҳусайн Заҳабий. Ат-тафсир ва ал-муфасссирун. Ж.2. – Қоҳира: Ованд донеш, 2005. – Б. 438-439.

Шунингдек, бу асар ҳанафий мазҳабида ёзилган учинчи китоб ҳисобланади. Ушбу тафсирдан олдин Али ибн Мусо Қуммий (ваф. 918/305)²⁴³ ҳамда имом Абу Жаъфар Таҳовийлар ҳам “Аҳком ал-Қуръон” номли асар ёзганлар.

“Аҳком ал-Қуръон” асарининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, ҳукмга оид оятларни шарҳлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳукмга доир оятларни шарҳлаш Қуръондаги суралар тартиби билан амалга оширилган. Ҳар бир ҳукмга оид оятдан ҳукм ва далиллар олиниб, уларга бошқа оятлар, ҳадислар, саҳоба ва тобеинларнинг сўзлари ҳамда фикҳ, луғат ва араб классик шеърятидан далил сифатида фойдаланилган.

Шундан биламизки, “Аҳком ал-Қуръон” асари фақат фикҳга оид китоб ҳисобланмайди. Аммо унинг ёзилишидан мақсад фикҳга оид оятларни шарҳлаш ва улардан олинадиган фикҳга оид ҳукмларни аниқлашдан иборат бўлган. Шунинг учун ҳам фикҳий ҳукмларга алоқадор оятлар ўрин олган суралар ҳақида кўп маълумотлар келтирилган. Шунга қарамасдан муфассир фақат фикҳга оид оятларни тафсир қилиб, ундан бошқа оятларни четлаб ўтмаган. Чунки Абу Бакр Жассос ақидага тегишли оятларга келганда шу оятга дахлдор ақидавий масалаларга алоҳида тўхталиб, бошқа дин, нотўғри оқимлар ҳамда бузуқ эътиқодларга раддиялар бериб ўтган²⁴⁴.

Шунингдек, муаллиф қироат, луғат, шеър, ҳадис, жарҳ ва таъдил (ровийларнинг ишончлилигини аниқлаш), носих ва мансук, асбаб ан-нузул, тарих ва шу каби бошқа фанларга оид маълумотларни ҳам ўз ўрнида келтириб ўтиши бу асарнинг фақат фикҳга оид масалалар шарҳи билан

²⁴³ Али ибн Мусо ибн Яздад Қуммий: ўз даврида ҳанафий мазҳаби имоми бўлган, унинг ҳам “Аҳком ал-Қуръон” асари бор. Шунингдек, шофий мазҳаби радия қилиб бир қанча китоблар ёзган (Қаранг: Хайриддин Зириклий. Ал-аълам – Қомус тарожим ли ашҳур ар-рижал ва ан-ниса мин ал-араб ва ал-мустаърибин ва ал-мустаҳрқин. Ж.5. – Байрут: Дор ал-илм ли ал-малайин, 1998. – Б. 26; Абу Исҳок Шерозий. Тобакот ал-фуқаҳо. – Байрут: Дор –ар-роид ал-арабий, 1981. – Б. 141).

²⁴⁴ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 124-128.

чекланиб қолмаганини кўрсатади. Шундай бўлса-да, “Аҳком ал-Қуръон” асарининг асл мазмуни фикҳий масалаларга бағишланган.

“Аҳком ал-Қуръон” асари билан танишганда ҳукмга оид оятларга бағишланган тафсир деган фикрдан узоқлашиб, кенг қамровли тафсир китоби деган фикрга келиш мумкин. Ҳар бир сурани тафсир қилишда оятларнинг кетма-кетлиги сақланиб, уларнинг маъно-моҳияти ва ҳукмий далил бўлишига аҳамият берилиши бу тафсир асарининг қимматани оширади.

Иккинчидан, Абу Бакр Жассос имкони борича, ўз тафсирида илгариги китоблардаги ҳукмларга оид қуйидаги фикрларни жамлаш ва мувофиқлаштиришга ҳаракат қилган:

- салафларнинг оятни тафсир қилиш борисида айтган турли сўзлари;²⁴⁵

- оятнинг нозил бўлиш сабабини кўрсатувчи бир нечта сабаб;²⁴⁶

- Қуръон матнларидан эҳтимол қилинадиган турли маънолар.²⁴⁷

Муфассир зарур бўлган ҳолатлардагина, яъни ҳеч бир жиҳатдан жамлаш иложи бўлмаган пайтларда таржиҳ, яъни бирини бошқасидан устун қўйганига гувоҳ бўламиз, бу тафсирнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Зеро, усул ва бошқа соҳа уламолари наздида ихтилофли фикр, масала ва бошқаларни жамлаб, мувофиқлаштириш биридан бошқасини устун қилиб, таржиҳ этишдан афзалдир. Чунки таржиҳ илмий қимматга эга фикр ва сўзларни инкор қилиб, нотўғрига чиқаради.

Учинчидан, шаръий истилоҳларнинг таърифини баён қилиш ҳам асарнинг ўзига хос жиҳатларидан бири саналади. Муаллиф турли фикҳга оид ҳукмлар ҳақида баҳс юритар экан, шариат атамаларига дуч келганда уларга алоҳида таъриф бериб ўтганлиги ҳам эътиборга молик. Муфассир, биринчи навбатда, атаманинг луғавий маъносига аҳамият бериб, ундан сўнг истилоҳий, яъни атама сифатидаги маъносини келтиришни маъқул кўради.

²⁴⁵ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Б. 79, 80, 84.

²⁴⁶ Қаранг: Ўша манба. – Б. 116; Ўша манба. Ж.2. – Б. 605.

²⁴⁷ Қаранг: Ўша манба. Ж.1. – Б. 436, 441.

Масалан, рўза оятини шарҳлаш²⁴⁸ келганда, рўза (صوم) сўзининг луғавий маъноси “тийилиш”, “тўхташ” эканлиги ҳамда шариатда рўза кунда қурбат ёки фарз ниятида ейиш, ичиш ва шу маънодаги амаллар, жимоъдан сақланиш эканига алоҳида эътибор беради.²⁴⁹ Шунингдек, эътикоф²⁵⁰, ҳадй (қурбонлик)²⁵¹, майта (ўлимтик)²⁵², жанобат²⁵³, ҳаж²⁵⁴, қасос²⁵⁵, фидя²⁵⁶, дайн²⁵⁷, етим²⁵⁸, фарз²⁵⁹, вожиб²⁶⁰ ва бошқа жуда кўп шаръий истилоҳлар таърифини келтириши бу асар кенг қамровли эканини исботлайди.

Тўртинчидан, муаллиф Ислом маданияти ва юксак инсоний қадриятларни очиб беришга алоҳида эътибор қаратган. Абу Бакр Жассоснинг тафсири Қуръони Каримдаги шариатга оид ҳукмларни шарҳлашдан иборат бўлибгина қолмай, балки ислом маданияти, юксак инсоний ахлоқ-одоб фазилатлари ва ижтимоий адолат моҳиятини тушунтиришга эътибор қаратилган. Масалан, “Бақара” сурасининг 124-оятини шарҳлашда оятнинг нозил бўлиши билан боғлиқ ривоятлар келтирилгач, “Бадан ва кийимнинг тозалигига қизиқтириш” деган алоҳида мавзуда ўнта хислатга амал қилиб юриш зарурлиги, бу ишларни ҳар қандай ақл эгаси яхши санаши, ахлоқ-одобда мақталиши келтирилади²⁶¹. “Аҳком ал-Қуръон” асарини ўқиётган киши бундан минг йилдан кўпроқ вақт олдин Абу Бакр Жассос кийим ва бадан билан боғлиқ тозалик ишларига алоҳида эътибор бериб, шунга доир ҳадисларни китобида келтирганлигининг гувоҳи бўлади.

²⁴⁸ Бақара сураси 183-оят.

²⁴⁹ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 211, 212, 231, 232.

²⁵⁰ Қаранг: Ўша манба. – Б. 294.

²⁵¹ Қаранг: Ўша манба. – Б. 329.

²⁵² Қаранг: Ўша манба. – Б. 130.

²⁵³ Қаранг: Ўша манба. Ж.2. – Б. 457.

²⁵⁴ Қаранг: Ўша манба. Ж.1. – Б. 117.

²⁵⁵ Қаранг: Ўша манба. – Б. 162.

²⁵⁶ Қаранг: Ўша манба. – Б. 221.

²⁵⁷ Қаранг: Ўша манба. – Б. 316.

²⁵⁸ Қаранг: Ўша манба. – Б. 399.

²⁵⁹ Қаранг: Ўша манба. – Б. 526.

²⁶⁰ Қаранг: Ўша манба. Ж.2. – Б. 89,90.

²⁶¹ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Б. 80,81.

Жассос “Моида” сурасининг 8-оятини тафсир қилар экан, ислом динида инсонларга бирдай адолат қилиниши ҳақида сўз юритади²⁶².

Чуқур инсоний қиёфалар:

- агар бир киши бошқа бир кишининг ҳаёти хавф остида қолган бўлса, унга ёрдам бериши зарур эканлиги. Масалан, овқати бор киши очликдан ўлаётган кишига овқат бериши, сузишни биладиган киши чўкаётган кишини қутқариши шарт²⁶³;

- урушда аёллар, болалар ҳамда ибодатхона соҳибларини ўлдирмаслик²⁶⁴;

- бир жамоа одамлар биргаликда бир кишини ўлдирса, уларнинг ҳар бири қотил ҳисобланиб, барчаси ўлдирилиши²⁶⁵;

- мусулмон кишининг товони қандай бўлса, бошқа дин вакилининг товони ҳам шунча бўлиши²⁶⁶.

Абу Бакр Жассос тафсирининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – гоҳида тўхтаб, айтиб ўтилган ҳукм ва маъноларни умумлаштириб, ўз ўрнида хулоса чиқаришидир. Масалан, таҳорат ояти²⁶⁷ шарҳланганда саксон саҳифага яқин шарҳ бергач, уларни умумлаштирган ва тўрт саҳифа хулоса берган²⁶⁸.

Бешинчидан, Абу Бакр Жассос тафсирининг хусусиятларидан яна бири тарихий воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириб ўтганлигидир. Зеро, ўтган умматлар ва уларнинг динлари тарихи, Муҳаммад (с.а.в.) ва у зотнинг ҳаётига алоқадор ҳодисалар, шунингдек, илк ислом даврларида юз берган оламшумул воқеалар ва ўзгаришлар ҳам ўз ўрнида келтириб ўтилган.

²⁶² Қаранг: Ўша манба. Ж.2. – Б. 497.

²⁶³ Қаранг: Ўша манба. Ж.1. – Б. 191.

²⁶⁴ Қаранг: Ўша манба. – Б. 312.

²⁶⁵ Қаранг: Ўша манба. – Б. 178.

²⁶⁶ Қаранг: Ўша манба. Ж.2. – Б. 298.

²⁶⁷ Моида сурасининг 6-ояти.

²⁶⁸ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 491-496.

Масалан, Бақара сурасининг 102-ояти шарҳида бобилликлар ва уларнинг сеҳр билан боғлиқ ботил эътиқодлари тарихи тўғрисида қисқача тўхталиб ўтилади²⁶⁹, шунингдек, Моида сураси 5-оятининг аввалини шарҳлаб, мажусийлик ва собийийлик динлари тарихига муносабат билдириб ўтилган²⁷⁰.

Имомнинг тарихни билганлиги сабабли баъзилардан ривоят қилинган тарихий ҳақиқатга тўғри келмайдиган ҳолатни танқид қилганлигига ҳам гувоҳ бўлишимиз мумкин²⁷¹.

Абу Бакр Жассос тафсирининг бир нечта ўринларида илк ислом тарихига оид воқеа-ҳодисаларнинг келтириб ўтилиши унинг ислом тарихига эътибори кучли бўлганлигини кўрсатади, ҳатто баъзи ўринларда тарих китобларидан, айниқса, Пайғамбар (с.а.в.) сийрат ва ғазотларидан хабардор эканлиги яққол кўзга ташланади²⁷².

Абу Бакр Жассоснинг “Аҳком ал-Қуръон” асарини тадқиқ этиб, муаллиф тафсир қилиш усулининг асосий хусусиятлари қуйидагилар деб хулоса қилиш мумкин:

1. Қуръонни Қуръон билан тафсир қилиш.
2. Нақлий (оят, ҳадис ва ривоятларга асосланган) тафсир билан ақлий (ижтиҳодга асосланган) тафсир орасини жамлаш.
3. Муҳим ақидавий масалаларни муҳокама қилиш.
4. Усули фикҳ ва Қуръон илмларининг кўп мавзуларига тўхталиб ўтиш.

Маълумки, Қуръони каримда бир масала ёки ҳодиса ҳақида бирон ўринда қисқача баён берилса, бир ўринда унга кенгроқ ва батафсил тўхталиш мумкин ёки бир оятда келган ҳукм бошқа оятда насх қилиниши мумкин. Бундай ҳолатлар жуда кўп учрайди. Шунинг учун Қуръони каримни тафсир қилаётган муфассир, дастлаб, Қуръонни пухта билиши ҳамда бир

²⁶⁹ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Б. 52,53.

²⁷⁰ Қаранг: Ўша манба. Ж.2. – Б. 412, 413.

²⁷¹ Қаранг: Ўша манба. Ж.1. – Б. 83.

²⁷² Қаранг: Ўша манба. – Б. 540; Ўша манба. Ж.2. – Б. 124, 173, 559.

мавзудаги оятларни тўплаб, уларни бир-бирига солиштириб, оятнинг мазмунини тушунишда мужмаллик бўлмаслиги лозим. Шундай қилинганда Аллоҳнинг муродини Аллоҳдан келган нарса билан тушунган бўлади ва бу Қуръонни Қуръон билан тафсир қилиш деб аталади. Ҳар бир муфассир бу тафсир усулидан бошқасига ўтиб кетишга ҳаққи йўқ, чунки сўз эгаси ўз сўзининг маъносини энг яхши билади²⁷³.

Бундай тафсир усулини энг биринчи Пайғамбаримиз ўзлари қўллаганлар. У киши ўзига нозил бўлган оятларни тушуна олмаган саҳобаларига бошқа оятлар билан шарҳлаб берар эди. Масалан, **“Иймон келтирган ва имонларини зулм билан кориштирмаганлар”**²⁷⁴ деган оят нозил бўлганда, саҳобалар: “Қайси биримиз зулм қилмаган?”, деб хафа бўлишди. Шунда Расулуллоҳ оятдаги зулм улар ўйлаган зулм эмаслигини, балки мазкур оятдаги зулм сўзи ширк маъносида келганини айтиб, сўзларини қуйидаги оят билан исботлаганлар: **“”Эй, ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирмагин! Чунки, ширк улкан зулмдир”**²⁷⁵.

Абу Бакр Жассос Қуръонни Қуръон билан тафсир қилишга алоҳида эътибор қаратиб, бир-бирига ўхшаш оятларни жамлаб, бир-бирига солиштиришга ҳаракат қилган: фикҳ ва ҳукмга оид оятларда ҳам ёки бошқа бир мазмунга алоқадор барча оятларни шарҳлашда шундай тафсир усулидан фойдаланилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Абу Бакр Жассоснинг Қуръонни Қуръон билан тафсир қилиш усулини иккига бўлишимиз мумкин:

1. Оятдаги сўз ёки жумланинг луғавий маъносига Қуръоннинг оятидан далил келтириш.

2. “Мавзуий тафсир”, яъни тафсир қилинаётган оят мавзусидаги яна бошқа оятларни келтириш.

²⁷³ Қаранг: Доктор Муҳаммад Хусайн Заҳабий. Ат-тафсир ва ал-муфассирун. Ж.2. – Қоҳира: Ованд донеш, 2005. – Б. 370.

²⁷⁴ Анъом сураси 82-оят.

²⁷⁵ Лукмон сураси 13-оят.

Абу Бакр Жассос тафсир қилаётган оятдаги лафзнинг луғавий маъносига Қуръоннинг ўзидан далил келтириш кўп учрайди. Масалан, Бақара сурасининг 234-оятини шарҳлашда, оятдаги “ятараббасна” (يَتَرَبَّصْنَ) лафзининг маъноси бир нарсани кутиш эканини келтириб, унга худди шу лафз шу маънода ишлатилган “Муъминун” сурасининг 30-ояти, “Тавба” сурасининг 98-ояти ва “Тур” сурасининг 30-оятлари далил қилиб келтирилган²⁷⁶. Шунингдек, “Бақара” сурасининг 236-оятидаги “ёки” маъносини англатувчи “ав” (أَوْ) зидловчи юкламаси баъзан “ва” маъносини ҳам англатиб келишини билдириб, унга “Инсон” сурасининг 24-ояти, “Нисо” сурасининг 43-ояти, “Соффот” сурасининг 147-ояти ҳамда “Анъом” сурасининг 146-ояти далил қилиб кўрсатилган ва бу оятларда ҳам ўша лафз “ёки” эмас, “ва” маъносида келганини тушунтиради.

Абу Бакр Жассос Қуръонни Қуръон билан тафсир қилишда кўп ўринларда мавзуий (мавзуларга ажратган ҳолда) тафсир қилган, яъни маълум бир мавзуга тегишли оятларни жамлаб тафсир қилган. Шу боисдан бир мавзу ёки атамага оид оятларни келтириш ўша мавзу ёки атамани тўлиқроқ ва яхшироқ тушунишга сабаб бўлган.

Маълумки, муфассир шарҳлаган оятга у оятдан олинадиган ҳукмлардан келиб чиқиб сарлавҳа қўйилган. Масалан, “Хавф намози боби”, “Илмни яширишдан қайтарилганлик боби”, “Ота-онага яхшилик боби”²⁷⁷, “Пайғамбарга итоат этиш лозимлиги боби”²⁷⁸, “Садақани миннат қилиш боби”²⁷⁹ ва бошқалар. Агар сарлавҳа қўйилган оятга ўхшаш бошқа оятлар бўлса, уларни ҳам шу ўринда келтириб, у оятларни ҳам қисқача шарҳлаб ўтган.

Масалан, “Бақара” сурасининг 159-оятида “Илмни яширишдан қайтарилганлик” номи остида алоҳида сарлавҳа берилиб, унда илмни

²⁷⁶ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 105.

²⁷⁷ Қаранг: Ўша манба. Ж.2. – Б. 232.

²⁷⁸ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. – Б. 267.

²⁷⁹ Қаранг: Ўша манба. Ж.1. – Б. 553.

яширишга доир оятлар – “Бақара” сурасининг 174-ояти ва “Оли Имрон” сурасининг 187-ояти келтирилган²⁸⁰. Шунингдек, қасос оятининг шарҳида “Қасддан ўлдирилган кишининг валийсига вожиб бўладиган нарсалар” номли сарлавҳа очилиб, унда қасосга тааллуқли оятлар – “Бақара” сурасининг 178-ояти ва 194-ояти, “Моида” сурасининг 45-ояти, “Исро” сурасининг 33-ояти ва “Наҳл” сурасининг 126-ояти келтирилган²⁸¹. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Бошқа бир жиҳатдан қаралса, Абу Бакр Жассос тутган тафсир усулида сарлавҳа қўйилмаган мавзули тафсирлар ҳам учрайди. Тафсир билан танишишда бундай ҳолатларни осонлик билан аниқлаб, уларнинг мавзусига қараб сарлавҳа қўйиш қийин бўлмайди.

Масалан, “Нисо” сурасининг 28-ояти шарҳида ҳеч қандай сарлавҳа қўйилмаган, аммо шу оят мазмуни ва уни шарҳлаш давомида келтирилган оятлар мазмунини ҳисобга олган ҳолда унга “Динда қийинчилик ва машаққатнинг йўқлиги” деб сарлавҳа қўйиш мумкин. Зеро, оят шарҳида берилган оятлар – “Аъроф” сурасининг 157-ояти, “Бақара” сурасининг 185-ояти ва “Оли Имрон” сурасининг 28-оятларининг барчаси айнан шу мавзуга оид эканини билиш қийинчилик туғдирмайди²⁸². Ҳудди шу суранинг 5-ояти шарҳида ҳам шундай ҳолат кўзга ташланади. Сарлавҳа қўйилмаган, аммо оят мазмуни ва унинг шарҳида келтирилган оятлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда унга “Мол-мулкни сақлашга буюрилганлик ва уни зое қилишдан қайтарилганлик” деб сарлавҳа қўйиш мумкин. Чунки оят шарҳида берилган – “Исро” сурасининг 26, 27 ва 29-оятлари, “Фурқон” сурасининг 67-ояти ва “Оли Имрон” сурасининг 159-оятлари ҳам айнан шу мавзуга оид бўлгани учун шундай хулоса чиқариш имконини беради²⁸³.

²⁸⁰ Қаранг: Ўша манба. – Б. 121,122.

²⁸¹ Қаранг: Ўша манба. – Б. 183.

²⁸² Қаранг: Ўша манба. Ж.2. – Б. 215.

²⁸³ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. – Б. 76.

Умуман айтганда, муфассир ўз асарида Қуръонни Қуръон билан тафсир қилишга алоҳида эътибор қаратиб, Қуръондаги бир-бирига ўхшаш оятларни бир ўринда жамлашдан ташқари, ҳоҳ фикҳга оид ҳукмларга оид оятлар бўлсин, ҳоҳ умумий тафсирга оид оятлар бўлсин, уларни бир-бирига солиштирган.

Тадқиқотчилар муфассирлардан Ибн Касирни²⁸⁴ Қуръонни Қуръон билан тафсир қилган муфассир деб ҳисоблаши кўпчиликка маълум. Бу фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда Абу Бакр Жассоснинг бу борада Ибн Касирдан қолишмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Агар Ибн Касирдан тўрт аср олдин яшаганини ҳисобга олсак, Абу Бакр Жассос Қуръони каримни тафсир қилишда бу усулни қўллаган илк муфассирлардан бири деган хулосага келиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, “Аҳком ал-Қуръон” асари Абу Бакр Жассоснинг шох асари саналиб, унда муаллифнинг дунёқараши, ақидаси, мазҳаби ва ахлоқ-одобга доир фикрлари ўз аксини топган. Шу боис ушбу боб тўлалигича мазкур асарнинг илмий таҳлилига бағишланган. Биринчи бўлимда асарнинг ҳанафийлик мазҳабида тутган ўрни кенг очиб берилди. Дарҳақиқат, “Аҳком ал-Қуръон” асарида ҳанафийлик мазҳабининг асосий таълимотлари ўрин олган бўлиб, ҳозирга қадар ушбу мазҳаб доирасида ардоқлаб келинади. Асарда Қуръон оятлари ҳанафийлик мазҳабига оид ҳужжатлар ва далиллар асосида ёритилиб, фикҳий қоидалар ва ҳукмлар олиш йўл-йўриқлари кўрсатилган. Шунингдек, асарда ҳанафийлик мазҳаби олимларининг фатволари ҳам кенг ўрин олган. Абу Бакр Жассос учинчи табақадаги мужтаҳидлардан саналгани боис айрим масалалар юзасидан ўз қарашларини ҳам илгари суради. Бу эса алломанинг ҳанафийлик мазҳабидаги

²⁸⁴ Абулфидо Исмоил ибн Умар ибн Касир Қураший (1301/701-1372/774) – ҳофиз, тарихчи, фақиҳ ва муфассир. Кўп асарлар ёзган катта олимлардан. Ҳаётлик чоғидаёқ унинг асарлари одамлар орасида кенг тарқалган. Асарлари: “ал-Бидая ва-н-нихая”, “Тафсир ал-Қуръон ал-азим”, “Шарҳ саҳи ал-Бухарий”, “Табақот ал-фуқаҳо аш-шофийийн”, “Ихтисор улум ал-ҳадис”, “Жамиъ ал-масанид” ва бошқалар (Қаранг: Хайриддин Зириклий. Ал-аълам – Қомус тарожим ли ашҳур ар-рижал ва ан-ниса мин ал-араб ва ал-мустаърибин ва ал-мустаҳқин. Ж.1. – Байрут: Дор ал-илм ли ал-малайин, 1998. – Б. 320).

нуфузи, шунингдек, “Аҳком ал-Қуръон” асарининг мазкур мазҳабдаги аҳамиятини кўрсатиб беради.

“Аҳком ал-Қуръон” асарининг манбалари тадқиқ қилинган. Абу Бакр Жассос шох асарини яратишда кўплаб тарихий ва мўътабар манбаларга таянган. Шу боис алломанинг “Аҳком ал-Қуръон” асари нафақат ҳанафийлик мазҳаби доирасида, балки бутун ислом оламида фикҳий оятлар тафсири борасидаги бирламчи манба сифатида катта шухрат қозонган. Муаллиф мазкур асарида ўз устозларининг ўғити ва асарлари, замонасидаги машҳур ва мўътабар асарлар, шунингдек, тафсир, ҳадис, луғат ва тарих каби бир қатор ишончли манбаларга таянган. Бу эса асарнинг қимматини янада оширади. Шу боис кейинги асрларда яшаган олимлар Абу Бакр Жассоснинг мазкур асарига тез-тез мурожаат қилишларига тўғри келган. “Аҳком ал-Қуръон” асари фикҳий оятлар тафсири борасида ёзилган асарлар учун ишончли ва мўътабар манба саналиб, шу мавзудаги кўплаб асарларга ўз таъсирини ўтказмай қолмаган.

Сўнгги бўлимда “Аҳком ал-Қуръон” асарининг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Абу Бакр Жассос ҳанафий мужтаҳидлар сирасидан бўлгани учун мустақил қарашларга эга бўлган ва бу “Аҳком ал-Қуръон” асарига ҳам таъсир ўтказган. Асарда Қуръон оятларини тафсир қилиш услуби ўзига хос бўлиб, муаллиф унда турли истилоҳлар таърифини ҳанафий мазҳаби нуқтаи назаридан шарҳлаб берган. Шунингдек, асарда ахлоқий масалалар, ақидавий қарашлар ва тарихий ҳодисалар ҳам ўрин олган. Аллома мазкур асарни ёзишда ўз замонасининг илм-фан ютуқларидан ҳам кенг фойдаланган. Хусусан, фалакиётга оид оятларни шарҳлашда астрономия фанига мурожаат қилади. Шунингдек, асарда усули фикҳ ва усули тафсирга оид қонун-қоидалар ҳам кенг ўрин эгаллаган.

III БОБ. “АҲКОМ АЛ-ҚУРЪОН” ТАФСИРИНИНГ ҲОЗИРГИ ДАВРДАГИ АҲАМИЯТИ

§ 3.1. “Аҳком ал-Қуръон” асарида ханафийлик мазҳаби қоидаларининг талқин этилиши

Абу Бакр Жассос оятларни шарҳлаб, улардан олинадиган ҳукмларни баён қилар экан, табиийки, ханафий мазҳаби қонунлари, яъни усули фикҳ ва Қуръон илмларининг айрим мавзуларига ойдинлик киритиб ўтади. Асосан, мавзуларни қисқароқ баён қилиб, уларни усули фикҳга оид “Ал-Фусул фи-л-усул” номли асарида тўлиқ ёритганига ишора бериб ўтади²⁸⁵. Абу Бакр Жассос тафсирида тўхталиб ўтган мавзулар қуйидагилар:

Мухкам ва муташобих. Абу Бакр Жассос муҳкам ва муташобих оятларга шундай таъриф беради: “Мухкам ва муташобих икки маънода қўлланилади. Биринчи маъносига кўра, Қуръоннинг барча оятлари муҳкам ёки муташобих ҳисобланади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло “Ҳуд” сураси 1- оятида барча оятларнинг муҳкам эканлигини айтган бўлса, “Зумар” сураси 32-оятда эса Қуръондаги барча оятларнинг муташобих эканини айтади. Иккинчи маъносига кўра, муҳкам ва муташобих орасида фарқ мавжуддир. “Оли Имрон” сурасининг 7-оятда бу ўз ифодасини топган. Мазкур оятда Қуръон оятларининг баъзилари муҳкам ва баъзилари муташобих экани таъкидланган. Мухкам шундай лафз (сўз)ки, унда бошқа сўзларнинг маъноси иштирок этмайди ва уни эшитган одам фақат битта маънони англайди. Муташобих эса бунинг аксидир”²⁸⁶.

Насх. Абу Бакр Жассос насх борасида қуйидаги фикрларни билдирган: “Насх баъзиларнинг айтишича, бекор ва зоил қилишдир. Бошқа олимлар эса, ўзгартириш маъносини англатишини таъкидлаганлар. Аллоҳ таоло “Ҳаж” сурасининг 52-оятда “насх” сўзини йўқотиш, зоил қилиш ва ўзгартириш маъноларида қўллаган. Шунингдек, насхнинг нақл қилиш, қўчириш

²⁸⁵ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 14, 72, 105, 254, 569; Ўша манба. Ж.2. – Б. 25.

²⁸⁶ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ихя ат-турос ал-рабий, 1996. – Б. 280.

маънолари ҳам бор. Бу ихтилофлар насх сўзининг луғатдаги мавзусига боғлиқдир. Луғатда қандай маънода бўлишидан қатъи назар, насхнинг шаръий маъноси ҳукм ва тиловат муддатини баён қилиш демакдир. Зеро, баъзан тиловат насх бўлиб, ҳукм боқий қолиши ёки аксинча ҳукм насх бўлиб, тиловат боқий бўлиши мумкин”²⁸⁷.

Шунингдек, асарда мутлақ ва мукайяд²⁸⁸, мужмал ва мубайян²⁸⁹, омс ва хосс²⁹⁰, ижтиҳод²⁹¹, оҳод хабарлар²⁹² ва олдингиларнинг шариати²⁹³ каби фикҳий истилоҳлар ҳам баён қилинган.

Имом Абу Бакр Жассос Қуръони карим оятларини ҳам нақлий, ҳам ақлий тафсир қилиш усулидан имкон даражасида фойдаланган.

Маълумки, нақлий тафсирнинг манбалари, асосан, тўртта:

1. Қуръони карим.
2. Суннати набавия.
3. Саҳобаларнинг сўзлари.
4. Тобеъинларнинг сўзлари.

Қуръони каримнинг тафсир борасида олинадиган биринчи манба эканлигида шубҳа йўқ. Ҳадиси шарифлар ҳам ҳудди шундай, асосий манба сифатида қаралиб, фақат улар заиф ёки тўқима бўлмаслиги, яъни саҳиҳ ёки ҳасан ҳадис бўлиш шарт билан олинади. Саҳобаларнинг сўзлари ҳужжат бўлиши-бўлмаслигида ҳам турли қарашлар мавжуд. Агар ҳужжат қилиб олинадиган бўлса, саҳобанинг сўзи ҳужжатга яроқли бўлиши учун икки шарт қўйилади. Биринчидан, саҳобийнинг сўзи ижтиҳод ва райга ўрин йўқ соҳада бўлишидир. Масалан, оят нозил бўлишининг сабаби, қиёматдаги ҳолатлар, нариги дунёга боғлиқ ишлар ва шу каби мавзуларда. Иккинчидан,

²⁸⁷ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Б. 72.

²⁸⁸ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 342; Ўша манба. Ж.2. – Б. 161.

²⁸⁹ Қаранг: Ўша манба. Ж.1. – Б. 103; Ўша манба. Ж.2. – Б. 300, 318, 483; Ўша манба. Ж.3. – Б. 260, 261.

²⁹⁰ Қаранг: Ўша манба. Ж.1. – Б. 452, 453, 568, 569.

²⁹¹ Қаранг: Ўша манба. Ж.1. – Б. 489, 525, 610, 614, 615, 632; Ўша манба. Ж.2. – Б. 111, 112, 270.

²⁹² Қаранг: Ўша манба. Ж.1. – Б. 122, 217, 274-276; Ўша манба. Ж.2. – Б. 424, 425, 427, 449.

²⁹³ Қаранг: Ўша манба. Ж.1. – Б. 172; Ўша манба. – Б. 552.

саҳоба исроилиёт (яхудий ва насронийлардан қилинган ривоят)ларни ривоят қилиш билан танилмаган бўлиши. Тобеъинларнинг сўзлари ҳужжат бўлиш-бўлмаслигида ҳам турли қарашлар мавжуд. Агар оят тафсири бўйича тобеъинлар бир фикрни келтирган бўлса, уларнинг сўзлари ҳужжат бўлишга ярайди, чунки улар сўзини саҳобалардан ўзлаштирган. Агар тобеъинлар тафсир қилишда ихтилоф қилишган бўлса, бирининг сўзини бошқасиники ва улардан кейингиларникидан устун қўйиб, ҳужжат қилиб олинмайди. Чунки улар барибир саҳобалар даражасида бўла олмайди. Бундай ҳолатда муфассир Қуръон луғати, араб тили ва шу каби бошқа манбаларга мурожаат қилган ҳолда оятни шарҳлашга киришиши мақсадга мувофиқдир.

Абу Бакр Жассос тафсирида нақлий (оят, ҳадис ва ривоятлар билан ёзилган) тафсирга алоҳида эътибор қаратилиб, юзлаб, балки минглаб ривоятларни баъзида исноди ва кўпинча иснодсиз ривоят қилган.

Шу боис Абу Бакр Жассоснинг нақлий тафсирини уч турга ажратиш мумкин:

1. Оят тафсири бўйича нақл қилинган ривоятларни жамлаш ва имкони борича уларни бир-бирига мувофиқлаштириб, барчасини оят тафсири доирасига киритиш.

Масалан, **“Бас, Мени ёд этингиз, Мен ҳам сизларни ёд этурман”**²⁹⁴ оятини шарҳлашда оятга берилган маънолар ким томонидан айтилгани кўрсатилмайди:

- “Мени тоатим билан эсланг, Мен сизларни раҳматим билан эслайман”;

- “Мени неъматларга шукр қилиш билан эсланг, Мен сизларни Менга итоат этганларингни мақтаб ёд этаман”;

- “Мени шукр билан ёд этинг, Мен сизларни савоб билан зикр қиламан”;

- “Мени дуо билан эсланг, Мен сизларни ижобат билан эслайман”;

²⁹⁴ Бақара сураси 152-оят.

Шундан кейин оят ушбу барча маъноларни билдириши мумкинлиги ва оят уларни ўзида ифода этишини айтиб хулоса чиқарилган²⁹⁵.

2. Ривоятларни яхшилаб ўрганиб чиққач, баъзи нақлларнинг исноди ёки маъносида заифлик бўлиши ёки ўзидан кучли манбага қарама-қарши келиши (масалан, саҳоба ва тобеъиннинг сўзи Қуръон ёки ҳадисга зид, қарама-қарши бўлиб қолса) сабабли баъзи ривоятларни ташлаб, баъзиларини танлаши.

Масалан, **“Эсланг: Иброҳим (ўз ўғли) Исмоил билан биргаликда Уй (Байтуллоҳ)нинг пойдеворини кўтарар эканлар, (шундай дуо қилдилар): "Эй, Раббимиз, биздан (ушбу ишимизни) қабул эт. Албатта, Сен эшитувчи ва доно зотдирсан!"**²⁹⁶ оятини шарҳлашда Каъбани ким қурганлиги хусусида уч хил қараш мавжудлиги келтирилади:

- Ибн Аббос: “Иброҳим қурган, Исмоил эса тош олиб бериб турган”.
- Суддий ва Убайд ибн Умайр: “Иккалови биргалашиб қурган”.
- Бир шоз (жуда кам учрайдиган) ривоятда Иброҳимнинг бир ўзи қурган, Исмоил унда ёш бўлган дейилган.

Абу Бакр Жассос уч тариқа қарашларни келтиргач, биринчи ва иккинчи маънолар оятга тўғри келиши ҳамда учинчи маъно эса санади шоз бўлгани учун оят лафзи араб тили грамматикасига кўра ҳам бундай маъно бермаслиги сабабли қабул қилинмаслигини айтган²⁹⁷.

3. Оят тафсирда келган ривоятларни бирон-бир таъқиб (шарҳ) ёки муноқашасиз (ихтилофсиз) келтириш.

Масалан, **“(Барча) намозларни, хусусан ўрта намозни сақланглар (ўз вақтида ўқинглар)”**²⁹⁸ ояти шарҳида “ўрта намоз” қайси намоз экани ҳақида айтилган фикрларни келтирган:

²⁹⁵ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 112, 113.

²⁹⁶ Бақара сураси 127-оят.

²⁹⁷ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 97.

²⁹⁸ Бақара сураси 238-оят.

- Зайд ибн Собит – пешин намози;
- Ибн Аббос ва Ибн Умар – аср намози;
- Али ва бошқа бир ривоятда Ибн Аббос – бомдод намози;
- Убай ибн Каъб ва Қубайса ибн Зуайб – шом намози.

Муфассир ривоятларни келтиргач, биронта ривоятни тўғри ҳам, нотўғри ҳам демаган²⁹⁹.

Абу Бакр Жассоснинг нақлий тафсирга боғлиқ айрим қоидалари:

- “Агар оят тафсирига иккита хабар келиб, уларнинг бири умумий, иккинчиси хос (хусусий маънога эга) бўлса ва умумийнинг қўллашга иттифоқ қилиниб, хосида ихтилоф мавжуд бўлса, хос хабарга умумий хабар орқали ҳукм қилинади”³⁰⁰;

- “Агар оят тафсирига иккита хабар келиб, фақиҳлар уларнинг бирини қўллашга иттифоқ қилиб, бошқасида ихтилофга берилган бўлса, қабул қилишда ихтилоф қилинган хабарга иттифоқ қилинган хабар орқали ҳукм қилинади”³⁰¹;

- “Пайғамбардан икки хил хабар ривоят қилинса ва уларни бири-бирига зид (اختلاف التضاد) бўлмаган ҳолда қўллаш иложи бўлса, у иккисини ҳам қабул қиламиз ва бирини олиб, бошқасини бекор қилмаймиз”³⁰²;

- “Агар саҳобалардан бир хабар ривоят қилиниб, унга бошқа бирор саҳоба қаршилиқ қилмаган бўлса, тобеъиннинг сўзи билан унга эътироз қилмаймиз”³⁰³;

- “Кучли ровийнинг ривояти (Масалан, Молик ибн Анас ва Ибн Уяйна) ундан кучсиз ҳисобланган ровийнинг ривояти билан таққосланмайди”³⁰⁴.

²⁹⁹ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 536, 537.

³⁰⁰ Ўша манба. Ж.1. – Б. 532.

³⁰¹ Ўша манба. Ж.3. – Б. 15.

³⁰² Ўша манба. Ж.1. – Б. 235.

³⁰³ Ўша манба. – Б. 44.

³⁰⁴ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. – Б. 23.

Ақлий тафсир араб тилини ва ундаги сўзларнинг турли маъноларини билган, бунда жоҳилия шеърларидан фойдаланган, оятларнинг нозил бўлиш сабабларини, носих ва мансух оятлар ва шу каби муфасссирга зарур нарсаларни билган кишининг ижтиҳод билан Қуръонни тафсир қилишидир³⁰⁵.

Маълумки, Абу Бакр Жассос ҳанафий мазҳабининг етакчи олимларидан ҳисобланади, бу мазҳаб эса “аҳли рай мадрасаси” деб ном қозонган. Шундай экан, Абу Бакр Жассос ҳам ўз тафсирида “аҳли рай” йўлини тутган бўлиши табиий. Ҳақиқатан ҳам, Абу Бакр Жассос ўз асарида Қуръон маъноларини ва унинг ҳукмларини идрок қилиш учун ақл ва фикрни ишлатишга, ижтиҳод қилишга ҳамда Аллоҳнинг китобини тадаббур қилишга ундайди³⁰⁶.

Абу Бакр Жассос ақлий (ижтиҳод билан қилинган) тафсирда тутган йўлини ўрганиб, уни қуйидаги беш асосга қурилган деб айтиш мумкин:

1. Муфасссир Аллоҳнинг мурод-мақсадини баён қилиб бериши ва хато-камчиликлардан сақланишига ёрдам берадиган илмларга асосланиб ақлий (ижтиҳодий) тафсир қилиши зарурлиги.

Абу Бакр Жассос муайян илмга асосланмаган ҳолда Қуръонни ўз райи билан тафсир қилишдан жуда кўп ўринларда қайтарган³⁰⁷. Масалан, бир ўринда “Ким ўз райи билан Қуръон хусусида гапирса (тафсир қилса) ва тўғри айтган бўлса ҳам хато қилибди”, деган ҳадисни келтиради³⁰⁸.

2. Ақлий (ижтиҳодий) тафсирни нақлий (ривоятларга асосланган) тафсир ва мусулмонлар бир-бирларига ривоят қилиб келаётган саҳиҳ хабарларга боғлашнинг зарурлиги ва бунга қарши чиқмаслик.

³⁰⁵ Қаранг: Доктор Муҳаммад Хусайн Заҳабий. Ат-тафсир ва ал-муфасссирун. Ж.1. – Қоҳира: Ованд донеш, 2005. – Б. 255.

³⁰⁶ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 491.

³⁰⁷ Қаранг: Ўша манба. Ж.1. – Б. 71.

³⁰⁸ Қаранг: Ўша манба. Ж.2. – Б.112.

Яъни ақлий тафсир юқоридагиларга зид келмаслиги керак, шунинг учун ҳам Абу Бакр Жассос кўп ўринларда рай ва ақлий муҳокамани маъқул кўрмаганки, тадқиқ қилинаётган масалада бирор саҳиҳ ҳадис ёки ишончли собит ривоят келганлиги сабабли³⁰⁹.

3. Фикр билдириш лозим бўлмаган жойларда нотўғри фикр билдирмаслик.

“Аҳком ал-Қуръон” асарини ўқиган киши Абу Бакр Жассос ҳар доим ақлий (ижтиҳодий) тафсир қилиш жоиз бўлмаган ўринларда ундан огоҳлантириб борганлигининг гувоҳи бўлади. Масалан, Моида сурасининг 42-оятини шарҳлаб, ривоятлар бу оят бошқа оят билан насх қилинганини айтгач, “Маълумки, бу борада рай орқали гапирилмайди, чунки оятларнинг нозил бўлиш тарихини рай ва ижтиҳод йўли билан аниқлаб бўлмайди”³¹⁰, - деган мулоҳазани билдирган. Бундай ҳолатларни жуда кўп учратиш мумкин³¹¹.

4. Муташобих (маъноси аниқ бўлмаган) оятларни муҳкам (маъноси аниқ бўлган) оятлар билан боғлаш.

Абу Бакр Жассос наздида муташобих - икки ва ундан ортиқ маънони билдириш эҳтимоли мавжуд сўз, муҳкам эса бир маънони билдирадиган ва эшитилганда тингловчи фақат бир маънони тушунадиган сўздир. Масалан, **“Никоҳ ўз ихтиёрида бўлган зот воз кечса”**³¹² оятидан икки хил маъно эҳтимол қилинади, шунинг учун бу оятни айтиш шу мавзудаги аниқ бир маънони билдирадиган оятлар – Нисо сурасининг 4, 20-оятлари, Бақара сурасининг 229-ояти ва Оли Имрон сурасининг 7-оятларига қайтариш, яъни боғлаш керак бўлади³¹³.

5. Фосид таъвилни олмаслик.

³⁰⁹ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Б. 234, 292.

³¹⁰ Ўша манба. Ж.2. – Б. 543.

³¹¹ Қаранг: Ўша манба. Ж.1. – Б. 216; Ўша манба. Ж.2. – Б. 125, 537.

³¹² Бақара сурасининг 237-ояти.

³¹³ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 533, 534.

Абу Бакр Жассос нотўғри таъвил қилишга олиб келадиган сабаблардан сақланиш лозимлигини ҳам таъкидлаган, буларнинг асосийлари:

- муфассирнинг эътиқоди бузуқ бўлиши ва ўз эътиқодини қувватлаш учун Қуръон оятларини нотўғри таъвил қилиш;

- муфассирга зарур шартларни тўлиқ ўзида ҳосил қилмаслик сабабли хато таъвил қилиш;

“Сўзларнинг ўринларини ўзгартирдилар”³¹⁴ ояти шарҳида: “Уларнинг ўзгартирилиши икки йўл билан бўлади, биринчиси, нотўғри таъвил билан, иккинчиси ўзгартириш билан”, - деган³¹⁵.

Шунингдек, Абу Бакр Жассос баъзида нотўғри таъвил қилишдан сақланиш учун таъвил қилиш пайтида эътибор бериш зарур бўлган қоидаларни ҳам келтиришни маъқул ҳисоблайди. Масалан, “Таъвил билан насс устидан ҳукм чиқарилмайди”³¹⁶.

Абу Бакр Жассоснинг ақлий (ижтиҳодий) тафсир ҳақидаги мулоҳазалари кўп учрайди, зеро унга боғлиқ илмлар етарли даражада бўлиб, луғат, наҳв, эроб, шеър, балоғат, мантиқ, фалсафа, жадал, мунозара ва бошқалар шулар жумласидандир. Имом Абу Бакр Жассос эса бу илмларни жуда пухта ўзлаштирган.

Хулоса қилиб айтсак, Абу Бакр Жассосни бир неча аср кейин **“Ақлий ва нақлий тафсирни жамлаш мактаби”** деб ном олган тафсир мактабининг етакчи муфассирларидан деб айтсак, муболаға бўлмайди.

Муҳим ақидавий масалаларни муҳокама қилиш

“Аҳком ал-Қуръон” асари ҳукм олинадиган фикҳий оятларни тафсир қилишга қаратилган бўлса-да, унда ақидавий масалаларга ҳам тўхталиб ўтилган. Улар, асосан, қуйидаги мавзулардан иборат:

- Аллоҳнинг якка-ягоналиги ва бандаларга ўхшашликдан поклиги³¹⁷;

³¹⁴ Моид сурасининг 13-ояти.

³¹⁵ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 498, 499.

³¹⁶ Ўша манба. – Б. 128.

³¹⁷ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Б. 5, 32, 91, 124-128; Ўша манба. Ж.2. – Б. 56, 57, 560.

- Муҳаммад пайғамбарнинг пайғамбарлик далиллари³¹⁸;
- Қабр азоби ва роҳатининг исботи³¹⁹;
- Бошқа дин тарафдорларига раддия³²⁰;
- Турли нотўғри оқим ва мазҳабларга раддия: жабария³²¹, қадария³²², мушаббиха³²³, хорижийлар³²⁴, шиа³²⁵;
- Қуръоннинг мўъжизакорлиги³²⁶.

§ 3.2. Асарда ахлоқий ва ақидавий масалалар ёритилишининг ўзига хос хусусиятлари

Абу Бакр Жассос тарихий манбаларда зоҳид, вараъ (эҳтиёткорлик) ва тақво соҳиби сифатида ёдга олинади. Зоҳидлик ва зухд ҳамда тақво тасаввуфдаги энг шарафли ва буюк мақомлардан саналади. Имом Ғаззолийнинг таърифига кўра, зоҳидлик деганда бирор нарсага бўлган рағбатдан воз кечиб, унданда яхшироғига рағбат қилиш тушунилади. Яъни дунёдан юз ўгириб, охиратга рағбат қилган одам тасаввуфда зоҳид деб юритилади. Вараъ ва тақво эса гуноҳлардан сақланиш демакдир³²⁷. Абу Бакр Жассоснинг зоҳидлигини деярли барча тарихчи олимлар эътироф этганлар. Жумладан, Хатиб Бағдодий уни “Зоҳидликда машҳур эди”, дея таърифлаган³²⁸. Шамсуддин Заҳабий унинг зоҳидлик ва обидлигига бир мисол келтиради: “Абу Бакр Жассос илми етук олим бўлиш билан бирга зоҳид ва обид эди. Унга икки марта қозилик лавозими таклиф қилинганда қабул қилмаган. Абу Бакр Жассоснинг ҳоли — мақоми роҳибларнинг

³¹⁸ Қаранг: Ўша манба. Ж.1. – Б. 32, 33, 47, 48, 102; Ўша манба. Ж.2. – Б. 9, 10, 44, 562.

³¹⁹ Қаранг: Ўша манба. Ж.1. – Б. 113, 114, 547.

³²⁰ Қаранг: Ўша манба. Ж.2. – Б. 498, 499, 500, 563, 564.

³²¹ Қаранг: Ўша манба. Ж.1. – Б. 109, 219, 271, 284.

³²² Қаранг: Ўша манба. Ж.2. – Б. 395, 604.

³²³ Қаранг: Ўша манба. Ж.1. – Б. 109.

³²⁴ Қаранг: Ўша манба. Ж.2. – Б. 45, 46, 548, 549.

³²⁵ Қаранг: Ўша манба. Ж.1. – Б. 246, 247, 265, 616.

³²⁶ Қаранг: Ўша манба. – Б. 620, 621; Ўша манба. – Б. 269, 491.

³²⁷ Қаранг: Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихё улум ад-дин. Ж.4. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1998. – Б. 189.

³²⁸ Қаранг: Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.5. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2011. – Б. 72.

ибодатдаги мартабасидан ҳам зиёда эди”³²⁹. Абу Бакр Жассосга қозилик лавозими таклиф қилингани ҳақидаги ҳикояни Тақийюддин Иззий Ҳанафий батафсил ёритиб, шундай дейди: “Абу Бакр Жассоснинг қозиликка таклиф қилинганлиги ҳақида кўп ривоятлар мавжуд. Саймарий унинг икки маротаба қозиликка таклиф қилинганини келтириб, бу воқеа билан боғлиқ бир қиссани нақл этади. Саймарийдан Хатиб Бағдодий ўзининг “Тарихи Бағдод” асарида, Ибн Абулвафо “ал-Жаваҳир”да ва Ибн Жавзий “ал-Мунтазам”да лафзлари бир-бирига яқин ушбу ривоятни нақл қиладилар: “Абу Бакр Муҳаммад ибн Солих Абхурий айтди: Мутиъ³³⁰ қозилар қозиси бўлишга мени таклиф қилди. Бу хабарни менга Абул Ҳасан ибн Абу Амр Шаробий олиб келган эди. Мен таклифни рад қилдим ва Абу Бакр Аҳмад ибн Али Жассосни тавсия қилдим. Абул Ҳасан ибн Абу Амр мендан унга бу ишда ёрдам беришимни сўради. Сўнг Абу Бакр Жассос учун мактуб тайёрланди. Унга қозилик таклиф қилинганида рад этди. Абу Бакр Жассос билан бирга қолганимда у менга: “Нега мени тавсия қиялсан?”, деди. Мен унга “Буни сенга раво кўрмайман”, дедим. Абул Ҳасан ибн Абу Амрнинг олдига бордик. У таклифини яна такрорлади. Мен эса Абу Бакр Жассосни ҳимоя қилишга ўтдим. Шунда элчи бундан ҳафа бўлиб: “Бизга олдин бир кишини қози бўлишини маслаҳат бериб, сўнгра уни қози қилмасликка маслаҳат бераяпсизми?”, деди. Мен айтдим: “Ҳа, бунда менга имомим Молик ибн Анас ўрнак, зеро у киши Мадина аҳлига қори Нофеъни³³¹ Пайғамбар (с.а.в.) масжидида имомлик

³²⁹ Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.12. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006. – Б. 344.

³³⁰ Абул Қосимал-Фазл ибн ал-Муктадир ибн ал-Муътадид аббосий (913/301-974/364), 955/344 йил Мустакфийдан сўнг унга халифаликка байъат қилинган, 974/363 йил фалаж бўлиб қолгач, ҳеч қандай тазйиксиз ўзи истеъфога чиққан ва ўғли Тоеълиллаҳга ишни топширган. Ўғли кучсиз бўлиб, асосий ишларни вазир Муъизу-д-давла ибн Бувайҳнинг ўзи қилган. Унинг даврида қийинчиликлар бўлган ва одамлар оч қолиб, ҳатто ўлимтик ва итларни ҳам еган (Қаранг: Ибн ал-Асир ал-Жазарий. Ал-комил фи ат-тарих. Ж.7. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1978. – Б. 253; Ибн ал-Имод ал-Ҳанбалий. Шазарот аз-заҳаб фи ахбор мазаҳиб. Ж.3. – Байрут: Дор ал-офок ал-жадида. – Б. 48-49).

³³¹ Нофеъ ибн Абдуррахмон ибн Абу Наъим Абу Абдуррахмон (в. 785/169), Абу Рувайм ҳам дейилган, етти қорининг биттаси, Мадинанинг қориси, асли Исфаҳондан бўлиб, 70 та тобеъинга шогирд тушган ва ундан кўп қорилар таҳсил олган, зоҳид, саҳий ва фақиҳ бўлган, Ибн Маъин уни ишончли деб санаган, Аҳмад эса бўшроқ деган, “ат-Таҳзиб”да Аҳмад айтадики, у ривоят қилган ҳадис мункар, сиҳоҳи ситтада ундан бирорта ҳадис ҳам ривоят қилинмаган, Ибн Можжа тафсирда ундан ҳадис ривоят қилган (Қаранг: Шамсиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жазарий. Ғоят ан-нихоя фи тобақот ал-қурро. Ж.2. – Миср: Мактабат ал-Хонужий, 1932. – Б. 330-334; Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Таҳзиб ат-таҳзиб. Ж.10. – Байрут: Дар содир. – Б.

қилишини тавсия қилиб, Нофеънинг ўзига эса ундай қилмасликни маслаҳат берган. Бу ҳақида унга айтганда шундай деган экан: “Сизларга Нофеъни маслаҳат бердим, чунки ундан бошқа кишини билмайман, унга бундай қилмасликни маслаҳат бердим, чунки унга душман ва ҳасадчилар пайдо бўлади. Шунингдек, мен ҳам сизларга уни тавсия қилдим, чунки ундан бошқа кишини билмайман, унга бундай қилмасликни маслаҳат бердим, чунки шу йўл унинг дини учун тўғри деб йўл деб ўйладим”³³². Шунингдек, машҳур тарихчи Ибн Касир ҳам унинг зоҳидлигини шундай таърифлаган: “Абу Бакр Жассос обид ва зоҳид инсон бўлган”³³³. Дарҳақиқат, илм олишнинг асосий шартларидан бири зоҳидлик ва тақводир. Бу иккиси бўлмаса, ҳар қанча кўп илм эгалламасин, унинг манфаати бўлмайди. Итқоний олимнинг тақвоси ҳақида шундай дейди: “Абу Бакр Жассос илм ва тақвода энг олий мартаба ва энг юқори даражада бўлган”³³⁴.

Лекин Абу Бакр Жассоснинг мазкур фикр ва ақидалари дунё лаззатларидан буткул юз ўгириш лозим, деган хулосани бермайди. Абу Бакр Жассос ҳалол ва яхши ризқларни ўзига ҳаром қилиб олган, деган ҳаёлга бориш мутлақо нотўғри. Олим шу маънода зуҳд ва тақво қилганки, у дунё лаззатлари ва ҳалол ризқларни ҳаётнинг асосий мақсади ҳамда яшашдан кўзланган энг муҳим ғоя деб ҳисобламаган. Шу билан бирга, Абу Бакр Жассос машаққат ила эгаллаган илм-маърифатларидан дунёнинг ўткинчи матоҳ ва зийнатларига эришишда восита сифатида фойдаланишдан бош тортган, холос. Ҳалол ризқлардан баҳраманд бўлиш зуҳд ва тақвога тўғри келмайди, дейдиганлар фикрига Абу Бакр Жассос қўшилмаган. Буни олимнинг қуйидаги оят тафсирида келтирган сўзларидан ҳам билиб олиш мумкин: **“Эй, имон келтирганлар! Сизлар учун Аллоҳ ҳалол қилиб**

407; Ибн ал-Имод ал-Ҳанбалий. Шазарот аз-заҳаб фи ахбор мазаҳиб. Ж.1. – Байрут: Дор ал-офок ал-жадида. – Б. 270).

³³² Абу Абдуллоҳ Ҳусайн Саймарий. Ахбор Аби Ҳанифа ва асҳабиҳ. – Байрут: олам ал-кутуб, 1985. – Б. 166-167.

³³³ Имодуддин Абул Фидо Исмоил ибн Касир Кураший Димашкий. Ал-бидая ва ан-нихая. Ж.11. – Байрут: Дар ихя ат-турос ал-арабий, 1997. – Б. 221.

³³⁴ Абу Бакр Жассос. Мухтасар Ихтилаф ал-улама. Ж.1. – Байрут: Дор ал-башаир ал-исламия, 1995. – Б. 77.

қўйган нарсаларни ҳаромга чиқармангиз ва ҳаддан ошмангиз! Зеро, Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни ёқтирмайди” (“Моида” сураси, 87-оят). Абу Бакр Жассос мазкур оятни қўйидагича изоҳлайди: “Оятдаги “ҳалол қилиб қўйган нарсалар” ибораси лаззат бағшлайдиган, иштаҳа тусайдиган ва қалб мойил бўладиган нарсаларга, шунингдек, ҳалол нарсаларга нисбатан қўлланилади. Мазкур оятда ҳар иккала маъно ҳам назарда тутилган, дейиш жоиз”³³⁵. Абу Бакр Жассос оятга доир бир қатор ҳадис ва ривоятларни келтиргач, шундай дейди: “Бу оят гўшт ва лаззатли таомларни истеъмол қилиш зоҳидликка тўғри келмайди, деганларнинг сўзи бекор ва нотўғри эканини кўрсатади. Зеро, Аллоҳ таоло бошқа оятда бу лаззатли таомларни ҳаром деб эътиқод қилишдан қайтариб, уларнинг мубоҳ эканини таъкидлаган: **“Аллоҳ сизларга ризқ қилиб берган нарсаларнинг ҳалол ва покларини тановул қилингиз ва ўзларингиз имон келтирган Аллоҳдан қўрқингиз!”** (“Моида” сураси, 88-оят)³³⁶ Бу оят шунга далолат қиладики, ҳалол ризқлардан тийилишда ҳеч бир фазилят йўқ. Абу Мусо Ашъарий (р.а.) шундай ривоят қилади: “Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг товук гўшти еганларини кўрдим”³³⁷. Бошқа бир ривоятда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг хурмо ва тарвуз еганлари ривоят қилинган³³⁸. Ғолиб ибн Абдуллоҳ (а.р.) Нофеъ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисга кўра, Расулуллоҳ (с.а.в.) товук гўшти емоқчи бўлсалар, товукни уч кун қамаб, унга дон берар, сўнг ер эдилар”³³⁹.

Абу Бакр Жассос зоҳидлиги туфайли давлат лавозимларидан ўзини олиб қочар, лекин амир ва раҳбарларга ўз насиҳатларини аямас эди. Бу ҳақда тарихчи Ибн Касир шундай ёзади: “362 ҳижрий йилда фақиҳ Абу Бакр

³³⁵ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 401.

³³⁶ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-фикр, 2008. – Б. 402.

³³⁷ Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий. “Сўйиладиган жонлиқлар” китоби, “Товук гўшти” боби; Имом Муслим. Саҳиҳ Муслим. “Қасамлар” китоби, “Нудб” боби. Шунингдек, бошқа муҳаддислар ҳам мазкур ҳадисни таҳриж қилганлар.

³³⁸ Қаранг: Абу Довуд. Суан Абн Давуд. “Таомлар” китоби, “Икки хил таомни қўшиб ейиш” боби; Имом ат-Термизий. “Таомлар” китоби, “Тарвуз ейиш ҳақида келган ривоятлар” боби. Термизий бу ҳадисни ҳасан ғариб деган; Ибн Можа. Суан Ибн Можа. “Таомлар” китоби, “Бодринг ва хурмони қўшиб ейиш” боби; Ибн Ҳиббон. Саҳиҳ Ибн Ҳиббон. “Таомлар” китоби, “Ейиш одоблари” боби.

³³⁹ Қаранг: Ибн Абу Шийба. Ал-Мусаннаф. “Таомлар” китоби, “Ҳўкиз гўшти” боби. Ибн Ҳажар мазкур ҳадиснинг иснодини саҳиҳ санаган.

Жассос Ҳанафий, Абул Ҳасан Али ибн Исо Румоний ва ибн Даққоқ Ҳанбалийлар жамланиб, Иззуддавла Бахтиёрни Румга қарши жанг қилишга чорлайдилар. Бахтиёр мазкур олимларнинг тавсияси билан Румга қўшин тортади ва Аллоҳнинг инояти билан ғалаба қозонади. Шундан сўнг Бағдод аҳолиси хотиржам бўлади”³⁴⁰.

Абу Бакр Жассос ўз асарларида ҳам одоб-ахлоқ масаласига алоҳида эътибор қаратади. Олим гўзал хулқнинг нақадар улуғ хислат эканини таъкидлаб, сўзларини қуйидаги ҳадислар орқали қувватлайди: “Қиёмат кунида мўминнинг тарозисидаги энг оғир нарса – гўзал хулқдир”. Ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинган ушбу ҳадисда қуйидагиларни ўқиш мумкин: “Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: “Мўминларнинг қайси бири афзалдир?”, деб сўради. Расулуллоҳ (с.а.в.): “Хулқи энг гўзалидир”, деб жавоб бердилар”. Абу Ҳурайра (р.а.)дан бу ҳақда шундай ҳадис ривоят қилинган: “Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: “Албатта, сизлар одамларни мол-давлатингиз билан эгаллай олмайсизлар. Балки уларни очик юз ва гўзал хулқ билан эгаллайсизлар”³⁴¹.

Абу Бакр Жассос (а.р.) қуйидаги оятни шарҳлар экан: **“Аллоҳ бирингизни бирингиздан бирор неъмат билан ортиқ қилиб қўйган бўлса, сизлар уни (ҳасадгўйлик билан) орзу қилманг! ...”** (“Нисо” сураси 32-ояти), фойдасиз орзу-ҳавас ва ҳасаднинг ёмон хулқ эканини таъкидлаб, бу борада Қатода (а.р.)нинг Ҳасан (а.р.)дан қилган қуйидаги ривоятини келтиради: “Ҳеч ким мол-давлатни орзу қилмасин. Чунки инсон билмайдик, орзуидаги ўша мол-давлат унинг ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин”. Абу Бакр Жассос ушбу мавзу доирасида ўз фикрларини билдириб, шундай дейди: “Аллоҳ таоло бизларни ўзгаларга берилган фазилатларни ҳасад маъносида орзу қилишдан қайтарган. Агар мазкур фазилатларнинг бизга фойдаси бўлганида, Аллоҳ таоло бизга ҳам ато қилар эди. Аллоҳнинг бизга бу фазилатларни

³⁴⁰ Қаранг: Имодуддин Абул Фидо Исмоил ибн Касир ал-Қураший ад-Димашқий. Ал-бидая ва ан-нихая. Ж.11. – Байрут: Дар ихя ат-турос ал-арабий, 1997. – Б. 203.

³⁴¹ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-фикр, 2008. – Б. 58-59.

бермагани Унинг бахиллигидан эмас, албатта. Балки ундан-да яхшироқ фазилатларни ҳозирлаб қўйганидандир”³⁴².

Абу Бакр Жассос ноўрин орзу, яъни ҳасад ҳақида шундай мулоҳазаларни билдиради: “Шунингдек, мазкур оятда ҳасаднинг ҳаром амал эканига ҳам ишора бор. Ҳасад – ўзгача бирор неъматнинг заволи топиб, ўзида пайдо бўлиб қолишини орзу қилиш демакдир. Бу ҳақда Абу Ҳурайра (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган: “Киши ўз биродарининг совчилиги устига совчи қўймасин, ўз биродарининг савдоси устига савдо қилмасин”. Олим мазкур ҳадис юзасидан фикр билдириб, шундай дейди: “Расулуллоҳ (с.а.в.) Келин тараф рози бўлиб, тўй белгилангандан сўнг бировнинг совчилиги устига совчи қўйишдан қайтарганлар. Шунингдек, У зот бировнинг савдоси устига савдо қилишдан ҳам қайтарганлар. Аллақачон бировнинг мулкига айланиб бўлган нарсани ўзида ҳосил бўлиб қолишини орзу қилган одам ҳақида нима дейсиз?! Суфён (а.р.) Зухрий (а.р.)дан, У Солим (а.р.)дан, у эса отасидан шундай ривоят қилади: “Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: “Ҳасад фақат икки нарсада жоиздир: Аллоҳ мол ато қилган ва уни кеча-ю кундуз инфоқ қилган кишига ҳамда Аллоҳ Қуръон ато қилган ва кеча-ю кундуз уни тиловат қилган кишига (ҳасад қилиш мумкин)”³⁴³.

Абу Бакр Жассос юқоридаги фикрларини умумийлаштириш ва мазкур ҳадислар орасидаги зоҳирий номуносибликни мувофиқлаштириш мақсадида қуйидагича хулоса қилади: “Орзу-ҳавас икки хил бўлади. Биринчиси шуки, киши бировга берилган неъматнинг заволи топишини орзу қилади. Бу ҳасад бўлиб, шариатда ундан қайтарилгандир. Иккинчиси шуки, киши бировга берилган неъматнинг ўхшашини ўзида ҳам бўлишини орзу қилади, лекин мазкур неъматнинг биродаридан заволи топишини истамайди. Бу маслаҳа (манфаат) кўзланган ўринларда маҳзур (қайтарилган) амал

³⁴² Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. – Б. 259-260.

³⁴³ Ўша манба. – Б. 260.

саналмайди. Шунингдек, содир бўлиши мумкин бўлмаган нарсаларни орзу қилиш ҳам қайтарилган орзулар сирасига киради. Масалан, аёл кишининг эркак киши бўлишни орзу қилиши шулар жумласидандир”³⁴⁴.

Абу Бакр Жассос инсонларни гўзал одоб ва хулқларга чақиришда ибратли ҳикоялардан ҳам унумли фойдаланганлигини кўриш мумкин. Жумладан, одамлар ҳақида яхши гумонда бўлиш ва илмсиз ҳамда асоссиз тарзда хулоса чиқаришдан эҳтиёт бўлиш ҳақида қуйидаги ривоятни мисол тариқасида келтиради: “Ривоят қилишларича, бир киши совут ўғирлайди ва фош бўлишдан кўрқиб, уни бир яҳудийнинг уйига ташлаб қўяди. Совут топилгач, унинг эгаси яҳудийни ўғриликда айблайди. Бу орада ҳақиқий ўғри ҳам яҳудийни айбдор сифатида кўрсатади. Бир гуруҳ мусулмонлар воқеадан хабар топгач, улар ҳам яҳудийга қарши тарафдан ўрин олдилар. Натижада, бу масала Расулуллоҳ (с.а.в.)гача етиб борди. Ҳатто Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам мусулмонлар тарафга мойил бўла бошлайдилар. Шунда Аллоҳ таоло қуйидаги оят орқали ҳақиқатни юзага чиқариб, чин ўғрини фош қилди ва яҳудийни оқлади: **“... Хиёнатчиларга эса, ҳимоячи бўлманг!”** (“Нисо” сураси 105-оят)” Абу Бакр Жассос мазкур ривоят юзасидан ўз фикрларини билдириб, шундай дейди: “Бу ҳодиса шунга далолат қиладики, ишнинг асл моҳиятини билмай туриб, биров билан хусуматлашиш, бировни айблаш ва ноҳақ ёки шубҳали одамнинг ёнини олиш жоиз эмас”³⁴⁵.

Шунингдек, Абу Бакр Жассос ўз асарида ота-онага яхшилик қилиш, бахилликдан тийилиш, оилани мустаҳкамлаш, аҳиллик, болалар одоби ва бошқа шу каби бир қатор ахлоқий масалаларни кенг ёритишга ҳаракат қилган. Олимнинг мазкур одоб-ахлоқ масалаларига берган шарҳлари ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган, десак муболаға бўлмайди.

Абу Бакр Жассос яшаб ижод этган ҳижрий IV/милодий X аср мусулмон оламида сиёсий жиҳатдан ғоят мураккаб кўриниш касб этиб, Халифаликнинг

³⁴⁴ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. – Б. 260.

³⁴⁵ Ўша манба. – Б. 392.

сиёсий парокандаликка юз тутиши, ички зиддият ва курашларнинг авж олиши, шиа-сунний муносабатларининг кескинлашуви, туркий сулолалар ва шиалар сиёсий мавқеъини мустаҳкамлаш мақсадида олиб борган курашлар билан характерланади.

Аллома яшаган давр ўзига хос ақидавий муҳит билан ажралиб туради. Мазкур даврдаги тарихий воқеалар далолат қилишича, бу даврда, асосан, учта диний-сиёсий оқим пайдо бўлади:

1. Имомийлар оқими. Уни бувайҳийлар қўллаб-қувватлаб, тарғибот-ташвиқотни кучайтирдилар.

2. Исмоилийлар оқими. Уни фотимийлар қабул қилиб, қўллаб-қувватлади.

3. Суннийлик оқими.

Бундан ташқари, Аббосийлар халифалиги яна бир қанча бошқа ҳаракатларга ҳам дуч келди. Халифаликдаги кўплаб қўзғолон ва норозиликларга сабаб бўлган Баҳрайн, Ямома ва Ҳажардаги Қаромита ҳаракати, Хуросон ва Мовроуннаҳрдаги Сомонийлар ҳаракати, Мосул, Диёр Бакр ва Робийъадаги Ҳамдонийлар ҳаракати, Табаристон ва Журжондаги Дайлам ҳаракати шулар жумласидан³⁴⁶.

Шу ўринда юқорида тилга олинган оқимларнинг 4 ҳижрий асрдаги ижтимоий сиёсий ҳолати, тутган ўрни ва таъсир доираси хусусида қисқача тўхталиб ўтамиз:

I. Имомийлик ҳаракати (Бувайҳийлар):

Бу оқим тарафдорлари Муизуддавла (303/915-356/967) даврида 334/945 йилда Бағдод устидан ҳукмронликни қўлга киритиб, халифа Мустакфий биллаҳ (292/904-338/949)ни калтаклаб, икки кўзини ўядилар. Масъудий сўзига кўра: “Мутиъга 334/946 йилда байъат қилинди. Халифалик ишлари Ибн Бувайҳ қўлига ўтиб, Мутиъ унинг қўғирчоғига айланди ва унинг даврида буйруқ ёки қайтариқ, маълум бир халифалик, зикр қилишга

³⁴⁶ Аҳмад Амин. Зухур ал-Ислом. Ж.1. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 1969. – Б. 91.

арзугулик вазирлик қолмади”³⁴⁷. Шу тариқа Бувайҳийлар Бағдодда ҳукмронликни тўлиқ қўлга олиб, халифаларни ўзлари тайинлайдиган ва унга байъат берадиган бўлди. Шунга қарамасдан, қўзғолон кўтарилишидан қўрқиб, айнан ўз номлари билан ҳокимиятни бошқармадилар, аббосийлар халифалиги номи остида амалдаги ҳокимият билан кифояландилар. 351/962 йилда Басра ва Ҳамадон шаҳарларида мазҳаблараро фитна келиб чиқади ва бунинг оқибатида кўп инсон ҳалок бўлади³⁴⁸. Муиззуддавла шиаларнинг урф-одат ва ақидаларини қаттиқ қўллаб-қувватлар эди. Жумладан, 352/963 йили муҳаррам ойининг ўнинчи кунида Муиззуддавла фуқароларига дўконларни ёпиш, бозор ва олди-сотдини тўхтатишни буюриб, Ҳусайн ибн Али (р.а.)га аза очиб, фарёд қилишга, аёлларни очик-сочик ҳолда кўчага чиқиб, либосларини йиртиш ва юзларини тимдалашга фармон чиқарди. Одамлар бу фармонни бажардилар. Шиаларнинг бу бузук ақидаларига ҳеч нарса монелик қила олмади. Чунки султон улар тарафида эди³⁴⁹. 353/964 йилнинг муҳаррам ойида ҳам шу ҳол такрорланди. Натижада, шиалар ва суннийлар ўртасида катта фитна юзага келди, кўпчилик жароҳатланиб, мол-мулкка талофат етди³⁵⁰.

Муиззуддавла ҳукмронлигидан сўнг унинг ўғли Бахтиёр Иззуддавла (356/967) ҳокимият тизгинини қўлга олди. Отаси вафотидан олдин ўғлига амакиси Рукнуддавлага итоат қилиш ва ҳар бир ишда амакиси билан маслаҳатлашишни васият қилади. Шунингдек, ўғлига амакисининг ўғли Азуддавлага итоат қилишни ҳам тайинлайди. Чунки у Иззуддавладан катта эди. Муиззуддавла ўғлига Дайлам, Турклар ва Ҳожиб Собуктегин ерларини унга васият қилди. Бахтиёр отасининг васиятига ҳилоф йўл тутиб, ўз вақтини кўпроқ ўйин-кулгу, аёллар билан маишат ва куй-кўшиққа сарфлайди³⁵¹.

³⁴⁷ Али ибн Ҳусайн Масъудий. Муруж аз-заҳаб ва маодин ал-жавҳар. – Миср: Мактаба ал-баҳийя ал-мисрий, 1927. – Б. 552.

³⁴⁸ Қаранг: Ибн Асир Жазарий. Ал-комил фи ат-тарих. Ж.7. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1978. – Б. 276.

³⁴⁹ Ибн Асир Жазарий. Ал-комил фи ат-тарих. Ж.7. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1978. – Б. 279.

³⁵⁰ Ўша манба. – Б. 286.

³⁵¹ Ибн Асир Жазарий. Ал-комил фи ат-тарих. – Б. 22.

Унинг ҳукмронлиги даврида Бағдодда фитна янада кучайиб, одамлар орасида гуруҳбозлик авж олади. “Товламачилар кўпайиб, фиску фасод урчиди, моллар таланди, бегуноҳ одамлар ўлдирилди”³⁵². Бахтиёр даврида ҳам шиалар орасидаги низолар тўхтамади. Жумладан, Абу Абдуллоҳ Алавий билан Абу Жаъфар Амирак Алавий орасида ақидавий низолар юзага келиб, бу низо ўзаро урушга олиб келди. Шунингдек, бу даврга келиб, ўлкада қарматийлар ҳаракати кучайиб борди, алавий ва қарматийларга аталиб хутбалар ўқиладиган бошлади³⁵³.

Иззуддавлдан кейин унинг икки ўғли Соссому-д-давла (в.76/986) ва Шарафу-д-давла (в. 340/951-379/989) ўзаро ҳокимият талашиб, Соссому-д-давла ҳокимиятни эгаллади, лекин унинг ҳукмронлиги узоққа бормади. Унинг укаси Баҳоуддавл (в. 971/360-1012/403) турклар ёрдами билан ҳокимият тепасига келди. Ўзаро муносабатлари ёмонлашгач, у халифа Мутиъни тахтдан олиб, Қодир Биллаҳ (336/947 – 422/1031)ни 381/991 йилда халифаликка тайинлади. Баҳоуддавл Бахтиёрнинг икки ўғлидан халос бўлишга уриниб, кучларини синдиришга эришди ва 379/989 йилда Форс устидан ўз ҳокимиятини ўрнатди. Бу ҳукмронлик 389/999 йилда Дайлам томонидан акаси Сомсому-д-давла билан бўлиб ўтган ҳарбий тўқнашувларгача давом этди. Шу даврда Сомонийлар ҳукмронлигига барҳам берган Маҳмуд ибн Собуктагин (361/971-421/1030) тарих саҳнасига чикди. 390 хижрийда турклар Бағдодга юриш қилганда, у ердаги Султон ноиб Абу Наср Собур кўрқиб қочди. Бағдодда турклар билан Карх маҳалласидаги аҳоли ўртасида тўқнашув юз берди. Шу тариқа Баҳоуддавл ҳукмронлигининг ўн йили турли урушлар ва ғалаёнлар ичида кечди.

Бувайҳийлар ҳукмронлигини Баҳоуддавланинг икки ўғли Султонуддавл (в. 415/1024) ва Мушрифуддавл (в. 416/1025) давом эттирдилар. Айниқса, 403/1012 йилдан 416/1025 йилгача давом этган бу давр

³⁵² Ўша манба. – Б. – Б. 45.

³⁵³ Ўша манба. – Б. 316, 323.

ҳокимият учун курашлар ва туркларнинг нуфузи ортишини келтириб чиқарди. Улардан кейин укалари Жалолуддавла ҳокимиятни эгаллади. У 418/1027 йили Бағдодда қароргоҳ тутиб халифа Қодир Биллаҳдан турклар Бағдодда талон-тарож қилган мол-мулкни талаб қилди. Акс холда халифага итоат этмаслигини билдирди. Шундан сўнг турклар 419/1028 йилда Жалолуддавллага қарши бош кўтардилар, уни ўз ҳовлисига қамаб, таом ва ичимлик беришмади. Натижада халифа Ал-Қодир биллаҳ турклар билан Жалолуддавлани мурасага келтирди. Шу туфайли Жалолуддавла (416/1025-435/1044) даври ҳокимиятга қарши исён, ғалаён ва низоларнинг кўпайиши, ҳарбий исёнлар ва ҳарбийлар нуфузи ортиши билан фарқланади. Оқибатда, Бувайҳийлар давлати узоқ яшамади ва салжукийлар юриши натижасида барҳам топди.

II. Исмоилийлик ҳаракати (Фотимийлар)³⁵⁴:

Фотимийлар давлатининг гуллаб-яшнаган вақти Муизз Лидийниллаҳ (319/931-365/975) даврига тўғри келади. 341/952-365/976 йиллар ҳукмронлик қилган даврда унинг давлати кенгайиб, Мағрибдан Мисргача етиб борди. У Шом ва Ироқгача чўзилиб, Икки Ҳарам устидан ҳукмронликни қўлга киритиш, Аббосийлар ҳокимиятига барҳам бериб, суннийлар халифалиги ўрнига Исмоилийлар давлатини барпо этишни мақсад қилди.

Шу мақсадда унинг Жавҳар (в. 381/992) бошчилигидаги қўшини шаҳарларни бирин-кетин ишғол қила бошлади. У лашкарбошиларида бири – Жаъфар ибн Фалоҳ (в. 360/971)ни бир гуруҳ билан Шомга юборади. Натижада, унга Фаластин, кейин Дамашқ бўйсунди ва бозорларда фотимийларни тугатиш учун ғалаён кўзғалди, аҳоли фотимийларни минбарларда туриб лаънатлайдиган даражада фитна тарқатди. Дамашқ фотимийларга хайрихоҳлик билдирмади. Исмоилийлар мазҳабда муҳолиф бўлган фотимийлардан халос бўлиш учун фитна ва уйдирмаларни

³⁵⁴ Фотимийлар даврини ўрганиш Имомийлар давридаги Аббосийлар давлатини ўрганиш каби аҳамиятли эмас. Шу боис бу мавзуга қисқароқ тўхталиб ўтилади.

бостиришда давом этдилар. Шундан сўнг Муизз Мисрга ўрнашди ва Қоҳирага асос солиб, уни мамлакат пойтахтига айлантирди.

Азиз Биллаҳ (344/955-386/996 йилларда яшаб, 365/976-386/996 йилларда ҳукмронлик қилган) отаси Муизздан кейин у бошлаган ишларни давом эттирди. Унинг даври бир қадар тинч ва осойишта ўтди. У Химс, Ҳамоҳ, Шизр ва Халабни фатҳ қилди. Мосул ҳокими³⁵⁵ унга Мосулни топшириши ҳақида хат юборди (382/992). Азизга отаси Шомдаги Қарматийлар ва Афтакинларга зарба беришни васият қилган эди. Муҳаррам ойида Рамлада уларнинг ҳар иккисига барҳам берилди (368/979).

III. Суннийлик ҳаракати

Юқорида қайд этилган воқеа-ҳодисалардан аниқ бўладики, Аббосий халифалиги Бувайҳийлар ва Фотимийларга қарши бирон иш қилолмади. Бундан ташқари, уларнинг Сомоний ва Ҳамадонийлар сулола вакиллари қаршисида ҳам кучсиз ва заифлиги сезилиб турди. Бу заифлик халифалик марказига нисбатан амирларнинг ҳақоратли тарзда муносабатда бўлишига сабаб бўлар, баъзи пайтларда бир халифани тахтдан олиб, бошқасининг ўтқазилишини тақозо этди. Ҳатто гоҳида халифани Мустакфийнинг кўзлари ўйилгани каби таҳқирлаш ҳоллари ҳам кузатиларди. Шу ва шу каби воқеалар омма қалбида Халифалик марказини кучсизлантиришга уринаётганлар, хусусан, бу ишларнинг бошида турган бувайҳийларга нисбатан қаҳр-ғазаб уйғонишига сабаб бўлди.

Бошқа бир тарафдан Бувайҳийлар ва Фотимийларнинг Ашуро ва Ғодийр байрами кунлари уюштирадиган ошкора ва ҳаяжонли тантаналар Аҳли сунна ва Шиа вакиллари ўртасида фитнага сабаб бўларди. Чунки бундай маросимлар Аҳли сунна инкор қиладиган амаллар бўлиб, икки буюк халифа Абу Бакр ва Умар (р.а.)ларнинг ҳақларига тажовузни келтириб чиқарарди.

³⁵⁵ У Муқаллид ибн Мусайяб Ақийлий (в. 1000/391).

Учинчи томондан, аббосийларга қарши чиқиш Макка ва Мадина устидан ҳукмронлик қилишга интилиш бўлиб, мазкур шаҳарлар бошқарувини қўлга киритган киши халифалик мансабига энг лойиқ ҳисобланарди. Шу боис Қарматийлар ва Фотимийлар Ислом Халифалигини эгаллаш мақсадида Икки Ҳарам устидан ҳукмронликка интилди ва бунга бироз вақт эришдилар.

Аббосийлар халифалиги бу даврда қайд этилган заифлиги боис сиёсий куч ёки мавқеъга эга эмаслигини билиш қийин эмас. Лекин, Бағдод, Шом ва Мисрдаги аксарият суннийлардан иборат омма амалдаги бошқарувга қарши ҳаракат ва қўзғолонларни бошлаб юбордилар. 363/974 йили суннийлар ва шиалар ўртасида тўқнашув юз бериб, ҳар икки тарафдан кўплаб кишилар ўлдирилди. Кейинроқ турклар ва дайламликлар ўртасида келишмовчилик юз бериб, турклар Дайламни таладилар. “Аҳли сунна шиаларга нисбатан кучайиб, Карх маҳалласига ўт қўйдилар, чунки у рофизийлар маҳалласи эди. Суннийлар турклар ёрдамида ўзларини тикладилар”³⁵⁶. Лекин бу узоқ давом этмади, Иззуддавла туркларга қарши чиқиб, Бағдодни қўлга олди.

Лекин суннийларнинг норозилик ҳаракатлари шу доирада чекланиб қолмади. Маҳмуд Ғазнавийнинг отаси Собуктегин фарзандларидан бўлган ҳукмдорлар ҳаракат бошладилар³⁵⁷. Улар суннийлик кенг тарқалган Мовароуннаҳр ўлкасидан бўлгани боис суннийлик улар ёрдамида яна жонлана бошлади. Бу уринишларга қўшимча равишда халифа Қодир биллаҳ ҳам ўзининг сиёсий мактубларида Аҳли сунна вал-жамоа ҳимояси ҳақида ёзар, бу халифа, қозилар ҳамда волийларнинг энг муҳим вазифаларидан эканлигини ва марказий ҳокимиятни кучайтириш зарурлигини таъкидларди.

Бу вақтдаги суннийлар таъсирининг кучайиши Маҳмуд ибн Собуктагин ал-Ғазнавий (388/998-421/1030 йилларда ҳукмронлик қилган) даврига тўғри келиб, у “Ямийну-д-давла” унвонига сазовор бўлди ҳамда

³⁵⁶ Имоуддин Абул Фидо Исмоил ибн Касир Кураший Димашкий. Ал-бидая ва ан-нихая. Ж.11. – Байрут: Дар ихя ат-турос ал-арабий, 1997. – Б. 275.

³⁵⁷ Бу Муизуддавланинг хожиби бўлган Собуктагин эмас.

Самарқанд ва Бухородаги Сомонийлар давлатига тўлиқ барҳам берди (389/999)³⁵⁸. Шундан сўнг Ҳиндистон сари юриш қилиб, унинг бир қисмини эгаллашга муваффақ бўлди. Кетма-кет ғазотлар натижасида унинг катта қисмини ўзига бўйсундирди. У Бағдодга ўз ғалабалари ҳақидаги хабарларни юбориб турар, бу билан халифанинг содиқ кишиси эканлигига ишора қиларди³⁵⁹.

391/1001 йилда турклар Бағдоддаги сунний аҳоли ёрдамида Карх маҳалласига бостириб кирди ва кўпчилик қирғин қилинди. 397/1007 йилда суннийлар ва шиалар ўртасида низо чиқди, лекин султон уни бостириб, айбдорларни зиндонбанд этди. 407/1016 йили Воситда юз берган урушда суннийларнинг қўли баланд келиб, шиалар ўз жойларини ташлаб қочдилар. Шу каби мазҳабчилик урушлари натижасида суннийлик маркази, яъни халифалик маркази кучайиб борди.

Шу йили муҳаррам ойида Африка қитъасидаги шиалар суннийлар томонидан қатл қилинди. Суннийларга Муизз ибн Бодийс бошчилик қилган эди. Суннийлар Абу Бакр ва Умар (р.а.)ларни ҳақорат қилган рофизийларни қириб, уйларига ўт қўядилар. Бу ходиса сунний шоирлар томонидан хурсандчилик билан ёдга олинса, шиалар шоирлари тарафидан маҳзунлик билан эсланади³⁶⁰.

Шунингдек, бу даврда Мовроуннаҳрда сунний-турклар ҳарбий Элоқхон атрофида бирлашиб, улар билан Маҳмуд Ғазнавий ўртасида тинчлик битими тузилди. Лекин бу узоқ давом этмади, улар ўртасида келишмовчилик чиқиб, ўзаро урушга айланди. Натижада, Элоқхон енгилиб (397/1007), Хуросондан чиқиб кетди³⁶¹.

³⁵⁸ Имоуддин Абул Фидо Исмоил ибн Касир Қураший Димашкий. Ал-бидая ва ан-нихая. Ж.11. – Байрут: Дор ихя ат-турос ал-арабий, 1997. – Б. 235; Ибн Асир Жазарий. Ал-комил фи ат-тарих. Ж.7. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1978. – Б. 196 – 197.

³⁵⁹ Қаранг: Ибн Асир Жазарий. Ал-комил фи ат-тарих. Ж.8. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1978. – Б. 67-100.

³⁶⁰ Қаранг: Ўша манба. – Б. 114.

³⁶¹ Ибн Асир Жазарий. Ал-комил фи ат-тарих. – Б. 35.

Абу Бакр Жассос яшаган давр ва у билан боғлиқ ижтимоий ҳолатни ўрганиш ўша пайтдаги сиёсий ҳолатни ўрганиш каби ўзига хос аҳамият касб этади, бу эса, ўз навбатида, Абу Бакр Жассос ҳаётининг айрим қирраларига аниқлик киритишга имкон беради. Шунингдек, бу маълумот ва хабарлар баъзи ижтиҳодларни изоҳлаб, тушунишимизда ҳам қўл келадики, бу ижтиҳодлар ўша давр шароити билан боғлиқ эканини, балки ҳаётий эҳтиёж сифатида юзага келганлигини англаш қийин эмас.

Мазкур даврда яшаган мусулмонлар ақидасини ўрганиш уларнинг ижтимоий ҳолати ва муносабатини ойдинлатиришда катта аҳамият касб этади. Ҳижрий II аср охирига келиб, аҳоли орасида турли ақидалар тарқалган эди. Жумладан, шиалар, қарматийлар, фотимийлар ва бошқа шу каби бир қатор оқимларнинг ақидавий қарашлари омма орасида турли низо ва келишмовчиликларни келтириб чиқара бошлади. Жумладан, Ҳусайн Ҳаллож қарматийликда айбланиб, Бағдодда осиб ўлдирилди. Ҳалложга илоҳликни даъво қилиш, илоҳлик улуғ инсонлар ичида жойлашганлик ҳақидаги ақидани тарғиб қилиш каби бир қатор айблар қўйилган эди. Ҳатто Ҳаллож билан Бағдод олимлари орасида мунозара ҳам бўлиб ўтади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ҳаллож мунозарада келтирган далиллари ичида на Куръон, на ҳадис ва на фикҳ бор эди. 309/921 йилда Қози Абу Амр бошчилигидаги бир гуруҳ фақиҳ ва олимлар фатвоси билан Ҳаллож қатл қилинади. Бу даврда Мисрда фотимийлардан бўлган бир шахс Махдийликни даъво қилиб чиқади ва Искандария ва Файюмни эгаллаб олади³⁶².

316/928 йилда қарматийлар “Дор ал-ҳижра” номли ўз марказларига асос соладилар. Шу йилдан эътиборан, қарматийларнинг нуфузи ортиб, бузук ақидалари халифалик бўйлаб кенг ёйила бошлайди. Суннийлар ва қарматийлар орасида қаттиқ кураш бошланади. Ҳатто мусулмонлар қарматийлардан хавфсираб, бир неча йил ҳаж маросимини ҳам адо қила олмайдилар. Қарматийлар Ҳажарул-асвадни Каъбадан суғуриб олиб, ўзлари

³⁶² Қаранг: Жалолуддин Суютий. Тарих ал-хулафа. – Мансура: Мактаба ал-иман, 2003. – Б. 375.

билан олиб кетадилар. Улар бу муборак тошни йигирма йилдан сўнг, аббосий халифа Мутиъ даврида, яъни 339/950 йилда қайтариб берадилар³⁶³.

Шунингдек, 300/913 йилда хачирнинг ҳўтик туғиши ҳодисаси ҳам аҳоли орасида турли ақидавий қарашларнинг авж олишига сабаб бўлди. Кейинчалик 304/916 йилда Бағдодда “Зизаб” номли махлуқ пайдо бўлгани ҳақида гап тарқалади. Айтишларича, мазкур махлуқ тунда томда кўринар, ёш болалар ва аёлларнинг кўкракларини ер экан. Одамлар ундан кўркиб, тунлари болаларини кўриқлаб чиқар эдилар. Бу ҳол бир неча кун давом этади. 305/917 йилда Уммон ҳокими халифа Муктадир биллаҳга йўллаган совғалари ичидаги тўтиқуш ҳам катта шов-шувга сабаб бўлган эди. Чунки у форс ва ҳинд тилларида қурсиз сўзлай олар эди. Бу каби ҳодисалар мусулмонлар ақидасига ҳам ўз таъсирини ўтказган эди³⁶⁴.

317/929 йили Бағдодда яна бир ақидавий масала кўтарилади. Мазкур масала қуйидаги оят билан боғлиқ эди: “... **Шоядки, Раббингиз Сизни (Қиёмат кунда) мақтовли (шафоат қиладиган) мақомда тирилтирса.**” (“Исро” сураси 79-оят). Баъзи адашган ҳанбалий олимлар оятдаги “мақтовли мақом”ни “Аллоҳ Расулуллоҳ (с.а.в.)ни ўз Аршига ўткизади”, деб тафсир қиладилар. Бошқа сунний олимлар эса, мазкур мақомни шафоат деб изоҳлайдилар. Натижада, ўртада низо ва хусумат юзага келиб, кўп инсонлар қони тўкилади³⁶⁵.

Бу даврда шиалар ҳам катта нуфузга эга бўлган. Жумладан, Маҳдий лақаби билан танилган Убайдуллоҳ йигирма беш йил Мағрибда ҳукмронлик қилади. У алавийлардан бўлиб, бобоси мажусий бўлган. Қози Абу Бакр Боқилоний (а.р.)нинг ёзишича, унинг насаби ҳақида ҳеч бир уламо гапирмаган. У бузуқ ботинийлардан бири бўлиб, ислом динини бузишга иштиёқманд бўлган. Олимлар унинг бузуқ ақидаларини фош этиб, мусулмонларни унинг иғволаридан халос этганлар. Маҳдийнинг авлодлари

³⁶³ Қаранг: Жалолуддин Суютий. Тарих ал-хулафа. – Б. 378.

³⁶⁴ Қаранг: Ўша манба. – Б. 375-376.

³⁶⁵ Ўша манба. – Б. 379.

ҳам шу йўлдан бориб, ҳамр ва зиного рухсат бериш ҳамда шиаликни кенг тарғиб қилиш орқали бузуқ ақидаларини ёйишда давом этганлар³⁶⁶.

322/934 йилда Ибн Абул Қароқир лақаби билан танилган Муҳаммад ибн Али илоҳлик ҳамда ўликларни тирилтиришни даъво қилиб чиқади. Бу ҳам, ўз навбатида халифалик ҳудудида турли низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Натижада, Ибн Абул Қароқир ва унинг бир гуруҳ тарафдорлари дорга осилади³⁶⁷.

334/946 йили халифа ал-Мутиъ лиллаҳ даврида Мағриб амири Қоим Убайдий вафот этади. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, Қоим зиндик (имонсиз) бўлган. У пайғамбарларни ҳақорат қилиш каби иллатлари билан танилган эди. Қоим мамлакатга жар солиб: “Ғор ва унинг атрофдагиларни лаънатланглар” (Расулуллоҳ (с.а.в.) ва Абу Бакр (р.а.)ни назарда тутган), деб ҳаммага ошкора эълон қилар эди. Унга қарши чиққан кўплаб олимлар қатл қилинди³⁶⁸.

341/952 йилда таносух (руҳнинг кўчиб юриши) ақидасини ёқлайдиган бир қавм пайдо бўлди. Уларга бир ёш йигит бошчилик қилар ва Али (р.а.)нинг руҳи ўзига кўчганини, унинг хотини эса Фотима (р.х.)нинг руҳи ўзига кўчганини даъво қила бошладилар. Ҳатто мазкур йигит “Мен Жаброилман”, дейишгача борди. Сунний олимлар йигитнинг бузуқ ақидаларини бартараф қилиш учун унга таъзир бериб, қамаб қўйдилар. Лекин Муъиззуддавла шиаликка моил бўлгани боис мазкур йигитни қўйиб юборади³⁶⁹.

364/975 йили рофизийлар кучайиб, Миср, Шом, Машриқ ва Мағрибда кўзғолон кўтарадилар ва таровеҳ намозини ўқимасликка тарғиб қиладилар³⁷⁰.

Шу ўринда Абу Бакр Жассоснинг ақидавий қарашлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Алломанинг ақидавий, шубҳасиз, ўзи

³⁶⁶ Жалолуддин Суютий. Тарих ал-хулафа. – Б. 385.

³⁶⁷ Ўша манба. – Б. 385.

³⁶⁸ Ўша манба. – Б. 392.

³⁶⁹ Жалолуддин Суютий. Тарих ал-хулафа. – Б. 393.

³⁷⁰ Ўша манба. – Б. 399.

яшаган даврга муносабатидан келиб чиқади. Юқорида таҳлил қилинган ақидага боғлиқ турли ҳодисалар ва атроф муҳитдаги эътиқодий кураш ва жараёнлар Абу Бакр Жассосда ўзига хос ақидавий қарашлар шаклланишига сабаб бўлган. Аммо олимнинг ақидаси ҳанафийлик тамойилларидан ташқарига чиқмаганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Айрим тарихчи олимлар Абу Бакр Жассоснинг мўътазилий фирқасига мойил бўлганини қайд этганлар. Жумладан, Шамсиддин Заҳабий Абу Бакр Жассоснинг олим ва зоҳид инсон сифатида эътироф этиб, сўзининг охирида шундай дейди: “Айтишларича, Абу Бакр Жассос мўътазилий ақидасига мойил бўлган. Унинг асарларида ҳам бунга далолат қиладиган сўзлар бор. Аллоҳдан саломатликни сўраймиз!”³⁷¹ Шунингдек, мўътазилий олимлардан Қози Абдужаббор, Ҳоким Жашмий ва Ибн Муртазолар ҳам Абу Бакр Жассосни мўътазилий олимларнинг ўн иккинчи табақаси қаторида санаб ўтганлар. Замонавий олимлардан Доктор Муҳаммад Ҳусайн Заҳабий, Доктор Мусоид Муслим оли Жаъфар ва Муҳйи Ҳилол Сарҳонлар ҳам уни мўътазилий бўлганини таъкидлайдилар³⁷².

Лекин мазкур тарихчи олимлар келтирган маълумотлар ҳақиқатдан анча йироқ эканини таъкидлаш лозим. Зеро, уларнинг мўътазилий олимлар табақасига бағишланган асарларида рошид халифалар, Ибн Аббос, Ибн Масъуд, Ибн Умар каби улуғ саҳобалар ҳамда айрим машҳур тобеъинлар ҳам мўътазилийлар қаторида саналган. Шу боис мазкур асарларда келтирилган олим ва фозил шахсларнинг ҳаммаси ҳам мўътазилий ҳисобланмайди. Шу жумладан, Абу Бакр Жассос ҳам. Чунки бирор инсонни мўътазилий деб эътироф этиш учун мўътазилий ақидасининг беш асосини қабул қилган бўлиши лозим. Бу ҳақда мўътазилий олим Абул Ҳусайн Хайёт шундай деган: “Қуйидаги беш асосни ўзида мужассам қилмаган одамга мўътазилий дейиш нолайиқдир: 1. Тавҳид. 2. Адл. 3. Ваъд ва ваъид. 4. Манзила байнал-

³⁷¹ Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.12. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006. – Б. 96.

³⁷² Қаранг: Доктор Али ибн Сулаймон. Тафасир аят ал-аҳкам ва манаҳижуха. – Ар-Риёд: Дор ат-тадмурия, 2010. – Б. 130-131.

манзилатайн. 5. Амри маъруф ва наҳий мункар. Агар инсонда ушбу беш хислат мукаммал шаклда топилса, у мўътазилий ҳисобланади”³⁷³.

Абу Бакр Жассос мўътазилийларнинг мазкур беш тамойилига қарши бўлгани олимнинг асарларида ўз ифодасини топган. Олимнинг мўътазилий деб танқид қилинишига, асосан, иккита масала сабаб бўлган. Уларнинг бири сеҳр мавзуси бўлса, бошқаси Аллоҳни жаннатда кўриш масаласидир. Мўътазилийлар ақидасига кўра, сеҳрнинг ҳақиқати йўқ, у хаёлий алдовдир. Аллоҳни кўриш эса асло жоиз эмас. “Аҳли сунна валжамоа” вакиллари эса, сеҳрнинг ҳақиқати борлиги ва Аллоҳни жаннатда кўриш жоиз эканини айтадилар.

Абу Бакр Жассос ҳам ушбу икки масала юзасидан айрим мулоҳазали фикрларни билдирган. Жумладан, “Бақара” сураси 102-оятида сеҳрнинг ҳақиқати йўқ ёлғон ва сохта нарса эканини таъкидлаган. Жассос мазкур оят шарҳида сеҳрнинг луғавий таърифи, унинг турлари ва у билан боғлиқ ривоятларни келтириб, ўз фикрини асослашга ҳаракат қилган³⁷⁴.

Шунингдек, Аллоҳни жаннатда кўриш масаласи борасида ҳам мўътазилийларга хос айрим фикрларни билдириб ўтган. Жумладан, “Анъом” сураси 103-ояти ҳамда “Қиёмат” сураси 22-23-оятлари тафсирида шундай деган: “Оятлардаги “кўриш” сўзи билмоқ маъносида келган. Яъни шак-шубҳа аралашмаган билимдир. Зеро, луғатда кўрмоқ сўзи билмоқ маъносида ҳам келиши машҳурдир”³⁷⁵.

Абу Бакр Жассоснинг бу фикрлари унинг мўътазилий эканига далил бўла олмайди. Зеро, сеҳрнинг ҳақиқати йўқ деган қараш фақат мўътазилийларга хос бўлмаган. Балки ҳанафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа, шофеъий олимлардан Абу Исҳоқ Исфироинийлар ҳам сеҳрнинг асл ҳақиқати йўқ ва унинг ёлғондан бошқа нарса эмаслигини таъкидлаганлар³⁷⁶.

³⁷³ Қаранг: Доктор Али ибн Сулаймон. Тафасир аят ал-аҳкам ва манаҳижуха. – Б. 131.

³⁷⁴ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дар ихё ат-турос ал-арабий. 1992. – Б. 51-72.

³⁷⁵ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.4. – Б. 75.

³⁷⁶ Қаранг: Доктор Сафват Мустафо. Ал-Имам Абу Бакр Розий Жассос ва манҳажух фи ат-тафсир. – Қохира: Дар ас-салом, 2008. – Б. 544.

Демак, Абу Бакр Жассос сеҳр масаласида мўътазилийларга эмас, балки ўз мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифага эргашган. Алломанинг бу ишини мўътазилийларга тақлид сифатида эмас, балки ижтиҳоди сифатида қабул қилиш масадга мувофиқ бўлади. Қолаверса, Абу Бакр Жассос одамларнинг сеҳр борасидаги ақидасини тўғрилаш мақсадида шу сўзларни айтган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. У бу ҳақда шундай ёзади: “Агар сеҳрнинг ҳам ҳақиқати бор десак, у ҳолда пайғамбарларнинг мўъжизаси билан сеҳргарларнинг сеҳри орасида фарқ қолмайди. Пайғамбарларнинг мўъжизалари асл ҳақиқатга эга, сеҳргарлар амалга оширган ишлар эса ҳақиқати йўқ нарсаларни ҳақиқати бордек қилиб кўрсатиш, яъни ёлғондан иборатдир”³⁷⁷. Демак, Абу Бакр Жассос сеҳр масаласида мўътазилийларга мойил бўлмаган. Аксинча, мазҳаббоши Абу Ҳанифанинг сўзларини олган. Бу масала сабабли Абу Ҳанифани ҳеч ким мўътазилий эканини айтмаган. Шунинг учун Абу Бакр Жассосни ҳам мўътазилий эмаслигини баралла айтиш мумкин.

Аллоҳни жаннатда кўриш масаласига келсак, аҳли суннанинг ақидасига кўра, шубҳасиз, мусулмонлар қиёмат куни Аллоҳнинг жамолини кўрадилар. Абу Бакр Жассос ҳам бу фикрларга қарши бўлиб, мўътазилийлар ақидасига мувофиқ баъзи қарашларни илгари сурган. Лекин алломанинг бу қарашлари унинг мўътазилий эканини исботламайди. Зеро, олимнинг Абу Ҳанифа фикҳи ва ақидасини мукамал ўзлаштиргани ҳеч кимга сир эмас. Абу Бакр Жассоснинг Аллоҳни кўриш масаласидаги фикрларини ижтиҳодда хато қилиш деб қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Мужтаҳид хато қилса, гуноҳкор ҳиобланмайди. Шу боис уни ақидада адашган дейиш жоиз эмас.

Абу Бакр Жассоснинг мўътазилий эмаслиги қуйидаги жиҳатлардан маълум:

Биринчидан, алломани мўътазилий деб эътироф этган тарихчиларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ вакиллари Абу Бакр

³⁷⁷ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дар ихё ат-турос ал-арабий. 1992. – Б. 51-72.

Жассосни мўътазилийлар табақасида зикр қилган бўлиб, унинг мўътазилий бўлгани ҳақида аниқ-равшан фикр билдирганлар. Бу гуруҳ вакилларининг аксарияти мўътазилий ҳисобланади. Шу боис уларнинг сўзларини далил сифатида қабул қилишдан йироқ бўлган афзал. Зеро, аввал таъкидланганидек, улар келтирган айрим маълумотлар ишончли эмас. Иккинчи гуруҳга эса, Шамсиддин Заҳабий каби тарихчиларни қўшиш мумкин. Улар Абу Бакр Жассосни очик-ойдин мўътазилий демасалар-да, унинг мўътазилий ақидасига мойиллиги борлигини ёзадилар. Лекин уларнинг фикрлари ҳам биринчи гуруҳ олимларининг хулосаларидан таъсирланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Иккинчидан, Абу Бакр Жассос бир қатор ақидавий масалаларда мўътазилийларга қарши фикрларни билдирган. Қабр азоби, гуноҳи кабира қилганларнинг имони, ваъд ва ваъид, Қуръон Аллоҳнинг каломи экани ва бошқа шу каби бир қатор эътиқодий мавзулар шулар жумласидандир.

Учинчидан, Абу Бакр Жассос сеҳрнинг ҳақиқатини инкор қилиш масаласида мўътазилийларга эмас, балки Абу Ҳанифага эргашган.

Тўртинчидан, алломанинг Аллоҳни қиёмат куни кўриш масаласида билдирган фикрлари жузъий масалалардан бўлиб, уни аҳли суннадан чиқарадиган катта омил сифатида кўриш жоиз эмас. Абу Бакр Жассоснинг бу каби фикрлари ижтиҳодий қарашлар бўлиб, ижтиҳоддаги хато сифатида талқин қилинади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ушбу бобда “Аҳком ал-Қуръон” асарининг бугунги кундаги аҳамияти кенгроқ очиб берилган бўлиб, унда мазкур асарнинг жамиятимиздаги муаммоларга қандай ечим бўла олиши ҳақида сўз боради. Биринчи бўлимда Абу Бакр Жассоснинг ахлоқий қарашлари ва “Аҳком ал-Қуръон” асаридаги ахлоқий мавзулар таҳлили тадқиқ қилинди. Дарҳақиқат, аллома ахлоқий масалаларда ҳам ўзига хос қарашлар соҳиби бўлган. Унинг тақвоси ва зоҳидлиги тилларда дoston бўлиб, шахсий ижтиҳодининг самараси ўлароқ тарихга муҳрланган.

Шунингдек, “Аҳком ал-Қуръон” асарида ҳам турли ахлоқий мавзулар ёритилган. Жумладан, Абу Бакр Жассос ўз асарида ота-онага яхшилик қилиш, бахилликдан тийилиш, оилани мустаҳкамлаш, аҳиллик, болалар одоби ва бошқа шу каби бир қатор ахлоқий масалаларни кенг ёритишга ҳаракат қилган. Муаллиф ахлоқий мавзуларни ёритишда ҳадис ва ибратли ривоятлардан кенг фойдаланган.

“Аҳком ал-Қуръон” асари ҳанафийлик мазҳаби доирасида ёзилгани боис унда, асосан, мазкур мазҳаб қонун-қоидалари баён қилинган. Абу Бакр Жассос ўз мазҳабини ҳимоя қилар экан муҳолиф мазҳаб далилларини ҳам назардан четда қолдирмайди. Аллома бошқа мазҳаб далилларини келтириб, чуқур таҳлил қилади. Сўнг ҳанафийлик мазҳаби қонун-қоидаларига тўхталади ва уларнинг устунлик жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилади. Асарда кўплаб фикҳий қоидалар ва усул қонунлари келтирилган ҳамда уларга ҳанафийлик мазҳаби бўйича таъриф берилган. Хусусан, Абу Бакр Жассос ақлий ва нақлий тафсир борасида ҳам ўзига хос қонун-қоидаларга риоя қилганини кўриш мумкин. Муаллиф нақлий тафсирга алоҳида эътибор қаратган ҳолда луғат, наҳв, эроб, шеър, балоғат, мантиқ, фалсафа, жадал, мунозара каби ақлий қонун-қоидалар асосида тафсир қилишни ҳам назардан четда қолдирмаган. Ушбу бобнинг иккинчи параграфида шулар чуқур тадқиқ қилинган.

Абу Бакр Жассоснинг ақидавий қарашлари ҳам ишончли манбалар асосида тадқиқ қилинди. Маълумки, баъзи тарихчилар Абу Бакр Жассосни мўътазилий олим сифатида эсга оладилар. Лекин алломанинг асарлари ва тутган йўллари унинг суннийлик ақидасида эканини кўрсатади. Мазкур бобда Абу Бакр Жассоснинг том маънода аҳли сунна вакили экани ишончли манбалар асосида исботланган. Шунингдек, аллома яшаган даврда пайдо бўлган ақидавий курашлар, адашган фирқалар ва нотўғри тушунча ва одатлар ҳам тарихий манбалар асосида ўрганилди. Бу ҳолатлар алломанинг “Аҳком ал-Қуръон” асарида ҳам ўз аксини топган. Асарда турли бузғунчи ақидалар

ва фирқаларга раддиялар ўрин олган бўлиб, муаллиф суннийлик ақидасини маҳорат билан ҳимоя қилганини кўриш мумкин.

§ 3.3. Тафсирнинг замонавий фикҳий масалалар ечимини

топишдаги аҳамияти

Абу Бакр Жассос фикҳий асарларида жамиятдаги муаммоларга ечим излашга ҳаракат қилган. Жумладан, “Аҳком ал-Қуръон” асарида ҳам бир қатор фикҳга оид масалалар баён қилинган. Абу Бакр Жассос таҳорат, намоз, рўза, ҳаж, закот, жиноят ва жазо, никоҳ, талоқ, боғийлик, динлараро муносабатлар, мерос ва бошқа бир қатор фикҳий масалаларни мазкур асарида мавзуларга ажратган ҳолда келтирган. Улар ичида бугунги кунда долзарб бўлган кўплаб мавзуларни учратиш мумкин. Абу Бакр Жассос фикҳий ҳукмларни баён қилар экан, аввало унинг луғавий маъноларига эътибор қаратган, шунингек, бошқа оятларда келган ўхшаш ҳукмлар билан боғлашга ҳаракат қилган. Муаллиф ўз фикр ва хулосаларини оят ҳамда ҳадислар, саҳобаларнинг сийрати ва тобеъинларнинг сўзлари билан қувватлашга алоҳида эътибор қаратган. Шу билан бирга, ҳанафий мазҳаби доирасидаги турли фикрларни ҳам келтириб ўтган. Абу Бакр Жассоснинг “Аҳком ал-Қуръон”ни ёзишдаги ўзига хос фикҳий услуби қуйидаги мисолларда ўз ифодасини топган.

Баҳс-мунозара қилиш, хусусан, ўзга дин вакиллари билан музокара қилиш ва баҳслашиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади. Динлараро мунозараларда ўзаро бағрикенглик ва холислик муҳим аҳамият касб этади. Абу Бакр Жассос ҳам бу мавзунини эътибордан четда қолдирмаган. Абу Бакр Жассоснинг фикрига кўра, динни ҳимоя қилиш учун илм-маърифат зарурдир. Зеро, Қуръони каримда шундай оят мавжуд: **“Эй сиз (аҳли китоблар) – ўзингиз биладиган нарсалар (Мусо ва Исо) ҳақида (билиб- билмай) баҳслашдингиз. Нега энди билмаган нарсангиз (Иброҳим дини) ҳақида баҳслашасиз? Аллоҳ билур, сизлар эса билмассизлар”** (Оли

Имрон сураси, 66-оят). Ушбу оятда мужодала қилишнинг икки тури кўрсатилган: илм-маърифат билан мунозара қилиш ва илмсиз баҳслашиш. Оятнинг мазмунига кўра, илмсиз баҳс-мунозарага киришиш мумкин эмас. Диннинг ҳимояси учун ўзга дин вакиллари билан баҳслашиш илм-маърифатга асосланган бўлиши лозим³⁷⁸.

Гувоҳлик масаласи фикҳ фанининг энг муҳим мавзуларидан саналади. Гувоҳлик муҳим ижтимоий вазифани бажариб, никоҳ, хусумат, маҳкама, тижорат, жиноят ва жазо каби бир қатор масалаларда катта таъсир кучига эга. Ислом дини бу масалада ҳатто ўзга дин вакилларига ҳам катта ишонч билан қарайди. Абу Бакр Жассос бу нозик мавзуда сўз юритиб, ўзга дин вакилларининг гувоҳлиги ҳақида ўз фикҳий қарашларини баён қилган. Унинг фикрича, Қуръонда баъзи аҳли китобларнинг омонатдор экани таъкидланган: **“Аҳли китоблар орасида шундайи (ҳам) борки, унга катта миқдордаги пулни омонат берсанг, сенга (ҳиёнатсиз яна) қайтаради ...”** (Оли Имрон сураси, 75-оят). Баъзиларнинг айтишича, мазкур оятда насронийлар назарда тутилган. Айрим олимлар ушбу оятни гувоҳлик маъносида келганини таъкидлаганлар. Уларнинг фикрича, омонатдорлик ҳам гувоҳликнинг бир кўринишидир. Мусулмонлар омонатдор ва ишончлидирлар, шу боис уларнинг гувоҳлиги қабул қилинади. Шунингдек, китобийлар, яъни яҳудий ва насронийларнинг ҳам гувоҳлиги қабул қилинади. Зеро, юқоридаги оятда уларнинг баъзилари омонатдор экани айтилган. Баъзи олимларнинг фикрига кўра, яҳудий ва насронийлар мусулмонларнинг зарарига гувоҳлик берсалар ҳам, қабул қилинади. Зеро, оятнинг зоҳирий маъноси шуни англатади. Аммо биз (ҳанафий мазҳаби вакиллари) китобийнинг мусулмонга қарши қилган гувоҳлигини қабул қилмаймиз. Чунки мазкур оятда бунга очиқ-ойдин далил йўқ. Лекин аҳли китобнинг мусулмонларнинг фойдасига берган гувоҳликлари бизнинг мазҳабимизда ҳам қабул қилинади³⁷⁹.

³⁷⁸ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-фикр, 2008. – Б. 26.

³⁷⁹ Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. – Б. 26-27.

Амри маъруф ва наҳий мункар мавзуси қадимда ҳам, бугунги кунда ҳам нозик ва баҳс-мунозарали фикҳий мавзулардан саналади. Абу Бакр Жассос бу мавзунини ёритишда унинг шаръий ҳукми ва турлари ҳақида фикҳий қоидаларни баён қилган. Абу Бакр Жассоснинг фикрига кўра, Амри маъруф ва наҳий мункар, яъни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш фарзи кифоя амал саналади. Қуръонда бу ҳақда шундай дейилган: **“Сизлардан яхшиликка даъват этадиган, амри маъруф ва наҳий мункар ишларинини олиб борадиган (бир) уммат бўлсин! ...”** (Оли Имрон сураси, 104-оят). Ушбу оятда амри маъруф ва наҳий мункар фарзи айн эмас, балки фарзи кифоя экани таъкидланган. Уни бир тоифа одамлар бажариши билан бошқаларнинг зиммасидан соқит бўлади. Бу мавзуга доир кўплаб оятлар мавжуд. Уларни бирлаштириб, шуни хулоса қилиш мумкинки, амри маъруф ва наҳий мункар бир неча услубда бажарилади. Агар ёмон ишни кўрган одам уни тўхтатишга қодир ва бўлса ва ваколатли бўлса, қўли билан қайтариши лозим. Агар қўли билан қайтариш ўзи учун хатарли бўлса, тили билан қайтариши даркор. Агар тили билан қайтаришнинг ҳам имкони бўлмаса, қалби билан қаршилиқ кўрсатиши керак³⁸⁰.

Мерос ислом фикҳида энг катта мавзулардан бири ҳисобланади. Абу Бакр Жассос “Аҳком ал-Қуръон” асарида мероснинг ислом динидан олдинги тарихий аҳамияти ва ислом дини кириб келгач, унга киритилган ўзгатиришлар ҳақида тўхталиб ўтган. Шунингдек, меросда аёллар ва ёш болаларнинг ҳуқуқи ҳимоя қилинганига ҳам алоҳида урғу берган. Абу Бакр Жассос бу мавзу доирасида қуйидаги фикрларни билдирган: “Жоҳилият аҳли икки нарса билан бир-бирларидан мерос олар эдилар: насаб ва сабаб. Насаб, яъни қариндошларидан фақат душманга қарши кураша оладиган ва ўлжани қўлга кирита оладиган эркак кишиларгина мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган. Ёш болалар ва аёллар мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар. Аллоҳ мерос ҳақидаги оятни нозил қилгунча ушбу усул амалда қўлланилган. Қуйидаги оят

³⁸⁰ Ўша манба. – Б. 44-45.

нозил бўлгач, аёллар ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга бўлдилар: **“Аллоҳ фарзандларингизга (мерос тақсимида) бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида (беришни) буюради ...”** (Нисо сураси, 11-оят). Араблар Расулуллоҳ (с.а.в.) пайғамбар бўлиб келганларидан кейин ҳам никоҳ, талоқ ва мерос масалаларини жоҳилият қонунлари асосида ҳал қилар эдилар. Бу ҳақда Журайж (р.а.) Амр ибн Шуъайб (р.а.)дан шундай ривоят келтиради: “Жоҳилият давридаги никоҳ ёки талоқ каби масалаларни Расулуллоҳ (с.а.в.) пайғамбар бўлганларидан кейин ҳам шунга (жоҳилият даврида бажарилган ишларга мувофиқлигига рози бўлиб) иқрор бўлдилар. Фақат рибо бундан мустасно бўлди. Исломи дини кириб келгач, рибони олмади, дасмойни сотувчига қайтариб, рибони ташлаб юборди”. Ибн Сирин (р.а.) шундай ривоят қилади: “Муҳожир ва ансорлар жоҳилият давридаги насаблари билан мерос олар эдилар”. Кейинчалик мерос ҳақидаги оятлар нозил бўлгач, ислом дини қонунлари асосида мерос тақсимланадиган бўлди. Шунингдек, араблар исломдан олдин сабаб йўли билан ҳам мерос олганлар. Сабаб деганда, қасам ичиш ёки аҳдлашиш назарда тутилади. Яъни араблар “Қоним қонингдир, қабринг қабримдир. Сен мендан мерос оласан, мен сендан мерос оламан. Сен мендан талаб қиласан, мен сендан талаб қиламан”, деб ўзаро аҳдлашар ва шу орқали улар орасида мерос ҳукмлари юзага келар эди. Шунингдек, бола асраб олиш орқали мерос олиш ҳам арабларда исломдан олдин кенг тарқалган бўлиб, бу ҳам сабаб йўли билан мерос олиш саналган. Исломи дини кириб келгач, насаб ва сабаб билан мерос олиш масалаларини тартибга солди. Жумладан, ислом дини ёш болалар ва аёллар ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эканини таъкидлади. Шунингдек, ислом шариасти бола асраб олиш орқали мерос олишни бекор қилди”³⁸¹.

Тижорат ва савдо масалалари ҳар бир дин ва миллатда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ўзига яраша қонун-қоидалар билан амалга оширилади. Жумладан, бу масала ислом дини таълимотларида ҳам ўз ифодасини топган.

³⁸¹ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. – Б. 109-114.

Абу Бакр Жассос тижорат, савдо ва олди-сотди масалалари юзасидан ўз фикрларини билдирар экан, қуйидаги оятни асосий манба сифатида талқин этади: **“Эй имон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангиз! Ўзаро розилик асосидаги тижорат бўлса, у бундан мустасно ...”** (Нисо сураси, 29-оят). Бу оятда бировнинг молини, ҳатто инсон ўзининг молини ҳам ноҳақ йўл билан ейиш ислом шариатида тақиқлангани баён қилинган. Инсон ўз мол-давлатини ноҳақ йўл билан ейиши деганда гуноҳ-маъсиятга мол-давлат сарфлаш тушунилади. Ўзгаларнинг молини ботил йўл билан ўзлаштириш эса, судхўрлик, қимор, алдов ва зулм йўллари билан бировнинг мулкига тажовуз қилиш тушунилади. Шунингдек, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам ўзгаларнинг мулкини ноҳақ ўзлаштиришдан қайтарганлар. Жумладан, ҳадисда шундай сўзлар бор: “Мусулмон кишининг моли фақат ўзининг розилиги билангина ҳалол бўлади”. Фосид (бузилган, бекор бўлган) савдадан топилган маблағдан фойдаланиш ҳам мазкур оят ва ҳадисда назарда тутилган тақиқлар сирасидан саналади. Масалан, бир киши тухум ёки бодом каби ейиладиган нарса сотиб олса ва сотиб олган нарсалари айланиб бўлиб чиқса, сотувчига унинг пули ҳалол бўлмайди. Бу йўл билан топилган савдо пули ўзганинг молини ноҳақ ейишга киради. Шунингдек, маймун, тўнғиз (чўчқа), ўлимтик ва пашша каби шариатимиз томонидан қиймат белгиланмаган ва фойдасиз деб топилган нарсаларни сотишдан тушган пул ҳам ҳалол ҳисобланмайди. Буларни сотиш орқали топилган пул ўзганинг молини ноҳақ ўзлаштиришдир. Бундан келиб чиқадики, ким мазкур йўл билан пул топса, бундай пулни ейиш шаръан тақиқланади ва пуллар харидорга қайтирилиши лозимдир. Асҳобларимиз айтишадики, ким ноҳақ йўл билан ўзлаштирилган моолдан фойда олса, фойдани садақа қилиши даркор. Чунки бу фойда тақиқланган йўл билан ҳосил бўлган.

“... Ўзаро розилик асосидаги тижорат бўлса, у бундан мустасно ...” (Нисо сураси, 29-оят). Ушбу оят ўзаро розичилик асосидаги тижорат йўли

билан ўзганинг молидан фойдаланиш мумкин эканини таъкидлаган. Тижорат фойда олиш мақсадида тузиладиган савдога оид шартномалар демакдир. Тижорат байъ (савдо)дан кўра кенгроқ маънога эга. Зеро, тижорат ижара, эваз (фойда) учун ҳиба қилиш ва байъни ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, Қуръонда имон ҳам мажозий тарзда тижорат деб номланган: **“Эй имон келтирганлар! Сизларни аламли азобдан қутқарадиган бир “тижорат”га далолат қилайинми? (Ўша “тижорат” шуки) Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига имон келтиурсиз ...”** (Сафф сураси, 10-11-оятлар). “Нисо” сурасидаги тижорат ҳақидаги оятга ижара, савдо ва олди-сотди шартномалари ҳам дахлдордир. Чунки бу шартномаларнинг барчасида томонлар эваз (фойда) олиш мақсадида келишиб оладилар.

Олимлар савдолашиш лафз (сўз, жумла)лари қандай бўлиши кераклиги ҳақида турли фикрларни билдирганлар. Жумладан, асҳобларимиз: “Киши: “Бу қулингни менга минг дирҳамга сот”, деса ва иккинчи киши: “Сенга сотдим”, деса, биринчи киши қабул қилмагунича байъ (савдо) жорий бўлмайди”, деб таъкидлаганлар. Шунингдек, ҳанафий олимлар байънинг ийжоб (таклиф) ва қабул сўзлари ўтган замон шаклида қўлланиши лозимлиги, акс ҳолда байъ дурус бўлмаслигини айтадилар. Келаси замон ва буйруқ шаклидаги сўзлар билан байъ дуруст бўлмайди.

Юқоридаги тижорат ҳақидаги оят касб билан шуғулланиб, мол топиш ҳаром, деганларнинг сўзлари нотўғри эканини кўрсатади. Зеро, Қуръонда ўзаро розичилик асосида тижорат билан шуғулланиб топилган маблағнинг мубоҳлиги айтилган. Қолаверса, касб билан шуғулланиш мубоҳ эканини билдирувчи бир қатор бошқа оятлар ҳам мавжуд. Жумладан, қуйидаги оятда тижорат ва маош учун ҳаракат қилиш Аллоҳнинг йўлида жиҳод билан тенглаштирилган: **“... У сизларнинг орангизда беморлар бўлишини, бошқалар Аллоҳнинг фазли (ризқи)ни истаб, ер юзида сафар**

килишларини ва яна бошқалар эса Аллоҳ йўлида жангга чиқиб кетишларини билган ...” (Муззаммил сураси, 20-оят)³⁸².

Қотиллик жинояти энг оғир жиноятлар сирасидан бўлиб, бу жиноятни содир этган инсонга нисбатан жазо қўллаш динларда турлича амалга оширилади. Жумладан, ислом дини қотиллик оғир гуноҳ эканини таъкидлаган ҳолда уни содир этган жиноятчиларга каттиқ жазоларни белгилаб қўйган. Зеро, жазонинг каттиқлиги жиноятнинг олдини олишга хизмат қилади. Абу Бакр Жассос қотиллик жиноятига бериладиган жазо юзасидан ўз фикрларини билдириб ўтган.

Олимнинг фикрича, қатл қилиш, яъни қотилликка бериладиган жазо тўрт қисмга бўлинади. 1. Вожиб. 2. Мубоҳ. 3. Махзур (тақиқланган). 4. Вожиб ҳам, мубоҳ ҳам, махзур ҳам эмас. Аҳли ҳарб (душман) бизга қарши жанг қилганда, ўзимизни ҳимоя қилиш мақсадида уларни қатл қилиш вожиб бўлади. Лекин асирга олинганлар, омонлик тилаганлар ва аҳдлашганларни қатл қилиш мумкин эмас. Вожиб қатл фақат эракаларга нисбатан қўлланилади. Аёллар ва ёш болалар қатл қилинмайди. Шунингдек, бизга қарши исён кўтарган боғийлар ва бировнинг жонига қасд қилган жиноятчини ҳам (ўзини ҳимоя қилиш мақсадида) қатл қилиш вожибдир. Қуръон ва ҳадисларда ҳадд белгиланган жиноятларда ҳам қатл қилиш вожиб саналади. Вожиб қатлнинг кўринишлари шулардир.

Мубоҳ қатл қилиш деганда марҳумнинг қасосини олишга ҳақли бўлган одамнинг ҳуқуқи тушунилади. Яъни, қасосда қон валийси (марҳумнинг яқин одами) жиноятчини жазолашда ихтиёрлидир. Хоҳласа уни қатл қилади, истаса товон пулини олиб кечирази. Бу турдаги қатл қилиш вожиб эмас, балки мубоҳ санлади. Шунингдек, асирга тушган аҳли ҳарбни қатл қилиш ҳам ихтиёрийдир. Давлат раҳбари асирга олинган аҳли ҳарбни истаса қатл қилади, хоҳласа қамоқда тутати.

³⁸² Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. – Б. 244-249.

Шунингдек, қатл қилиш тақиқланган ўринлар ҳам мавжуд. Масалан, ота ўз ўғлини ўлдирса, отани қатл қилиш мумкин эмас. Шу каби шубҳали тарзда содир бўлган қотилликларда фақат дия (товон пули) тўланади, жиноятчи қатл этилмайди. Шунингдек, хожа қулини ўлдирса, унга хун ҳам, товон ҳам вожиб бўлмайди. Бундай вазиятларда қотилга фақат таъзир берилади, аммо қатл қилинмайди.

Вожиб ҳам, мубоҳ ҳам, махзур ҳам бўлмаган қатл мавжуд. Бу турдаги қотиллик хато билан ёки унутиб содир бўлади, шунингдек, уйкудаги одам, мажнун инсон ва балоғатга етмаган боладан содир бўлган қотилик ҳам мазкур тоифадаги қатлга киради. Буларга бериладиган жазолар ҳам турлича бўлади³⁸³.

Порахўрлик жамият тараққиётини ортга сурадиган зарарли иллатлардан биридир. Порахўрлик сабабли кўплаб инсонлар ўз ҳақ-ҳуқуқларидан тўлақонли фойдалана олмайди. Порахўрлик зулм, ўзганинг мулкига тажовуз қилиш ва бировнинг ҳаққини ноҳақ ўлаштириш каби улкан гуноҳларни ўзида мужассам қилган. Шу боис ислом таълимотларида порахўрлик қаттиқ қораланган ва фикҳий манбаларда бу мавзуга доир ҳукмлар ва фатволар мавжуд. “Аҳком ал-Қуръон” асарида ҳам мазкур мавзуга алоҳида урғу берилган бўлиб, ҳанафий мазҳаби доирасида пора билан боғлиқ фикҳий ҳукмлар баён қилинган.

Абу Бакр Жассос проахўрлик билан боғлиқ масалаларга ҳанафий мазҳаби нуқтаи назаридан ёндашиб, унинг ҳукмларини атрофлича баён қилган. Бу мавзу қуйидаги оят тафсирида кенг ёритилган: **“(Улар) ёлғон (тўқиш учун Сиз)га қулоқ соладиган ва ҳаромни ейдиганлардир ...”** (Моида сураси, 42-оят). Оятдаги “ҳаром” сўзи арабча “сухт” сўзи билан ифодаланган. Абу Бакр Жассоснинг фикрича, мазкур оятдаги “ҳаром” сўзи порани англатади. Абу Бакр Жассос ушбу сўзнинг луғавий маъноларини араб тили қоидалари ва бошқа оятлар билан изоҳлаб, оятдаги “сухт” сўзи илдизи

³⁸³ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. – Б. 344.

билан суғириб олмоқ, йўқотмоқ маъноларини англатишини таъкидлайди ва шундай хулоса беради: “Сухт” сўзи ҳаромни англатади. Зеро, ҳаром баракани йўқотиб, гуноҳкорларни ҳалок қилади”³⁸⁴.

Сўнг Абу Бакр Жассос ўз фикрларини қувватлаш мақсадида саҳоба ва тобеъинларнинг ушбу сўзнинг маъноси борасида айтган фикрларини келтиради: “Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.): “Сухт нима?”, деган саволга шундай жавоб берган: “Бир киши сизнинг олдингизга келиб, сизга ҳадя берса ва: “Раҳбар билан гаплашиб, менга шафоатчи бўлинг”, деб илтимос қилса ҳамда сиз унинг ҳадясини олсангиз, бу сухтдир”. Умар (р.а.) ҳам шундай фикрни билдирган. Бошқа бир ривоятда Масруқ (р.а.) Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан сухт ҳақида сўраганида, у зот: “Сухт порадир”, деб жавоб бергани ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, Али (р.а.) ҳам сухтнинг пора эканини таъкидлаган. Тобеъинлардан Иброҳим, Ҳасан, Мужоҳид, Қатода, Масруқ ва Заҳҳок (р.а.)лар ҳам сухтнинг пора маъносини англатишини айтганлар. Қолаверса, Савбон (р.а.)нинг Расулуллоҳ (с.а.в.)дан қилган ривоятида шундай дейилган: “Расулуллоҳ (с.а.в.) пора берувчи, пора олувчи ва уларнинг ўртасида восита бўлувчини лаънатладилар”³⁸⁵.

Абу Бакр Жассос (р.а.) юқоридаги ривоятлардан хулоса қилиб, шундай дейди: “Бу оятни таъвил қилган барча олимлар пора қабул қилиш ҳаром эканига иттифоқ қилганлар. Шунингдек, мазкур олимлар пора Аллоҳ ҳаром қилган “сухт” эканини бир овоздан маъқуллаганлар”³⁸⁶.

Абу Бакр Жассос поранинг ҳаромлиги ҳақида бир тўхтамга келгач, унинг турлари борасида сўз юритади. Олимнинг фикрига кўра, пора икки қисмга бўлинади:

1. Ҳукм чиқаришда пора олиш ва бериш.
2. Ҳукм чиқаришдан бошқа ўринларда пора бериш ва олиш.

³⁸⁴ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. – Б. 606.

³⁸⁵ Қаранг: Ўша манба. – Б. 606-607.

³⁸⁶ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. – Б. 607.

Абу Бакр Жассос мазкур тақсимот юзасидан ўз фикрларини билдириб, шундай дейди: “Ҳукм чиқаришда порахўрлик қилиш берувчига ҳам, олувчига ҳам ҳаромдир. Юқоридаги ҳадис ҳам шу ҳақидадир. Пора бераётган одам ўз ҳаққини олиш учун ёки ўз ҳаққи бўлмаган нарсани олиш учун пора беради. Агар ўз ҳаққини олиш учун пора берган бўлса, ҳукм чиқарган ҳоким (қози) гуноҳкор бўлади. Пора берган одам ҳам номақбул ишга қўл урган ҳисобланади. Бундай вазиятда ҳокимнинг ҳукми инобатга олинмайди. Бу ҳудди фарз намозлари, рўза ва закот учун ҳақ олишга ўхшайди. Ҳукмлар учун пора олиш ҳаром эканида ихтилоф йўқдир. Зеро, бу Аллоҳ ҳаром қилган суҳтдир. Бу шунга далолат қиладики, ҳаж ва Қуръон ўргатиш каби фарз ёки Аллоҳга яқинлаштирувчи савобли амаллар учун ҳақ олиш жоиз эмас. Агар пора берган одам ўз ҳаққи бўлмаган нарса учун пора берса, бу ўринда ҳоким икки қарра гуноҳкор бўлади: пора олгани учун ва ноҳақ ҳукм чиқаргани учун. Пора берувчи ҳам худди шундайдир.

Ҳукм чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ўринларда пора бериш ва олиш масаласига келсак, бу ҳолат Султоннинг ҳузурида обрўга эга бўлган кишига ҳадя бериб, ёрдам сўрашга ўхшайди. Бу иш ҳам шариатда қайтарилган ишдир. Чунки мусулмон бировга қилинаётган зулмни бартараф этишга, яъни беғараз ёрдам беришга буюрилган. Зеро, Аллоҳ шундай буюради: “... **Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз! ...**” (Моида сураси, 2-оят). Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деганлар: “Киши ўз биродарининг ёрдамида бўлар экан, Аллоҳ ҳам доим унинг ёрдамида бўлади”.

Ушбу ҳолатнинг яна бир кўриниши бор бўлиб, унда киши ўзидан зулмни бартараф этиш учун пора беради. Бу пора олувчи учун ҳаром, берувчи учун эса ҳаром эмасдир. Жобир ибн Зайд ва Шаъбий (р.а.)лар бу ҳақда шундай деганлар: “Киши зулмдан қўрқса, жони ва молини сақлаб қолиш учун пора беришининг зарари йўқ”. Ҳасан (р.а.) шундай фатво берган: “Киши ўз обрўсини сақлаш учун молдан (пора) беришида зарар йўқдир”. Абу Шаъсо (р.а.) шундай деган: “Зиёд даврида биз учун порадан-да

фойдалироқ нарсани топа олмаганмиз”. Яъни, салафлар зулмдан сақланиш ва обрўни ҳимоя қилиш мақсадида пора беришга зарурат юзасидан рухсат берганлар³⁸⁷.

Боғийлик фикҳий мавзулар ичида энг оғриқли масалалардан саналади. Боғийлик давлатга қарши исён, мусулмонларга қарши жанг қилиш ва жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш каби салбий натижаларга сабаб бўлади. Абу Бакр Жассос боғийларга қандай муносабатда бўлиш, уларнинг исёнини қандай бартараф этиш ва уларга дастлабки муомала қандай бўлиши лозимлиги ҳақида сўз юритади.

“Агар мўминлардан икки тоифа ўзаро урушиб қолсалар, дарҳол улар ўртасини ислоҳ этингиз! Бас, агар улардан бири, иккинчисининг устига тажовузкорлик қилса, бас, то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича, сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушингиз! Энди агар у (тоифа тажовузкорликдан) қайтса, сизлар дарҳол уларнинг ўртасини адолат билан тузатиб қўйинглар ва адолатли бўлингиз! Зеро, Аллоҳ адолатлиларни севар” (Хужурот сураси, 9-оят). Абу Бакр Жассос ушбу оят юзасидан ўз фикрларини билдириб, боғийларга қандай муносабатда бўлиш кераклиги ҳақида шундай дейди: “Боғийлар мусулмонлар билан жанг қилсалар, Аллоҳ буюрганидек икки томон орасини ислоҳ қилиш зарур. Аввало, боғийлар ислоҳга, ҳақиқатга, Қуръон ва суннатга амал қилишга ҳамда боғийликдан қайтишга чақирилади. Агар икки тараф ҳам боғийлик қилаётган бўлса, ҳар иккаласи ислоҳга чақирилади. Агар бирлари боғийликдан қайтса, аммо иккинчи тараф боғийликда давом этса, боғийликдан қайтмаганлар жазоланади. Аллоҳ мазкур оятда боғийларга қарши жанг қилишдан олдин уларни тўғри йўлга чақиришни буюрган. Агар боғийлар бош тортсалар, уларга қарши жанг қилишга изн берган. Али (р.а.)

³⁸⁷ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. – Б. 607-608.

ҳам ҳудди шундай йўл тутган. У, дастлаб, боғийларни ҳақ йўлга чақирган. Боғийлар бўйин товлагач, уларга қарши жанг қилишга мажбур бўлган”³⁸⁸.

Шунингдек, Абу Бакр Жассос боғийларнинг ақидаси билан боғлиқ фикҳий ҳукмларни ҳам баён қилган. Олим бу борадаги фикҳий қарашларини тарихий мисоллар асосида ёритишга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, юқоридаги оят боғийларнинг эътиқоди сабабли уларга қарши жанг қилиш вожиб эканини англатмайди. Боғийлар модомики мусулмонларга қарши жанг қилмас экан, улар қатл қилинмайди. Али (р.а.) ҳам хорижийларга шундай муносабатда бўлган. Хорижийлар ажралиб чиққанида Али (р.а.) уларни ҳақ йўлга чақириш мақсадида Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)ни юборади. Хорижийлар бош тортгач, Али (р.а.) ўзи уларнинг олдида бориб, далил ва ҳужжатлар билан уларни йўлдан қайтаришга ҳаракат қилади. Хорижийлардан бир гуруҳ мусулмонлар боғийликдан қайтади. Қолган тоифалар эса боғийликда давом этади. Али (р.а.) Куфага келиб, хутба ўқиётганида хорижийлар масжиднинг ҳар тарафидан баланд овозда: “Ҳукм фақат Аллоҳникидир”, деб қичқирадилар. Али (р.а.) бу ҳайқириқларга: “Ҳақ сўздан ноҳақ (маъно) ирода қилинди. Хорижийларнинг учта ҳуқуқи бор: Уларни Аллоҳнинг масжидидан тўсмаймиз, улар ҳам биз каби масжидда Аллоҳни зикр қилишга ҳақлидирлар. Уларни, модомики, бизни қўллаб-қувватлар экан, ўлжадан тўсмаймиз. Улар бизга қарши жанг қилмагунча, биз улар билан жанг қилмаймиз”³⁸⁹.

Абу Бакр Жассос раҳбарларга итоат ва олимларга ишончда бўлишга чақириб, қуйидаги оятни шундай тафсир қилади: **“Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, Пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқларга итоат этингиз! ...”** (“Нисо” сураси, 59-оят): “Оятдаги “бошлиқлар” сўзининг маъноси борасида турли фикрлар билдирилган. Жумладан, Жобир ибн Абдуллоҳ, Ибн Аббос (р.а.)лар ва Ҳасан, Ато ҳамда

³⁸⁸ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.3. – Б. 598.

³⁸⁹ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. – Б. 598.

Мужоҳид (а.р.)лардан қилинган ривоятга кўра, улар фақиҳ ва олимлардир. Абу Ҳурайра (р.а.) ривояти, шунингдек, Ибн Аббос (р.а.)дан қилинган бошқа бир ривоятда айтилишича, улар сария – қўшин амирларидир. Оятда мазкур фикрларнинг ҳар иккиси ҳам назарда тутилган, десак хато бўлмайди. Чунки оятдаги “улул-амр” ибораси юқоридаги иккала маънони ҳам ўзига камраб олади. Зеро, амирлар қўшин ва аскарлар ишини тартибга солиш билан шуғуллансалар, олимлар шариатни муҳофаза қилишни ўз бўйинларига оладилар. Аллоҳ таоло ҳар икки тоифага итоат қилиш ва уларнинг сўзларини қабул қилишга буюрган. Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз ҳадисларининг бирида шундай дейди: “Ким Менинг амиримга итоат қилса, Менга итоат қилган бўлади”³⁹⁰.

³⁹⁰ Ўша манба. Ж.2. – Б. 298.

ХУЛОСА

Абу Бакр Жассоснинг “Аҳком ал-Қуръон” асари ҳанафийлик мазҳабининг фикҳий қоидалари, ақидаси ва ахлоқий қонунларини ўрганишда, шунингдек, ҳукмий оятларнинг мазкур мазҳаб доирасида тафсир қилиш ва изоҳлашда муҳим манбалардан ҳисобланади. Танланган мавзунинг илмий-амалий аҳамияти ва долзарблигидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Абу Бакр Жассос яшаган давр X асрда аҳли суннанинг тўрттала мазҳаби жадал суратда ривожланиб, етук олимлар етишиб чиққан. Бу давр шиалар ва суннийлар орасидаги зиддиятлар кескинлашди. Айниқса, шиа фирқаси вакиллариининг нуфузи ортиб, сунний олимларга тазйиқлар кучайди. Аллома шундай зиддиятли даврда суннийлик ақидаси ва фикҳини ҳимоя қилди ва уни янги босқичга кўтарди. Бу давр муҳити Абу Бакр Жассоснинг ижодига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Зеро, мазкур асрда ижод қилган олимлардан қаттиққўллик ва қатъиятлилиқ талаб қилинган. Жумладан, олим ҳанафий мазҳабининг бағрикенглик тамойилини кўрсатди ва бу борада илмий асосли кескин фикрларни билдирди.

2. Абу Бакр Жассоснинг устозлари унинг дунёқараши ва илмий салоҳиятига катта таъсир кўрсатган. Тарожим ва табақот асарларида олимнинг тўққиз нафар, “Аҳком ал-Қуръон” асарида саккиз нафар устозлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Олимнинг устозлари ўз даври диний илмларининг билимдони ва диний масалалар бўйича кенг қамровли истеъдод соҳиблари бўлганлар.

3. Абу Бакр Жассос қомусий олим сифатида тафсир, усул, луғат каби диний илм соҳаларида асарлар ёзган. Манбаларда аллома имом, ҳужжатул-ислом, муфассир, хофиз, муҳаддис, фозил, факих, мужтахид, муфтий ва Ироқ олими каби машҳур унвонлар билан аталганлиги зикр этилган. Абу Бакр

Жассоснинг мазкур илмий мақоми ва унвонлари унинг илмий жамоатчилик орасидаги, хусусан, ҳанафийлик мазҳабидаги мавқеи белгилаб беради.

4. Абу Бакр Жассос илмий тафаккури хулосалари, илмий қарашлари ва тажрибалари унинг “Аҳком ал-Қуръон” тафсирида ўз аксини топган. Ушбу манба мазҳабларга оид фикр-мулоҳазалар ва фикҳий қарашларни ҳам ўз ичига олганлиги билан ажралиб туради. Абу Бакр Жассос унда ҳар бир масала юзасидан фикр юритишидан аввал мазҳаббоши Имом Абу Ҳанифа, сўнгра унинг таниқли шогирдлари Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ва Имом Зуфар фикрларига суянади. “Аҳком ал-Қуръон” асари ҳанафийлик мазҳабидаги кенг камровли фикҳий тафсир бўлиб, унда нафақат ҳанафий фикҳи, балки бошқа мазҳаблар қарашларининг қиёсий таҳлили ҳам ўз аксини топган.

5. “Аҳком ал-Қуръон” Абу Бакр Жассоснинг шоҳ асари саналади. Унда алломанинг диний ва ақидавий қарашлари ҳамда ахлоқий назариялари жамланган бўлиб, кўплаб мўътабар манбалар асосида ёзилган. Мазкур манбалар алломанинг устозлари асарлари, Жассоснинг асарлари ва у яшаган даврда олимлар эътирофига сазовор бўлган асарлардан саналади.

6. Абу Бакр Жассоснинг “Аҳком ал-Қуръон”и фикҳий оятлар тафсири мавзусида ёзилган энг мўътабар ва қадимий манбалардан бўлиб, кейинги даврларда шу мавзуда ёзилган бошқа кўплаб асарлар учун манба вазифасини ўтади. Асарда ҳукмий оятларни шарҳлашга алоҳида эътибор қаратилиши, оятларни жамлаш ва мувофиқлаштиришга ҳаракат, шаръий истилоҳлар таърифларининг баён қилиниши, тарихий даврийликда юксак ахлоқий масалаларга эътибор берилиши, Қуръонни Қуръон билан тафсир қилиниши унинг юқори илмий мавқеини белгилади.

7. Аллома тарихий манбаларда обид, зоҳид, вараъ ва тақво соҳиби сифатида тилга олинади. Алломанинг бу хислатлари “Аҳком ал-Қуръон” асарининг ёзилишига, илмий савиясига таъсирини ўтказган. Мазкур асарда зоҳидлик, тавозелик, бағрикенглик, итоаткорлик каби одоб-ахлоқ ва

тасаввуфга оид қарашлар мавжуд. “Аҳком ал-Қуръон” асаридаги ахлоқий мавзулар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аллома инсонларни гўзал одоб ва хулқларга чақиришга оид ибратли ҳикоялардан унумли фойдаланган.

8. Абу Бакр Жассос асарда усули фикҳ ва Қуръон илмлари, мавзулари ва қоидаларидан истифода этган. Жумладан, асарда муҳкам, муташибх, носих, мансух, мутлақ, муқайяд, мужмал, мубайян, омм, хосс, ижтиҳод, оҳод хабарлар, олдинги умматларнинг шариати ва бошқа шу каби бир қатор фикҳий истилоҳлар ўрин олган бўлиб, уларнинг таърифлари ва қўлланиш ўринлари баён қилинган.

9. Абу Бакр Жассос суннийлар ва бошқа адашган ақидалар орасида баҳс-мунозаралар кетаётган даврда яшади. Шу сабабли ўз асарларида суннийлик ақидасини ҳимоя қилиб, турли адашган ақидапарастларга раддия берган. Жумладан, “Аҳком ал-Қуръон” асарида Аллоҳнинг ягоналиги ва Унинг ўхшаши йўқлиги, пайғамбарлик далиллари, қабр азоби ва роҳати, Қуръоннинг мўъжизакорлиги каби мавзулар, шунингдек, жабария, қадария, мушаббиха, хорижия ва шиа каби фирқаларга раддиялар берилган. Абу Бакр Жассоснинг ақидавий қарашлари чуқур диний фалсафий асосга эга. Алломанинг ақидавий қарашлари борасидаги турли нотўғри фикрлар асоссиз бўлиб, у соф суннийлик ақидаси тарафдори эканини ишончли далиллар асосида тасдиқлайди.

10. Абу Бакр Жассос ҳаёти ва илмий ижодини ўрганиш, олимнинг “Аҳком ал-Қуръон” асари нафақат ҳанафийлик мазҳаби доирасида, балки бутун ислом оламидаги энг аҳамиятли ва мўътабар манба эканлигини кўрсатади. Алломанинг фикҳий, ақидавий ва ахлоқий қарашлари “Аҳком ал-Қуръон” асарида яққол намоён бўлган. Асардаги бу таълимотлар ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шу боис бу асарни тадқиқ қилиш, ундаги қоида ва ғояларни амалда жорий қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади.

Монографияда таҳлил этилган масалалар, улардан келиб чиққан хулосалар асосида қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқиш имконини берди:

1. Абу Бакр Жассоснинг илмий-маънавий меросини ташкил этган соғлом эътиқод, фикҳ ва одоб-ахлоқ масалаларини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлари орасида кенг тарғиб қилиш;

2. Олимнинг “Аҳком ал-Қуръон” асари таржимасини тегишли шарҳ ва изоҳлари билан ўзбек тилида нашр этиш. Асар нусхаларидан талабаларга ислом ҳуқуқи имлий назарий масалалари ҳамда манбашуносликнинг кодикологик хусусиятларини ўргатишда манба сифатида фойдаланиш;

3. Дунёнинг турли нуқталарида ислом дини ниқоби остида турли бузғунчи экстремистик оқимлар, сохта мазҳаблар ўз ғаразли мақсадлари йўлида ислом ҳуқуқининг асл моҳиятини бузиб кўрсатишга уринаётганликларини эътиборга олиб, ислом динининг суннийлик йўналиши ҳанафий мазҳабига асосланган Абу Бакр Жассоснинг “Аҳком ал-Қуръон” асарига манба сифатида таяниб, ислом ҳуқуқининг асл моҳиятини кўрсатиб берувчи илмий тадқиқотлар ёзиш ва нашр этиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1.1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Ж. 1. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.

1.2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // Маърифат, 2017, 20 сентябрь.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // Халқ сўзи, 2016, 19 октябрь.

2. Манба ва адабиётлар:

Замонавий нашрлар:

2.5. Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-фикр, 2008. – 328 б.

2.6. Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-фикр, 2008. – 382 б.

2.7. Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.3. – Байрут: Дор ал-фикр, 2008. – 298 б.

2.8. Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – 338 б.

2.9. Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – 413 б.

2.10. Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.3. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – 397 б.

- 2.11. Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1. – Байрут: Дор ихя ат-турос ал-рабий, 1996. – 404 б.
- 2.12. Абу Бакр Жассос. Аҳком ал-Қуръон. Ж.2. – Байрут: Дор ихя ат-турос ал-рабий, 1996. – 376 б.
- 2.13. Абу Бакр Жассос. Таржимон: Мавлоно Абдулқайюм. Аҳком ал-Қуръон. Ж.1-6. – Исломобод: Идораи таҳқиқоти исломий пресс, 1999. – 531 б.
- 2.14. Абу Бакр Жассос. Мухтасар Ихтилаф ал-улама. Ж.1. – Байрут: Дор ал-башаир ал-исламия, 1995. – 509 б.
- 2.15. Абу Бакр Жассос. Ал-фусул фил-усул. Таҳқиқ Доктор Ажил Нашмий. Ж.1. Кувайт: Визарат ал-авқоф ал-кувайтия, 1994. – 421 б.
- 2.16. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл Сарахсий. Усул ас-Сарахсий. Ж.1. – Байрут: Дор ал-маърифат, 1997. – 393 б.
- 2.17. Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.5. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2001. – 476 б.
- 2.18. Абдулрахмон ибн Муҳаммад ибн Халдун. Ал-Муқаддима. Ж.1 – Байрут: Дор Ибн Ҳазм, 2003. – 1642 б.
- 2.19. Адирнавий. Маҳам ал-фуқаҳо. Миср: Дор ал-кутуб ал-мисрийя (йили кўрсатилмаган). – 217 б.
- 2.20. Абдулҳай Лакнавий. Ан-Нофеъ ал-кабир ли-ман ютолиъ ал-Жомеъ ас-сағир. Карачи: Идара ал-Қуръон ва ал-улум ал-исламия, 1990. – 216 б.
- 2.21. Абу Абдуллоҳ Саймарий. Ахбор Аби Ҳанифа ва асҳабиҳ. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 1976. – 216 б.
- 2.22. Абу Абдуллоҳ Ҳусайн Саймарий. Ахбор Аби Ҳанифа ва асҳабиҳ. – Байрут: олам ал-кутуб, 1985. – 243 б.
- 2.23. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ал-Жомий ас-сахих. – Дамашк: Дор ал-файхо, 1999. – 854 б.
- 2.24. Абу Исҳоқ Шерозий. Тобақот ал-фуқаҳо. – Байрут: Дор –ар-роид ал-арабий, 1981. – 531 б.

2.25. Абу Исҳоқ Иброҳим Зажжож. Маъани ал-Қуръон ва иъробух. Ж.1. – Байрут: олам ал-кутуб, 1988. – 523 б.

2.26. Абдуллоҳ Мустафо Мароғий. Ал-фатл ал-мубин фи табақот ал-усулин. Ж.1. – Вақф вазирлиги, 1948. – 274 б.

2.27. Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абулвафо Муҳаммад ибн Муҳаммад Мисрий Қураший. Ал-Жавоҳиру-л-музйяа фи табақоти-л-ҳанафийа. Ж.2. – Хайдаробод: 1913. – 531 б.

2.28. Абу Муҳаммад Абдул Қодир ибн Абулвафо Муҳаммад ибн Муҳаммад Мисрий, Қураший. Ал-Жавоҳиру-л-музйяа фи табақоти-л-ҳанафийа. Ж.1. – Хайдаробод: 1913. – 431 б.

2.29. Абу Наср Самарқандий. Китобу-ш-шурут ва-л-васоик / Муҳаммад Жасим Ҳадисий таҳрири остида. – Бағдод: Визарату-с-сақофа ва-л-илам, Дору-ш-шуун ас-сақофиййа ал-амма, офоқ арабиййа, 1419/1998. – 226 б.

2.30. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. Ал-Ансоб / Ҳошия: Муҳаммад Абдулқодир. Ж. 3. – Байрут: Дору-л-кутуб ал-илмия, 1998. – 424 б.

2.31. Абу Саъид Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний.. Китобу-л-ансоб. Ж.5. Абдуллоҳ Умар Борудий таҳрири остида. – Байрут: Дору-л-фикр, 1998. – 276 б.

2.32. Абу Убайда. Мажоз ал-Қуръон. Ж.1. – Қоҳира: Мактаба ал-Хонжий (йили кўрсатилмаган). – 316 б.

2.33. Абул Фараж Муҳаммад ибн Исҳоқ Надим. Ал-Фихрист. – al-mostafa.com. – 284 б.

2.34. Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий. Ихё улум ад-дин. Ж.4. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1998. – 484 б.

2.35. Али ибн Ҳусайн Масъудий. Муруж аз-заҳаб ва маодин ал-жавҳар. – Миср: Мактаба ал-баҳийя ал-мисрий, 1927. – 643 б.

2.36. Аҳмад Амин. Зухур ал-Ислом. Ж.1. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 1969. – 215 б.

- 2.37. Аҳмад ибн Муҳаммад Аданавий. Табақот ал-муфассирин. – Мадина: Мактаба ал-улум ва ал-ҳикам, 1997. – 595 б.
- 2.38. Бадруддин Айний. Ал-баная – Шарҳ ал-Ҳидая. Ж.11. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2000. – 620 б.
- 2.39. Бурҳонуддин Марғиноний. Ал-Ҳидоя. Ж.2. – Макка: Ал-мактаба ат-тижария – Мустафо Аҳмад ал-Боз, 1994. – 346 б.
- 2.40. Доктор Сафват Мустафо Халилович. Ал-Имам Абу Бакр Жассос Жассос ва манҳаҳужу фи ат-тафсир. – Қоҳира: Дор ас-салом, 2008. – 640 б.
- 2.41. Доктор Исматуллоҳ Иноятуллоҳ. // Ал-Имам Абу Бакр Жассос: ҳаятуху ва осоруху ал-илмия // “Ад-дирасат ал-исламия” журнали. 2-сон. Ж.46. 2011 йил.
- 2.42. Доктор Муҳаммад Ҳусайн Заҳабий. Ат-тафсир ва ал-муфассирун. Ж.1. – Қоҳира: Ованд донеш, 2005. – 386 б.
- 2.43. Доктор Муҳаммад Ҳусайн Заҳабий. Ат-тафсир ва ал-муфассирун. Ж.2. – Қоҳира: Ованд донеш, 2005. – 422 б.
- 2.44. Доктор Муҳсин Абдулҳамид. Тасаввуру тафсир ал-Қуръон. (Йили ва нашри кўрсатилмаган). – 453 б.
- 2.45. Доктор Али ибн Сулаймон Абид. Тафасир аят ал-аҳкам ва манаҳижуха. – Ар-Риёз: Дор ат-тадмурия, 2010. – 865 б.
- 2.46. Доктор Ваҳба Зухайлий. Ал-фикҳ ал-исламий ва адиллатух. Ж.5. – Дамашқ: Дор ал-фикр, 1997. – 4120 б.
- 2.47. Зайниддин Қосим ибн Қутлубғо. Таж ат-тарожим фи табақот ал-ҳанафия. – Лепзиг: Брокхаус, 1862. – 363 б.
- 2.48. Зафар Аҳмад Усманий Таҳонавий. Қоваъид фи улум ал-ҳадис. – Қоҳира: Дор ас-салам, 2000. – 482 б.
- 2.49. Жалолуддин Суютий. Тарих ал-хулафа. – Мансура: Мактаба ал-иман, 2003. – 418 б.
- 2.50. Ибн Абулвафо. Ал-Жаваҳир ал-мудийя фи тобақот ал-ҳанафийя. Ж.1 – Ҳайдаробод: Дироят ал-маъариф ан-низомийя, йили кўрсатилмаган. – 563 б.

2.51. Ибн Абулвафо. Ал-Жавахир ал-мудийя фи тобақот ал-ҳанафийя. Ж.2 – Ҳайдаробод: Дироят ал-маъариф ан-низомийя, йили кўрсатилмаган. – 461 б.

2.52. Ибн Асир Жазарий. Ал-комил фи ат-тарих. Ж.7. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1978. – Б. 520.

2.53. Ибн Асир Жазарий. Ал-комил фи ат-тарих. Ж.8. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1978. – 538 б.

2.54. Ибн Жарир Табарий. Жомий ал-баён ан таъвил ал-Қуръон. Ж.4. – Ар-Риёд: Дор ҳижр, 2008. – 469 б.

2.55. Ибн Жарир Табарий. Жомий ал-баён ан таъвил ал-Қуръон. Ж.5. – Ар-Риёд: Дор ҳижр, 2008. – 524 б.

2.56. Ибн Жарир Табарий. Жомий ал-баён ан таъвил ал-Қуръон. Ж.10. – Ар-Риёд: Дор ҳижр, 2008. – 468 б.

2.57. Ибн Фарҳун Яъмарий Маданий. Ад-Дийбож ал-музаҳҳаб фи маърифат аён ал-мазҳаб. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, йили кўратилмаган. – 497 б.

2.58. Ибн Халликон. Вафаят ал-аъян. Ж.1. – Байрут: Дор содир, 1972. – 361 б.

2.59. Ибн Халликон. Вафаят ал-аъян. Ж.3. – Байрут: Дор содир, 1972. – 295 б.

2.60. Ибн Халликон. Вафаят ал-аъян. Ж.4. – Байрут: Дор содир, 1972. – 341 б.

2.61. Ибн Ҳажар Асқалоний. Таҳзиб ат-таҳзиб. Ж.10. – Байрут: Дор содир, йили кўрсатилмаган. – 458 б.

2.62. Ибн Ҳажар Асқалоний. Лисан ал-мизан. Ж.3. – Байрут: Дор ал-башоир ал-исламия, 2002. – 486 б.

2.63. Ибн Ҳажар Асқалоний. Лисан ал-мизан. Ж.4. – Байрут: Дор ал-башоир ал-исламия, 2002. – 534 б.

2.64. Ибн Имод Ҳанбалий. Шазарот аз-заҳаб фи ахбор мазаҳиб. Ж.2. – Байрут: Дор ал-офок ал-жадида, йили кўрсатилмаган. – 369 б.

2.65. Ибн Имод Ҳанбалий. Шазарот аз-заҳаб фи ахбор мазаҳиб. Ж.3. – Байрут: Дор ал-офок ал-жадида, йили кўрсатилмаган. – 341 б.

2.66. Ибн Тағро Бардий Атобикий. Ан-Нужум аз-заҳиро фи мулук Миср ва ал-Қоҳиро. Ж.4. Қоҳира: Матбаъа дор ал-кутуб ал-мисрийя, 1933. – 364 б.

2.67. Ибн Надим. Ал-Фихрист. – Техрон: 1971. – 304 б.

2.68. Имом Шофийй. Аҳком ал-Қуръон. Таҳқиқ: Муҳаммад Зоҳид Кавсарий. Қоҳира: Мактаба ал-хонжий (йили кўрсатилмаган). – 432 б.

2.69. Исмоил Пошшо Бағдодий. Изоҳ ал-макнун фи аз-зайл ала Кашф аз-зунун ан асамий ал-кутуб ва ал-фунун. Ж.1. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, йили кўрсатилмаган. – 387 б.

2.70. Исмоил Пошшо Бағдодий. Ҳадия ал-орифин – Асма ал-муаллифин ва осор ал-мусаннифин. Ж.1. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 1951. – 708 б.

2.71. Имодуддин Абул Фидо Исмоил ибн Касир Қураший Димашқий. Ал-бидая ва ан-нихая. Ж.1. – Байрут: Дор ихя ат-турос ал-арабий, 1997. – 306 б.

2.72. Имодуддин Абул Фидо Исмоил ибн Касир Қураший Димашқий. Ал-бидая ва ан-нихая. Ж.11. – Байрут: Дор ихя ат-турос ал-арабий, 1997. – 345 б.

2.73. Муҳаммад Абу Заҳра. Усул ал-фикҳ. Байрут: Дор ал-фикр ал-арабий, 2010. – 416 б.

2.74. Муҳаммад Фодил ибн Ошур. Ат-тасфир ва рижалух. – Қоҳира: Мажмаъ ал-буҳус ал-исламия, 1970. – 357 б.

2.75. Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фи тарожим ал-ҳанафийя. – Миср: Дор ас-саъада, 1903. – 264 б.

- 2.76. Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳия фи тарожим ал-кутуб ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаът дор ас-саъода, 1906. – 273 б.
- 2.77. Муҳаммад ибн Абу Яъло Бағдодий. Тобақот ал-ҳанабила. Ж.2. – Қоҳира: Матабаъа ас-сунна ал-муҳаммадия, 1952. – 294 б.
- 2.78. Муҳаммад Курд Али. Ал-Ислам ва ҳадорат ал-араб. – Қоҳира: Мактабат дор ал-кутуб ал-асрийя, 1936. – 497 б.
- 2.79. Салоҳиддин Софадий. Ал-Вафий би ал-вафаят. Ж.1. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 1968. – 469 б.
- 2.80. Салоҳиддин Софадий. Ал-Вафий би ал-вафаят. Ж.3. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 1968. – 387 б.
- 2.81. Санъоний. Тафсир ал-Қуръон. Ж.1. – Ар-Риёд: Мактабат ар-рушд, 1990. – 426 б.
- 2.82. Тақийюддин ибн Абдулқодир Тамимий Дорий Иззий Мисрий Ҳанафий. Ат-табақот ас-сания фи тарожим ал-ҳанафия. Ж.1. – Ар-Риёд: Дор ар-рифоъий, 1983. – 438 б.
- 2.83. Тожиддин Субкий. Тобақот аш-шофеъия ал-кубро. Ж.2. – Ар-Риёд: Файсал Исо Бобий, 1964. – 413 б.
- 2.84. Тожиддин Субкий. Тобақот аш-шофеъия ал-кубро. Ж.3. – Ар-Риёд: Файсал Исо Бобий, 1964. – 324 б.
- 2.85. Хайруддин Зириклий. Ал-аълам. Ж.1. – Байрут: Дор ал-илм ли ал-малайин, 1998. – 336 б.
- 2.86. Хайруддин Зириклий. Ал-Аълам. Ж.7. – Байрут: Дор ал-илм ли ал-малайин, 1998. – 352 б.
- 2.87. Умар Ризо Каҳҳола. Муъжам ал-муаллифин – Тарожим мусаннифи ал-кутуб ал-арабия. Ж.2. Байрут: Муассаса ар-рисала, 1957. – 482 б.
- 2.88. Фуад Сезгин. Ж.2. Тарих ат-турос ал-арабий. Йили ва нашриёти кўрсатилмаган. – 324 б.

- 2.89. Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. Ж.7. – Байрут: Муассасату-р-рисола, 1992. – 386 б.
- 2.90. Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.12. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006. – 622 б.
- 2.91. Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.15. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006. – 486 б.
- 2.92. Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.16. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006. – 408 б.
- 2.93. Шамсуддин Заҳабий. Тобақот ал-қурро. Ж.1. – Ар-Риёд: Марказ ал-Малик Файсал, 1997.
- 2.94. Шамсуддин Заҳабий. Тазкира ал-хуффаз. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2007. – 425 б.
- 2.95. Шамсуддин Заҳабий. Тазкира ал-хуффаз. Ж.3. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2007. – 541 б.
- 2.96. Шамсуддин Заҳабий. Ал-ибар фи ҳабар ман ғобар. Ж.2. – Қувайт: 1961. – 335 б.
- 2.97. Шамсуддин Заҳабий. Ал-ибар фи ҳабар ман ғобар. Ж.5. – Қувайт: 1961. – 324 б.
- 2.98. Шамсуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Жазарий. Ғоят ан-ниҳоя фи тобақот ал-қурро. Ж.2. – Миср: Мактабат ал-Хонужий, 1932. – 413 б.
- 2.99. Шаҳобиддин Абдулҳай Акарий. Шазирот аз-заҳаб. Ж.2. – Байрут: Дор Ибн Касир, 1986. – 254 б.
- 2.100. Шаҳобиддин Абдулҳай Акарий. Шазирот аз-заҳаб. Ж.3. – Байрут: Дор Ибн Касир, 1986. – 286 б.
- 2.101. Шиҳабуддин Ёқут Ҳамавий. Муъжаму-л булдон. Ж.3. – Байрут: Дор Байрут, 1984. – 540 б.
- 2.102. Шайх Муҳаммад Зоҳид Кавсарий. Ҳусн ат-тақозий фи сийрат Аби Юсуф ал-Қозий. – Қоҳира: Ал-мактаба ал-азҳария, йили кўрсатилмаган. – 214 б.

2.103. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Усул фикҳ. – Тошкент: Шарқ: 2010. – 574 б.

2.104. Юсуф ибн Туғрий Бардий. Ан-нужум аз-заҳира фи мулук Миср ва ал-Қоҳира. Ж.3. – Қоҳира: Визара ас-сақофа, 1963. – 325 б.

2.105. Юсуф ибн Туғрий Бардий. Ан-нужум аз-заҳира фи мулук Миср ва ал-Қоҳира. Ж.5. – Қоҳира: Визара ас-сақофа, 1963. – 279 б.

2.106. Ҳасан Иброҳим Ҳасан. Тарих ал-ислом. Ж.3. – Байрут: Дор ал-жил, 1996. – Б. – 434.

2.107. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. Ж.1. – Истанбул: 1943. – 546 б.

2.108. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. Ж.2. – Истанбул: 1943. – 672 б.

2.109. Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.2. – Байрут: Дор ал-кутутб ал-илмия, 2011. – 405 б.

2.109. Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.3. – Байрут: Дор ал-кутутб ал-илмия, 2011. – 482 б.

2.110. Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.4. – Байрут: Дор ал-кутутб ал-илмия, 2011. – 409 б.

2.111. Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.6. – Қоҳира: Мактабат ал-Ханужий, 1931. – 538 б.

2.112. Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.9. – Байрут: Дор ал-кутутб ал-илмия, 2011. – 354 б.

2.113. Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.11. – Байрут: Дор ал-кутутб ал-илмия, 2011. – 494 б.

2.114. Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.14. – Байрут: Дор ал-кутутб ал-илмия, 2011. – 338 б.

3. Диссертация, автореферат, монография, илмий тўпламлар, тадқиқотлар

Ўзбек тилидаги:

3.115. А.Ш.Жўзжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: ТИУ, 2002. – 255 б.

3.116. А.Ш. Жўзжоний Ислом ҳуқуқшунослиги ва ҳанафий мазҳаби тараққиётида Ўрта Осиё фақиҳларининг ўрни. Юридик фанлар док. дисс. автореф... – Т.: ТИУ, 2005. – 46 б.

3.117. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 432 б.

3.118. Босворт К. Э. Мусулмон сулолалари. – Т.: Фан, 2007. – 167 б.

3.119. Бекмирзаев И.И. Мовароуннаҳрда қозилик ҳужжатлари: тарихий илдизлар ва таҳлилий ёндашувлар. Монография, – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – 332 б.

3.121. Бекмирзаев И.И. Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг “Ал-Мухит” асари ва унинг Мовароуннаҳр қозилигида тутган ўрни: тарих фанлари номз... дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2009. – 30 б.

3.122. Бекмирзаев И. Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорий ва Мовароуннаҳр қозилиги. Монография. – Т.: Таълим, 2011. – 198 б.

3.123. Бердимуродов А. Гўри Амир мақбараси. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996. – 76 б.

3.124. Бобохонов Ш., Мансуров А. Минг бир фатво. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005. – 94.

3.125. Зиётов З. Турон қавмлари. – Т.: Истиқлол, 2008. – 229 б.

3.126. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т.: Шарқ баёзи, 1993. – 102 б.

3.127. Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – 320 б.

Чет тиллардаги:

3.128. A.Kevin Reinhart. Befor revelation. The Boundaries of Muslim Moral Thought. – Albany: State Univesity of New York Press, 1995. – 242 p.

3.129. Адам Метз. Таржимон (арабчага): Мухаммад Абдулходий Абу Райда. IV хижрий асрда Ислом маданияти ёки Ислом уйғониш даври. – Байрут: 1967. – Б. 22.

3.130. Mohammad Akram. The prinsiples of abrogation with special reference to the Usul of Al-Jassas. University St. Andrews, 1987. –485 p.

3.131. Muhammad Abdel Halim, Adel Omar Sherif, Kate Daniels. Criminal Justice Islam. Judicial Procedure in the Shari’a. – London: I.B.TAURIS, 2008. – P. 182.

3.132. Ulrich Rebstock. Abwägen als Entscheidungshilfe in den usûl al-fiqh: Die anfänge der targîh-Methode bei al-Gassos // Der Islam (zeitschrift für geschichte und kultur des Islamischen orientes). – Berlin: Walter de Gruyter, 2003. – № 80. – 150 s.

МУНДАРИЖА

I БОБ. АБУ БАКР ЖАССОС ВА X-XI АСРЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ, СИЁСИЙ ВА ИЛМИЙ МУҲИТ

§ 1.1. X-XI асрларда Яқин Шарқдаги ижтимоий, сиёсий ва илмий вазият	6
§ 1.2. Абу Бакр Жассос илмий меросининг ҳанафий мазҳаби ривожига аҳамияти	16
§ 1.3. Алломанинг тафсир илми ривожига ўрни	38

II БОБ. “АҲКОМ АЛ-ҚУРЪОН” АСАРИНИНГ ТАФСИР ИЛМИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

§ 2.1. Асарнинг ҳанафий мазҳабига оид тафсир манбалари орасида тутган ўрни	47
§ 2.2. “Аҳком ал-Қуръон” асарининг фикҳий манбалари.....	56
§ 2.3. “Аҳком ал-Қуръон” асарининг ўзига хос хусусиятлари.....	73

III БОБ. “АҲКОМ АЛ-ҚУРЪОН” АСАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ДАВРДАГИ АҲАМИЯТИ

§ 3.1. “Аҳком ал-Қуръон” асарида ҳанафийлик мазҳаби қоидаларининг талқин этилиши.....	84
§ 3.2. Асарда ахлоқий ва ақидавий масалалар ёритилишининг ўзига хос хусусиятлари	92
§ 3.3. Тафсирнинг замонавий фикҳий масалалар ечимини топишдаги аҳамияти	114

ХУЛОСА	127
---------------------	------------

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	131
--	------------